

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

«Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» кафедраси

**«ҚУРИЛИШДА БАҲОНИ ШАҚЛЛАНТИРИШ ВА СМЕТА ИШИ»
фанидан**

Маърузалар курси

ФАРҒОНА – 2019

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

«Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» кафедраси

**«ҚУРИЛИШДА БАҲОНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА СМЕТА ИШИ»
фанидан**

МАЪРУЗАЛАР КУРСИ

**(“Архитектура” ва “Қишлоқ ҳудудларини архитектура-лойиҳавий
ташқил этиш” таълим йўналишлари талабалари учун)**

ФарПИИ услубий Кенгашида
тасдиқланган. Баён № ____
" ____ " _____ 2019 й.

Ф А Р Ғ О Н А – 2019

«Қурилишда баҳони шакллантириш ва смета иши» фанидан маърузалар курси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 октябрдаги 816-сонли “Олий таълим муассасаларини ўқув адабиётлари билан таъминлаш тўғрисида”ги Қарори, ушбу Қарорнинг 4-илоvasи “Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълим тизими учун ўқув адабиётларига қўйилган Талаблар”га мос равишда ишлаб чиқилган ва Фарғона политехника институти ўқув-услубий бошқармаси томонидан тасдиқланган (2018 йили 30 августдаги 469-18-сонли рақам билан руйхатга олинган) “Қурилишда баҳони шакллантириш ва смета иши” фанининг муваққат дастурига мувофиқ келади. Институтда тўпланган кўп йиллик тажриба асосида ва биринчи марта ўзбек тилида тайёрланган тайёрланган услубий ишланма мамлакатимизда қурилиш тармоғининг жадал ривожланиши, лойиҳа-қурилиш ишларининг иқтисодий асослари, қурилиш маҳсулотининг хусусиятлари, смета таркиби, қурилиш маҳсулоти баҳосини шакллантиришнинг назарий ва амалий жиҳатларини ўрганишга бағишланган мавзуларни қамраб олган. Маъруза курсининг таркибида ўқув материаллари, таянч иборалар, такрорлаш учун саволлар ўз ифодасини топган.

Маърузалар курси олий таълим муассасалари бакалавриятининг “Архитектура” ва “Қишлоқ ҳудудларини архитектуравий-лойиҳавий ташкил этиш” таълим йўналишларида таълим олаётган талабалар учун мўлжалланган бўлиб, ундан илмий-тадқиқотчилик йўналишида иш олиб бораётган изланувчилар, мустақил тадқиқотчилар, ассистентлар ва қурилиш соҳасининг бошқарув ходимлари ҳам фойдаланишлари мумкин.

Муаллиф: и.ф.н., доц. О.Тошпўлатов

Такризчилар:

А.Хаминов
Фарғона вилояти Бош
архитектори ўринбосари
Ж.Аҳмедов
“Архитектура” кафедраси мудир
т.ф.н., доцент
А.Давлятшоев
“БХ ва А” кафедраси
катта ўқитувчиси, и.ф.н.

Мазкур маърузалар курси «БХ ва А» кафедрасининг 2019 й. «__» _____ кундаги йиғилишида кўриб чиқилган ва тасдиқланган. Баён № _____

Мазкур маърузалар курси «Ишлаб чиқаришда бошқарув» факультетининг 2019 йил “__” _____ ги йиғилишида кўриб чиқилган ва тасдиқланган. Баён № _____

КИРИШ

Мамлакатимизда жамиятни модернизациялаш ва таркибан ўзгартириш иқтисодиёт тармоқларининг рақобатбардошлигини таъминлаш, хусусий мулк ривожланиши учун зарур шароитларни барпо этиш, акциядорлик жамиятларидаги давлат улушини хорижий инвесторлар ҳисобига камайтириш, янги техника ва технологияларни ўзлаштириш, шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфасини тубдан янгилаш, намунавий турар-жой массивлари, аҳоли яшаш пунктлари, ижтимоий соҳа объектлари, тиббий ва соғлиқни сақлаш объектларини қуриш каби соҳаларидаги бир қатор чоратадбирларни назарда тутати. Бу ютуқлар замирида миллий иқтисодиётнинг барча тармоқлари, шу жумладан, қурилиш саноати томонидан амалга ошириладиган кенг қўламли бунёдкорлик ишлари, соҳага йўналтириладиган инвестицияларнинг ҳам муҳим ўрни мавжуд.

Мамлакатимизда олиб бориладиган кенг қўламли ишлар ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган йиғилишида қуйидагиларни таъкидлаб ўтди: 2018 йилда мамлакатда ялпи ички маҳсулот 407514, 5 миллиард сўмни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 5,1 фоизга ўсган. Шу жумладан, қурилиш тармоғида ишлаб чиқариш ҳажми йил давомида 2017 йилдаги 15,2 триллион сўмдан жорий йилда 20,7 триллион сўмга ёки 9,9 фоизга ортган.

2018 йилда ЯИМ дефлятори индекси 2017 йилдаги нархларга нисбатан 128,1 фоизни ташкил этди. ЯИМ дефлятори индексининг энг юқори кўрсаткичлари саноат тармоғида – 144,3 % ва қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида – 128,6 % қайд этилди. Республиканинг ўртача даражасидан паст бўлган дефлятор индекслари қурилишда – 123,9 %, савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда – 117,8 %, ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқада – 111,0 %, бошқа хизматларда – 124,8 % ва маҳсулотларга соф солиқларда – 124,1 % қайд этилди.

Мамлакатимиз Президенти архитектура-қурилиш соҳасидаги амалга ошириш жараёнларини енгиллаштириш долзарб масала эканини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 июнь куни қабул қилинган “Инвестиция ва инфратузилма лойиҳаларини жадал амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори ана шу мақсадга қаратилган. Мазкур қарорга кўра, бундан буён Президент ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари асосида амалга ошириладиган инфратузилма лойиҳалари бўйича лойиҳа олди ва лойиҳа ҳужжатларини экспертиза қилишда тўлов олинмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қурилиш соҳасини давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш қўшимча чоратадбирлари тўғрисида”ги 5577- сонли Фармони (2018 йил 14 ноябр) билан қурилиш соҳасида жиддий ўзгаришлар ва ислохотлар амалга оширилиши кўзда тутилган. Жумладан, мазкур Фармон билан 2018 йил 1 декабрдан бошлаб:

- барча қурилиш объектлари учун лойиҳаларнинг смета қисмини экспертизадан ўтказиш мажбурийдир, қурилиши тўғридан-тўғри инвестициялар, шу жумладан, хорижий инвестициялар ҳисобига амалга ошириладиган объектлар бундан мустасно;

- қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиш қурилиш соҳасидаги назорат инспекцияси, кадастр органлари, буюртмачи, пудратчи (бош пудратчи) вакиллари иштирокида амалга оширилади, давлат харидлари субъектлари маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган объектларни қуриш бундан мустасно;

- пудрат ташкилотлари ва лойиҳа ташкилотлари ўртасида консорциум ташкил этиш ҳамда консорциум иштирокчилари зиммасига лойиҳани сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш учун солидар жавобгарликни юклаш орқали «fast-track» усули (бир вақтнинг ўзида лойиҳалаштириш, харид қилиш ва қурилиш ишлари) билан «тайёр ҳолда топшириш» шартлари (Engineering Procurement Construction) асосида лойиҳаларни амалга оширишга йўл қўйилади.

Шу билан бирга, 2019 йил 1 январдан бошлаб:

- лойиҳалаш ва қурилиш фаолиятини амалга ошириш учун Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотига аъзо давлатларнинг ваколатли органлари, ташкилотлари, жамиятлари ва бирлашмалари томонидан берилган сертификатлар ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатлар (лицензиялар) тан олинади;

- қурилиш учун ер участкаларининг ўз вақтида ва тўғри ажратилиши ҳамда қурилиш-монтаж ишлари тасдиқланган бош режага ёки ер участкаларини жойлаштириш схемаларига (бош режа мавжуд бўлмаганда) боғламасдан амалга оширилиши учун тегишли ҳокимларнинг шахсий жавобгарлиги белгиланади;

- қурилиш учун ер участкаларининг ўз вақтида ва тўғри ажратилиши ҳамда қурилиш-монтаж ишлари тасдиқланган бош режага ёки ер участкаларини жойлаштириш схемаларига (бош режа мавжуд бўлмаганда) боғламасдан амалга оширилиши учун тегишли ҳокимларнинг шахсий жавобгарлиги белгиланади;

- миллий қурилиш нормалари ва қоидаларини ишлаб чиқиш ҳамда такомиллаштириш, шунингдек қурилишга оид хорижий норматив-техник ҳужжатларни мослаштириш фақат танлов асосида амалга оширилади;

- миллий қурилиш нормалари ва қоидаларини қайта кўриб чиқишда, шунингдек қурилишга оид хорижий норматив-техник ҳужжатларни мослаштиришда мулкчилик шаклидан қатъи назар миллий ва хорижий юридик шахслар, жамоат ва халқаро ташкилотлар, шунингдек шу соҳага ихтисослашган илмий-тадқиқот муассасалари иштирок этишга ҳақли;

Бундан ташқари, 2020 йил 1 январдан бошлаб уй-жой қурилиши объектлари лойиҳа-тадқиқот ва қурилиш-монтаж ишларини бажариш босқичида энергия-самарадор ва энергия-тежамкор ускуналар билан мажбурий равишда жиҳозланиши, шунингдек, улар фойдаланишга қабул

килинишидан аввал энергетик аудит паспортини олиши керакт бўлади. Мазкур талаб BREEAM (бинолар самарадорлигини экологик баҳолаш усули) ва LEED (энергия-самарадор ва экологик лойиҳалаштириш бўйича қўлланма) халқаро стандартлари бўйича сертификатга эга объектлар учун қўлланилмайди.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, қурилиш индустриясини юксалтиришда инвестицияларнинг ролини ошириш, қурилиш миллий қоидалари ва нормативларини халқаро талабларга мувофиқлаштириш, лойиҳа-қурилиш билан боғлиқ меҳнат ва молтявий сарф-харажатларни қисқартириш соҳани янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Бугунги кунда аҳолини ҳар томонлама шинам ва қулай уй-жойлар билан таъминлаш, уй-жой массивлари атрофидаги инфратузилмаларни обод қилиш юзасидан олиб борилаётган улкан ишлар одамларнинг кайфияти ва дунёқарашига, уларнинг ҳаёт сифатига қандай кучли таъсир кўрсатаётгани алоҳида аҳамиятга эга.

Ҳозирги кунда капитал қурилишда нархларни шакллантиришнинг смета-норматив базасини такомиллаштириш ва янгилаш учун ҳудудлар, тармоқ вазирликлари ва идоралари бўйича қурилиш материаллари, конструкциялар ва буюмлар нархи, қурилиш машиналари ва механизмларидан фойдаланиш қиймати, транспорт харажатлари, қурувчи ишчиларнинг иш ҳақи тўғрисидаги маълумотлар ахборот банки ташкил этилмоқда.

Эскирган ва замонавий талабларга мувофиқ бўлмаган амалдаги смета нормалари ва қоидалари тизими ҳамда унинг асосида қурилиш смета қийматининг ошиб кетишига олиб келувчи расценкаларни қайта ишлаб чиқиш ва тугатиш, қурилиш-технология жараёнини ва умуман қурилиш мажмуасининг самарали ишлашини мақбуллаштириш ва, пировард натижада, қурилиш тармоғини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга бўлиб ҳисобланади. Йиғилишда қурилиш ва лойиҳалаш бўйича кадрлар тайёрлаш сифати ҳам талабга жавоб бермаслиги қайд этилди. Хусусан, тизимдаги 500 га яқин вакант ўринлар, жумладан, туман (шаҳар) архитектура ва қурилиш бўлимларидаги 110 ва лойиҳа ташкилотларидаги 200 га яқин вакант штатларни тўлдиришни тезлаштириш зарурлиги таъкидланди.

Рақамли иқтисодиёт ва ахборот-коммуникация технологиялари ривожланиб бораётган ҳозирги шароитда олий таълим муассасаларининг “Архитектура” ва “Қишлоқ ҳудудларини архитектуравий-лойиҳавий ташкил этиш” таълим йуналишлари талабаларига мазкур фанни замонавий педагогик технологиялар асосида ўқитиш орқали қурилиш индустриясида самарали фаолият кўрсатадиган мутахассисларни тайёрлашга ёрдам беради.

Фанни ўрганишдан асосий мақсад - тингловчиларда бозор иқтисодиёти шароитида мамлакат капитал қурилиш мажмуасида лойиҳаланаётган ва қурилиши режаланган объектларга шартномавий нархларни шакллантиришининг назарий ва амалий масалалари билан боғлиқ

янги билимларни сингдиришдан иборатдир. “Қурилишда баҳони шакллантириш ва смета иши” фанини ўқитишнинг асосий вазифалари:

- тингловчиларни капитал қурилишда нархларни шакллантиришнинг смета-норматив базаси такомиллаштириш ва янгилаш билан боғлиқ зарур замонавий билимлар билан қуроллантириш;

- тармоқ вазирликлари ва идоралари бўйича қурилиш материаллари, конструкциялар ва буюмлар нархи банкани ташкил қилиш ва мавжуд муаммолар билан таништириш;

- иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида қурилиш машиналари ва механизмларидан фойдаланиш қиймати, транспорт харажатлари аниқлашни ўргатиш;

- иқтисодиётни либераллаштириш шароитида қурувчи ишчиларнинг иш ҳақи тўғрисидаги маълумотларни шакллантиришни ўргатиш;

- капитал қурилишда бошқарув ва хўжалик муносабатлари тизимига бозор тамойиллари ҳамда механизмларини кенг жорий этиш, лойиҳа ва қурилиш ишларини бажаришга буюртмалар жойлаштиришда танлов савдолари (тендерлар)ни ташкил этишни ўргатиш ва бошқалардан иборат.

“Қурилишда баҳони шакллантириш” фанини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида қуйидагиларга эришилади:

- капитал қурилишда бошқарув ва хўжалик муносабатлари тизимига бозор тамойиллари ҳамда механизмларини кенг жорий этиш, қурилишда нархни шакллантиришнинг ҳуқуқий – меъёрий асосларини билиши ҳамда қўллай олишни; қурилиш объектларини лойиҳалаштириш билимларига эга бўлиши; қурилиш конструкцияси ва қурилиш материаллари хусусиятларини билиши; меҳнат иқтисодиёти ва қурувчи – ишчилар иш ҳақини шакллантиришни; грунтлар механикаси ва қурилиш технологиясини билиши; қурилишда солиқ ва солиққа тортиш объектларини билиши инвестиция лойиҳалари ҳужжатларини ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш тартибини билиши билиши керак;

- қурилиш объектларининг техник иқтисодий кўрсаткичларини ишлаб чиқишни, қурилиш объектлари лойиҳалаштириш, қурилиш ҳажмини ҳисоблаш, маълумотларни компьютерга киритиши ва уни қайта ишлаш; объектларга оид иқтисодий, статистик ва ҳисобот маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш бўйича кўникмаларга эга бўлиши керак.

- қурилиш материаллари турларини фарқлаш ва оптимал турини танлай билиши; қурилиш конструкцияларининг хусусиятларини, қурилиш технологиясини нарх шакллантириш жараёнида қўллай билиш; ҳудудлар, тармоқ вазирликлари ва идоралари бўйича қурилиш материаллари, конструкциялар ва буюмлар нархи, қурилиш машиналари ва механизмларидан фойдаланиш қиймати, транспорт харажатлари, қурувчи ишчиларнинг иш ҳақини тўғри танлай билиш, капитал қурилишда танлов савдоларининг натижаси ва мақсадини англай билиши, қурилиш объектлари қийматини экспертиза қилиш қонуниятлари ва асосларини тўғрисида аниқ малакаларига эга бўлиши керак.

“Қурилишда баҳони шакллантириш ва смета иши” фанини ўзлаштириш учун илғор ва замонавий усуллардан фойдаланиш, янги информацион-педагогик технологияларни тадбиқ қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Фанни ўзлаштиришда дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар, маъруза матнлари, тарқатма материаллар, электрон материаллар, лойиҳа-смета тузувчи электрон дастурлар, виртуал материаллардан, лойиҳа ва смета ҳужжатларидан фойдаланиланди. Фанни ўзлаштириш жараёнида ABC 4UZ, TN Qurilish, Smeta Uz дастурларидан ва “Excel” имкониятларидан кенг фойдаланилади.

1-мавзу. Қиймат назарияси ва баҳо мазмуни

Режа:

1. Иқтисодий қонунлар ва категориялар ҳақида тушунча
2. Қиймат қонунининг моҳияти
3. Баҳо ва унинг иқтисодий категория сифатидаги ўрни

Таянч иборалар: *иқтисодий қонунлар, иқтисодий категориялар, қиймат қонуни, баҳо, меҳнат, ижтимоий зарурий меҳнат, товар нарх, смета.*

Иқтисодий ривожланишнинг турли босқичларида турли-туман иқтисодий қонунлар амал қилиб, улар жумласига қиймат қонуни, талаб қонуни, таклиф қонуни, пул муомаласи қонуни, меҳнат унумдорлигининг ўсиши қонуни ва бошқалар киради.

Қиймат қонуни иқтисодий қонунлардан бири ҳисобланиб, иқтисодиётда муҳим аҳамият касб этади. Қиймат қонуни товар ишлаб чиқаришнинг объектив иқтисодий қонунидир, чунки товар ишлаб чиқаришнинг мавжудлиги қиймат қонунининг амал қилишига асос бўлади. Қиймат қонуни товар ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги алоқаларни, товар ишлаб чиқариш шароитида ижтимоий меҳнатни, тақсимлаш ва рағбатлантиришни бошқаришда катта аҳамият касб этади. Маълумки, иқтисодий қонунлар фақатгина жамият бор жойда шаклланади ва шу жамият билан бевосита боғлиқ ҳолда амал қилади.

Қиймат қонунини оддий тил билан тушунтириладиган бўлса, жамиятда ҳар бир моддий бойлик ўз қийматига эга бўлади, масалан бирор товар олинадиган бўлса, ўлчов бирлиги билан биргаликда унинг қиймати, яъни қанча туриши ҳам маълум бўлади.

Қиймат қонунини товарлар ва бошқа моддий бойликларнинг қиймати пул билан ўлчаниб, қадимда бу алмаштириш кўпроқ товарга – товар кўринишида ифодаланган. Қиймат қонунининг ҳар бир жамиятдаги ўз ўрни бўлиб, бу қонуният доимо амал қилиб келади. Лекин қиймат жамиятларнинг ўз олдига қўйган мақсадларига кўра ўзгариши мумкин. Масалан, бозор иқтисодиёти шароитида баҳолар доимо ўзгармас бўла олмайди. Уларнинг ўзгариши асосан товарларга бўлган талаб ва таклифдан келиб чиқади.

Қиймат қонунига чамбарчас боғлиқ бўлган баҳо бозор категорияси бўлиб, товарлар айирбошланганда юз берадиган муносабатларни англатади. Баҳо назарий жиҳатдан олганда товар қийматининг пулдаги ифодаси, қийматнинг бозордаги кўриниши ва тан олинган қисмидир. Хўжалик юритиш амалиётида эса баҳо муҳим иқтисодий восита, дастак деб қаралади.

Маълумки, қиймат ишлаб чиқаришда муҳим иқтисодий вазифаларни, яъни ишлаб чиқаришнинг ўзидаги меҳнат сарфланиши билан боғлиқ муносабатларни ифода этади. Товарнинг яратилишида моддийлашган ва жонли меҳнат сарф этилади ва уларнинг натижавий мажмуаси сифатида қиймат вужудга келади. Аммо қиймат ҳар қандай меҳнат сарфи эмас, қиймат

товарни яратишга кетган *ижтимоий зарурий меҳнат сарфи*, аниқроғи эҳтиёжни қондира олгани сабабли бозорда тан олинган меҳнат сарфидир. Шу сабабли меҳнатнинг бир қисмини, агар у керакли бўлмаса, бозор инкор этади чунки меҳнатнинг мана шу қисми қийматни яратишда иштирок этмайди. Бозорда турли меҳнат сарфлари умумий, яъни ижтимоий зарурий меҳнат сарфини билдиради ва шу сарфнинг пулда ифодаланиши, яъни бозор тан олган қисми баҳони ҳосил қилади.

Иқтисодий категориялар ичида баҳо ўзининг мураккаб ва кенг тушунчалиги билан ажралиб туради. Баҳо иқтисодий – ижтимоий жараёнлар ва жамият ривожини ўзида акс эттирувчи мезон ҳисобланади.

Баҳо назариясининг иккита асосий йўналиши мавжуд. Биринчи назарияга мувофиқ товарнинг баҳоси унинг қийматини ифода этади. Иккинчи ғоя тарафдорлари фикрига кўра, товар баҳоси – бу товарнинг нафлилик хусусиятига харидор тўлайдиган пулдир. Баҳодан фарқли равишда, баҳони шаклланиши товар, иш ёки хизматларга нархни юзага келиш жараёнидир. Бозор муносабатларлари ва бозор қонуниятларининг режали иқтисодиётда амал қилмаслиги туфайли юқори ташкилотларда ишлаб чиқилган ва жорий қилинган нарх тизими барбод бўлди. Нархнинг фақат марказлашган ҳолда ўрнатилиши натижасида тармоқлар ва минтақаларда ишлаб чиқариш ва муомала соҳаларида номувофиқлик ҳолатини келтириб чиқарди. Талаб ва таклифни мувофиқлаштиришдаги баҳо омили эътиборга олинмаслиги туфайли, жамиятда «пештахта тагидан савдо қилиш», «чайқовчилик», «навбат» каби салбий ҳолатларнинг кенг қулоч ёзишига хизмат қилди. Собиқ Иттифоқ даврида маҳсулот баҳоси унга сарфланган ҳақиқий харажатлар ва талаб асосида эмас, балки меъёрланган харажат ва режаланган фойда йиғиндисидан иборат бўлган. Яъни ҳар бир товар баҳоси юқоридан белгиланган. Бунинг учун товарлар номенклатураси бўйича баҳоларни кўрсатувчи маълумотномалар ҳам чоп этилган.

Иқтисодий адабиётларда, илмий – ўқув қўлланмаларда «баҳо ва нарх» сўзларидан бир хил, пала–партиш ишлатиши ҳоллари учраб турибди. Ўзбек тилининг изоҳли луғатини ишлаб чиқиш ва чоп этиш мазкур муаммони ҳал этиши мумкин.

Айрим иқтисодчи олимлар баҳо ва нарх сўзларини алоҳида эҳтиёткорлик билан ва жойида қўллашлари ўқувчиларга иқтисодий иборани тўғри ўзлаштиришда қўл келмоқда.

Юқорида баҳо – товар қийматининг пулдаги ифодаси, деб тариф берилган. Шундан келиб чиқиб таъкидлаш мумкинки, баҳо деганда умумий характерда бўлган, кенг маънони акс эттирган ва мавҳум товарлар ёки хизматларнинг қиймати назарда тутилган. Аниқ товар, иш ёки хизматнинг баҳоси эса нарх, тариф ва бошқа шаклда бўлади. Масалан, умумий ҳолда у ёки бу маҳсулотнинг баҳоси тўғрисида фикр юритиш мумкин. Лекин телевизор нархи ёки шакарнинг нархи деб таъкидлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Баҳо умумий характерда бўлган тушунча, деб тариф беришни эса кўйидагича ифодалаш мумкин. Иқтисодиёт тармоқларида турли моддий

неъматлар, хизматлар яратилади ва сотиш учун таклиф қилинади. Уларнинг баҳоси ҳар бир товар, иш ёки хизматнинг алоҳида хусусиятларидан келиб чиқиб, бошқа сўзлар билан ифода этилади. Масалан:

- товарлар, маҳсулотлар, буюмларнинг баҳосини нархда;
- транспорт, маиший ва коммунал хизмат баҳоларини тарифда;
- ижара баҳосини рента ёки ижара ҳақида;
- божхона баҳосини бож ёки тарифда;
- банк хизмати баҳосини маржа, фоиз ёки комисион ҳақ;
- ишчи кучи баҳосини тариф ёки иш ҳақида акс эттириш

фикримизга далил бўлади.

Демак, «баҳо ва нарх» сўзларининг ўз ўрнида ишлатилиши хўжалик юритувчи тадбиркорларни турли тушунмовчилик ва ноаниқликларга дуч келишининг олдини олади. Масалан, «транспорт баҳоси» ва «транспорт тарифи» деган жумла тингловчида икки хил тасаввурни уйғотади.

Баҳонинг қийматга асосланган назарияси яратилишига капиталистик ишлаб чиқаришнинг дастлабки даврларида В. Петти, А. Смит ва Д. Рикардолар асос солишган. Бу назарияга мувофиқ товарнинг қиймати ишлаб чиқаришга сарфланган меҳнат миқдорига боғлиқ. Кейинчалик ушбу назария бойитилиб, товар ўз қиймати ва баҳосига эга, деган ғоя илгари сурилди. Ушбу ғоянинг моҳияти билан танишиб чиқамиз.

Товарнинг қийматида унга сарфланган ижтимоий–фойдали меҳнат сарфлари гавдаланиб, улар турли товарларда турлича миқдорда бўлгани учун ҳам Ғарб мумтоз олимлари барча товарлар учун умумий кўрсаткич сифатида ўртача меҳнат харажатларини олиш асосида аниқлашган.

Товар ишлаб чиқариш шароитида товарларнинг қиймати объектив иқтисодий категориялар таркибига киради. Товарнинг қиймати қўйидагича аниқланади:

$$T = C + V + M,$$

бунда:

C - харажат қилинган хом ашё;

V - шахсий эҳтёжларни қондириш учун яратилган қиймат;

M - товар қийматининг янги яратилган қисми (даромад қисми);

(C+V) - товарнинг таннархи ҳисобланади.

Таннархнинг асосий хусусияти, моддий ва меҳнат ресурсларининг харажатларини ифодалашидир. Харажатлар ўз навбатида қуйидаги 4 катта гуруҳларга ажратилади:

1. Маҳсулот ишлаб чиқариш таннархига киритиладиган харажатлар;
2. Давр харажатлари;
3. Молиявий фаолият харажатлари;
4. Фавқулодда харажатлар.

Қурилиш тармоғида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг қиймати ва нархи ҳам бошқа реал соҳа корхоналарида тайёрланган маҳсулотлар каби бозор қонуниятлари ҳамда механизмлари асосида шаклланади.

Назорат учун саволлар:

1. Ўзбекистонда иқтисодий ислохотлар капитал қурилиш тармоғининг ривожланиши
2. Фаннинг предмети
3. Фаннинг вазифалар ва бошқа фанлар билан алоқаси
4. Қиймат назарияси моҳияти
5. Баҳо ва унинг шакллари
6. Нарх тушунчаси
7. Қурилиш маҳсулотининг қиймати ва унинг таркиби
8. Таннарх ва унинг тузилиши
9. Молиявий натижа тушунчаси
10. Фойданинг иқтисодий моҳияти

2-мавзу. Ўзбекистон Республикасида капитал қурилишда баҳо сиёсати

Режа:

1. Капитал қурилишнинг да иқтисодий ислохотлар.
2. капитал қурилиш ва қурилиш материалларининг динамикаси
3. Қурилиш индустрияси таркиби
4. Капитал қурилишда нархларни шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари

Таянч иборалар: *капитал қурилиши, соҳадаги ислохотлар, лойиҳа ишлари, инвестиция дастурлари, қурилиш маҳсулоти, уни баҳоси, лойиҳа- смета ҳужжатлари, лойиҳа-смета қиймати*

Ўзбекистонда қурилиш фаолияти инвестиция киритилишининг жозибадор йўналишларидан бири ва иқтисодиётининг аҳамиятли тармоғи ҳисобланади. Иқтисодий фаолият турлари бўйича қурилиш ишларининг асосий қисми қурилиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш, турар жой ва яшаш учун мўлжалланган бинолар қуриш ҳамда яшаш учун мўлжалланмаган биноларни қуриш бўйича амалга оширилган қурилиш ишларидан ташкил топади.

2018 йилнинг январ-декабр ойларида Ўзбекистон Республикасида жами 47260,7 млрд.сўм қурилиш ишлари бажарилган бўлиб, ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 109,9 % фоизни ташкил этди. Жами қурилиш ишлари ҳажмидан йирик пудрат ташкилотлари томонидан 15802,4 млрд.сўм қурилиш ишлари бажарилиб, жами қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши 33,4 фоизни, ҳамда ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 105,5 фоизни ташкил этди.

2018 йил бошига мамлакатимизда 24 мингга яқин қурилиш-пудрат ва 950 тадан зиёд лойиҳа ташкилотлари, 8 мингга қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган корхона фаолият кўрсатмоқда. Уларда турли миллатга мансуб минг-минглаб малакали ишчилар, муҳандис-техник ходимлар, мутахассислар жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 ноябрдаги «Қурилиш соҳасини давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-5577- сонли Фармонида давлат қурилиш стандартлари, техник регламентлари, қурилиш нормалари ва қоидаларини қайта кўриб чиқиш жадвали белгиланган бўлиб, унга кўра 2019-2021 йиллар давомида жами 465 та, шу жумладан 145 та иқтисодий нормативларни қайта кўриб чиқилиши кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 февралдаги «Қурилиш материаллари саноатини тубдан такомиллаштириш ва комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4198-сонли Қарори қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари ва тараққиёт йўналишларини белгиловчи муҳим ҳужжат ҳисобланади. Мазкур Қарорга кўра мамлакатимизда қурилиш материалларининг рақобатбардошлигини таъминлаш, маҳаллий қурилиш хом ашёларидан унумли фойдаланиш, тармоққа янги технологияларни жорий этиш, қурилиш маҳсулотлари экспорти ҳажмини ошириш ҳамда тармоққа инвестициялар жалб этишнинг зарурий чора-тадбирлари кўзда тутилган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 февралдаги «Обод қишлоқ» дастурини 2019 йилда амалга ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4201-сонли Қарорига мувофиқ республика бўйича 4 864 722 миллион сўм Фарғона вилоятида эса 257780 миллион сўмлик пудрат ишларини бажариш кўзда тутилган. Мазкур вазифаларни ҳал этилишида ресурслар бозорига сифатли қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва етказиб беришга ҳам жиддий эътибор қаратилади.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, «Ўзметкомбинат» АЖ, «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси, «Ўзнефтмаҳсулот» АЖ буюртмачилар ва лойиҳа ташкилотларининг асосланган ҳисоб-китоблари бўйича дастур доирасида 2019 йилда қишлоқ аҳоли пунктларида ижтимоий соҳа объектлари, муҳандислик коммуникация тармоқларини қуриш ва таъмирлаш учун биржа котировкаларининг ўртача нархларига мувофиқ ҳақини олдиндан тўлаш шарти билан металл прокати, цемент ва ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари ажратилиши ҳам қурилиш материаллари бозоридаги савдоларни соддалаштиришга хизмат қилади.

Қурилиш материаллари саноатида иқтисодий самарадорликка эришиш ва экспортга мўлжалланган сифатли қурилиш материаллари ишлаб чиқаришнинг асосий омиллари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- Қурилиш материалларининг маҳаллий хом-ашёлар асосида қайта ишланадиган янги ва замонавий турларини ишлаб чиқариш;
- Энергия тежамкор ва қурилиш учун қулай материаллар, ашёлар ҳамда конструкцияларни тайёрлашга ихтисослашган технологияларни жорий этиш;

- Тармоқ корхоналарига илғор хорижий мамлакатларнинг ва компанияларнинг тўғридан-тўғри инвестицияларини венчур молиялаш асосида жалб этиш;

- Бошқарув ва маъмурий харажатларни қисқартириш ҳамда тизимга ахборот-коммуникация технологияларини киритиш ёрдамида қурилиш материаллари таннархини камайтириш;

Фуқаролик қурилиши объектларини қуриш ишлари бўйича йирик пудрат ташкилотларининг улуши 51,7 %ни ташкил этди ва ўтган йилдаги кўрсаткичга нисбатан 0,2 % пунктга кўпайди. Шунингдек, кичик ташкилотлар ва микрофирмалар улуши мос равишда 43,9 % (0,4 % пунктга камайиш) ва норасмий секторнинг улуши 4,4 %ни (0,2 % пунктга кўпайиш) ташкил этган. Жорий даврда жами қурилиш ишларининг катта қисми кичик ташкилотлар ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келди. Улар томонидан бажарилган қурилиш ишлари ҳажми 18536,1 млрд. сўмни (жами қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши 39,2 %) ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 17,2 %га кўпайди. Йирик қурилиш пудрат ташкилотлари томонидан 15802,4 млрд. сўм қурилиш ишлари бажарилиб, жами қурилиш ишларидаги улуши 33,4 %ни ташкил этди ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 105,5 %ни ташкил этди.

Фарғона вилоятида 2018 йил давомида 2682,7 миллиард сўмлик 109,6 фоиз ўсишга эришилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёевнинг “2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида” Қарори асосида ҳар йили 15 мингдан ортиқ замонавий, шинам, қишлоқ аҳолиси учун уч типдаги арзона уй-жойлар қурилиши кўзда тутилган.

Янги лойиҳаларга мувофиқ қуриладиган мазкур уй-жойларнинг ўртача нархи 2016 йилдаги худди шундай кўриниш ва лойиҳадаги уйларнинг нархидан бирмунча арзон бўлиши назарда тутилган. Масалан, 2016 йилда намунавий лойиҳалар асосида қурилган 3-5 хонали уйларнинг баҳоси аҳоли учун 175-214 миллион сўм бўлган бўлса, лойиҳаланаётган янги уй-жойларнинг ўртача баҳоси 2017 йилда 85-170 миллион бўлиши кўзда тутилган. Дастурнинг руёбга чиқарилишидаги яна бир афзаллик бошланғич бадал миқдорининг 25 фоиздан 15 фоизгача пасайтирилганлигида намоён бўлади.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини 2018 йилга ишлаб чиқилган ва умумхалқ муҳокамасига қўйилган Давлат дастурининг 113-114 бандларида соҳани ривожлантиришга оид бир қатор вазифалар ва чора-тадбирлар белгиланган. Жумладан, 2018 – 2030 йилларда қурилиш соҳасини модернизация қилиш, соҳани инновацион ва илғор ривожлантириш стратегиясини 2018 йил биринчи ярим йилликда қабул қилиниши ва унинг таркибида архитектура-қурилиш соҳаларига оид муҳим вазифалар, шу

жумладан, соҳани ривожланишида инвестицияларни жалб этилиши ҳам белгиланган.

Қурилиш маҳсулотининг қиймати Ўзбекистон Республикаси архитектура ва қурилиш бўйича давлат қўмитасининг 2004 йил 20 июлдаги буйруғи билан тасдиқланган ШНҚ 4.01.16-04 “Қурилишнинг шартномавий жорий баҳолардаги қийматини аниқлаш Қоидалари” га мувофиқ аниқланади.

Ушбу қоидалар янги қурилаётган, кенгайтирилаётган, реконструкция қилинадиган, техник қайта жиҳозладиган корхоналар, бино ва иншоотлар, иқтисодиётнинг тармоқларини капитал қурилишнинг қийматини аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қилади. Шаҳарсозлик норма ва қоидалари мулк ва хшжалик юритиш шаклидан қатъий назар буюртмачилар (инвесторлар), қурилиш ташкилотлари ва инвестиция жараёнининг бошқа иштирокчилари фойдаланиши учун мўлжалланган. Мазкур қурилиш қийматини аниқлаш қоидалари қурилиш усулидан қатъий назар (пудрат ёки хўжалик усули) барчага бир хилда тааллуқлидир.

Қурилиш тармоғининг ўзига хос хусусиятлари ушбу тармоқ корхоналарида барпро этиладиган бино ва иншоотларнинг таннархи ҳамда бозор қийматида ўз ифодасин топади.

Ўзбекистон иқтисодиётининг реал тармоқларидан бир ҳисобланган қурилиш ишлаб чиқариши иқтисодиётнинг барча соҳаларини жадал ривожланишидаги муҳим бошланғич капитални барпо этишда бевосита аҳамиятга эгадир. Қурилиш саноатининг ўзига жиҳатларидан яна бири қад кўтараётган бино, иншоот ва бошқаларнинг яқка тартибда, ягона буюртмага эга эканлигидан келиб чиқади. Қурилиш маҳсулоти бўлган ҳар қандай объектнинг яна бир хусусияти маҳсулот ишлаб чиқаришнинг узоқ давом этишида яққол намоён бўлади. Бу эса ўз навбатида қурилиш давомида мҳсулот, ҳом-ашё, материаллар, ёқилғи, транспорт ва бошқа харажатларини инфляциян оқимга таъсирчанлигига сабаб бўлади. Қурилиш тармоғида яратилаётган маҳсулот асосан очик усулда, яъни очик майдонда, об-ҳаво таъсирида бўлиши ҳам қурилиш маҳсулоти сифати ва баҳосига ўз таъсирини ўтказади.

Қурилиш маҳсулоти қийматини пасайтиришнинг асосий йўналишлари сифатида қуйидагиларни қайд этиш мумкин:

- Қурилишда ишлатиладиган материалларини маҳаллий хом-ашё ва ресурслар ҳисобига таъминлашга эришиш;
- Ишлаб чиқаришга тааллуқли бўлмаган маъмурий-бошқарув ва давр харажатларини қисқартириш;
- Лойиҳа-қурилиш ишларини замонавий технологиялар асосида амалга оширилишини таъминлаш;
- Қурилишда янги инновацион технологиялар, 3D принтер, ихчам ва арзон ашёлардан фойдаланиш кўламини кенгайтириш;
- Мамлакатга импорт қилинаётган қурилиш техникаси ва машина-механизмлари учун ҚҚС, акциз ва божхона божи бўйича имтиёзлар бериш;
- Лойиҳалаш ва қурилиш даврини қисқартириш асосида унинг

бевосита харажатларини камайтириш.

Назорат учун саволлар:

1. Миллий иқтисодиётда тармоқ ва соҳаларнинг динамикаси
2. Миллий иқтисодиётда капитал қурилиш динамикаси
3. Капитал қурилиш тармоғининг ўзига хос хусусиятлари
4. Республика ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш дастурлари
5. Монтаж ишлари таркиби
6. Қурилиш объектининг лойиҳа –смета қиймати
7. Объект қийматида тўғри (бевосита) харажатлар
8. Қурилиш объектининг дастлабки баҳоси
9. Жорий баҳо тушунчаси
10. Жорий баҳодаги қурилиш қийматини аниқлаш.

3-мавзу. Смета тузилиши

Режа

1. Смета таркиби
2. Қурилиш смета қийматининг таркиби.
3. Устама харажатлар ва фойда

Таянч иборалар: *сметанинг таркиби ва тузилиши, локал смета, йиғма смета, тўғри харажатлар, билвосита харажатлар, смета хужжатлари, режаланган фойда.*

Қурилиш объектининг жорий нархлардаги қиймати деганда янги ишга тушириляётган, кенгайтириляётган, реконструкция қилинаётган, техник қайта жиҳозланаётган корхона, бино ва иншоотларнинг ишчи лойиҳага мувофиқ қурилиши учун зарур бўлган барча харажатларни калькуляциялаш асосида аниқланган пул маблағлари суммаси тушунилади.

Қурилишнинг қийматини аниқлашда қуйидагилар асос сифатида хизмат қилади:

- Қувват бирлиги учун сарфланадиган капитал харажатлар салмоғи, аналог қиймати, лойиҳа ва ишчи хужжатлар, шу жумладан, чизмалар, қурилиш-монтаж ишлари қайдномаси, ресурслар сарфи сметаси, жиҳозларнинг спецификацияси ва қайдномалари, қурилишни ташкил этиш ва олиб бориш навбати бўйича асосий қарорлар, лойиҳа материалларига тушунтириш хатлари;
- 4-ШНК, ҚМҚга мувофиқ ишлаб чиқилган амалдаги смета нормалари ва нормативлари ҳамда қурилма, мебель ва инвентарларнинг сотиш, лимит ва бир марталаик нархлари.

Лойиҳанинг турли шарт-шароитлари ва босқичларида қуйидагилар аниқланади:

- Объектнинг техник-иқтисодий асосланишини лойиҳалаш босқичидаги жорий баҳодаги қиймати;
- объектнинг буюртмачилар учун танлов савдоларини ўтказиш ёки пудратчи билан дастлабки музокаралар олиб бориши учун жорий баҳолардаги дастлабки қиймати;
- пудрат ташкилотларининг объект ёки унинг бир қисмини жорий баҳолардаги қиймати (танлов савдоларида иштирок этиш учун таклиф қиймати);
- ҳукумат ёки буюртмачи қарорига кўра танлов савдоларини ўтказмаган ҳолатдаги объект қиймати.

Бозор муносабатлари шароитида марказлашган ва шу каби молиялаш бўйича амалга ошириладиган қурилиш объектлари қиймати одатда танлов савдолари натижасида аниқланади.

Ресурслар сарфининг смет хужжатлари объект қийматини қурилишнинг оддий ва майда элементларидан секин-аста йирик бўлимларига ўтилиши асосида ишларни (харажатларни) ҳисоб-китоб қилишни назарда тутати:

Иш тури → ишлар босқичи → ишга тушириладиган мажмуа →
→ қурилиш объекти навбати → умумий қурилиш объектини ишга туширилиши.

Ресурслар сарфининг смет хужжатларига мувофиқ қурилиш объекти деганда алоҳида бўлган бино, иншоот (цеҳ, омбор, вокзал, корпус, уй ва б.) назарда тутилади. Бунда объект ўз ичига турли мосламалар (галерея, эстакада), қурилмалар, мебель, инвентар, муҳандислик тизимлари ва умумий майдондаги ишлар (вертикал планировка, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва б.) ишларини ҳам олади.

Корхона бинолари мажмуаси, ишлаб чиқариш ёки уй-жой комплекслари ҳам тегишли муҳандислик коммуникация тизимлари билан биргаликда қурилиш объекти ҳам бўлиши мумкин.

Қурилишда ихтисослашган корхоналар учун амалга ошириладиган масхус ишлар ва айрим мосламалар ҳам қурилиш объекти таркибига киртилади. Масалан:

- нефт ва газ саноатида - нефт ёки газ қудуқлари уларнинг тегишли қурилмалари, ёрдамчи иншоотлари ва махсус ишлари;
- кўмир ва тоғ-кон саноатида - фойдали қазилмаларни йўлакларива жиҳозлари, ер ости иншоотлари;
- мелиорация ва сув хўжалигида – канал ёки унинг бир қисми тегишли равишда махсус сув иншоотлари билан биргаликда;
- темир йўл қурилишида – ер қатлами ёки йўлнинг устки қисми, алоқа линиялари, сигнализация, марказлашган тизим, блокировка, энергия таъминоти ва б.;
- Автойўл қурилишида – ернинг устки қатлами, йўл билан туташ ҳудуддаги йўл белгилари, сув ўтказиш тизимлари ва бошқалар.

Капитал қўйилмаларнинг таркиби ва ва қурилиш-монтаж ташкилотининг фаолиятини режасига мувофиқ қурилиш қиймати қуйидаги ишлар ва харажатларни кўзда тутати:

- ✓ Қурилиш ишлари;
- ✓ Монтаж ишлари;
- ✓ Мебел, қурилма ва инвентарларга харажатлар;
- ✓ Буюртмачи ва пудратчиқнинг бошқа харажатлари.

Қурилиш қийматини аниқлаш нуқтаи-назаридан **қурилиш ишларига** қуйидагилар киради:

✓ Бино ва иншоотларни барпо этиш: тупроқ ишлари (ер майдонидаги ишлар), тикланадиган йиғма ва моноклит темир-бетон ва бетон, ғишт, блоklar, металл, ёғоч ва бошқа қурилиш конструкциялари ўрнатиш, пол, том, отделка ишлари.

✓ Ишлар: тоғ бағрини очиш, қазиб чиқариш-портлатиш, свай ўтказиш, қуриладиган объектни ер майдонини мустаҳкамлаш, қудуқ қазиш, қурилиш конструкцияларини коррозиядан сақлаш, иссиқликни сақлаш ва б.;

✓ Уй-жой ва ижтимоий биноларда электр таъминотини амалга ошириш ишлари;

✓ Ички сув таъминоти, канализация, иситиш тизими, газ таъминоти, вентиляция ва ҳавони мутадил сақлаш тизими ва б.;

✓ Махсус қурилишда бажариладиган ишлар: автомобил ва темир йўллари, тоннел ва метрополитенлар, трамвай йўллари, аэродром, электр узатиш линиялари, алоқа қурилмалари, радио ва телевидение узатиш қурилмалари; гидротехник иншоотларнинг конструкциялари; дарё кемалари ҳаракати учун зарур бўлган иншоотлар; саноат печлари ва трубалари; нефт ва газ қудуқларини қазиб; эрозияга, сел тошқинига, тоғ кўчишига қарши табиатни муҳофаза қилиш иншоотлари; қирғоқларни мустаҳкамлаш ишлари; мелиорация ишлари;

✓ Сув таъминоти, газ, иссиқлик ва электрэнергия таъминотининг ташқи тизими ва тармоқларини барпо этиш ишлари; магистрал трубақувурлари, нефтгазувурлари, ташама сувларни тозалаш иншоотлари, табиатни муҳофаза қилиш ишлари.

✓ Кўкаламзорлаштириш, ҳимоявий ўрмонзорлар, кўп йиллик мевали дарахтзорларни барпо этиш.

✓ Қурилиш майдонини тайёрлаш бўйича ишлар: ўрмон ва буталарни кесиш, тўнгаларни олиб ташлаш, майдонни текислаш, грунтни сувга бостириш ва бошқлар, эски биноларни бузиш ва кўчириш ва б.

✓ Бино асоси, фундамент ва қурилмалар учун таянч конструкцияларни тайёрлаш.

✓ Смета нормаларида белгиланган бошқа ишлар.

Қурилиш қийматини аниқлаш нуқтаи-назаридан **монтаж ишларига** куйидагилар таалуқли бўлади:

- Барча дастгоҳларни домий фойдаланиш жойларига лойиҳага мувофиқ ўрнатиш, шу жумладан, компрессор машиналари, насос, вентилятор, электротехника қурилмалари, электр печлари, автоматлаштириш ва ҳисоблаш техникаси воситалари, приборлари.

- Электр таъминотига уланиш ва электрқучланиш қурилмаларига боғланиш йўллари, электрмашиналарига уланиш.

- Технологик трубақувурларни ўтказиш, сув, ҳаво, пар, совутиш ва бошқа ҳажмли қурилмаларга боғланиш ишлари.

- Монтаж ишларига таалуқли бўлган бошқа ишлар.

Лойиҳаланаётган объект, бино ва иншоотларнинг қурилиш қийматини аниқлаш учун ўз ичига локал ресурс қайдномалари, объектнинг ресурс номалари, иш ҳажмлари ресурс нормаларини олган **йириклашган ресурс қайдномалари** тузилади.

Локал ресурс қайдномалари бирламчи ҳужжатлар ҳисобланиб, бино ва иншоотларнинг ҳар бир иш ва харажатлар тури бўйича ишчи лойиҳани (ишчи чизмалар) тайёрлаш мобайнида ҳисоблаб чиқилган ҳажмий кўрсаткичлар асосида тузилади.

Объект ресурс қайдномалари объект бўйича барча локал ресурс қайдномаларининг йиғиндиси ва смета ҳужжатлари ҳисобланиб, унинг

асосида буюртмачи ва пудратчи ҳисоблаб чиқилган қурилиш қиймати бўйича бажарувчи ҳисоб-китоб қилинади.

Қурилишнинг йириклашган ресурс қайдномалари янги қурилаётган ишлаб чиқариш корхонаси, бино, иншоотлар ҳамда мавжуд объектларни кенгайтириш, реконструкция қилиш, техник қайта жиҳозлаш учун тузилган объект ресурс қайдномалари асосида шакллантирилади. Табиатни муҳофаза қилиш бўйича объект ва ишларнинг ресурс қайдномалари шу йўналишдаги қурилаётган объектлар учун шакллантирилади.

Қурилиш-монтаж ишларининг смета қийматини аниқлашда Шаҳарсозлик Кодекси, Уй-жой Кодекси, амалдаги ШНҚ ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тартиб-қоидалариларига риоя этилади.

Лойиҳанинг дастлабки босқичларида қурилиш қийматини аниқлаш бўйича ҳисоб-китоблар буюртмачи ёки биро бир мустақил ташкилот томонидан ҳам амалга оширилши мумкин. Мазкур усулда қурилиш қийматини аниқлаш учун лойиҳаланаётган объект ва унга ўхшаш бўлган аналог қуйидаги кўрсаткичлар бўйича таққосланади:

- Қурилиш параметрлари;
- Конструктив ечимлар;
- Техник-иқтисодий кўрсаткичлар.

Таққослаш ва таҳлил асосида лойиҳаланаётган бинонинг иш турлари таркиби коррективировка қилинади ва жорий баҳолардаги қурилиш қиймати аниқланади.

Лойиҳанинг дастлабки босқичларида жорий баҳолардаги қурилиш қиймати бинонинг алоҳида-алоҳида элементлари қиймати асосида аниқланади. “Бино элементи” деганда турли лойиҳаларда бир хил вазифани бажарувчи бино қисми тушунилади. Масалан, фундамент, девор, пол, том, пардозлаш ва б. Бунда қўлланиладиган элементлар миқдори бино шакли ва ундан фойдаланиш мақсадларига кўра ўзгаради. Мазкур усулни тадбиқ этиш бинонинг алоҳида элементлари қиймати тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантириш ва уни мунтазам янгилаб туришни талаб қилади.

Қурилишнинг жорий баҳолардаги дастлабки қийматини буюртмачи томонидан аниқланиши.

Амалдаги тартибга мувофиқ қурилишнинг жорий баҳолардаги дастлабки қийматини буюртмачи томонидан ресурслар усулида аниқланиши мумкин. Қурилиш қийматини ресурс усули ёрдамида аниқлаш лойиҳани амалга ошириш учун жорий ёки истиқболдаги нархлар ва тарифлар асосида барча харажатларни ҳисоблаб чиқишни назарда тутати.

Қурилиш мобайнида ишлатиладиган ресурсларга қуйидагилар киради:

- Асосий ишлаб чиқаришдаги ишчи ва хизматчиларга иш ҳақи харажатлари;
- Машина ва механизмларни ишлатиш қилиш харажатлари;
- Материалларни ташиш харажатлари;

- Моддий ва энергия ресурсларининг (материаллар, буюмлар, конструкциялар, технологик эҳтиёжлар учун энергия ташувчилар) миқдорий ўлчамдаги сарфлари;
- Мебел, қурилма ва инвентарлар сотиб олишга харажатлар;
- Пудратчининг бошқа сарфлари;
- Буюртмачининг бошқа харажатлари.

Мазкур босқичда қурилишнинг дастлабки қиймати экспертизадан ўтган ва тегишли тартибда тасдиқланган лойиҳа ҳужжатлари асосида аниқланади.

Жорий баҳолардаги қурилишнинг дастлабки қиймати буюртмачи томонидан мустақил равишда ёки лицензияга эга бўлган мустақил ташкилот томонидан ҳисоблаб чиқарилиши мумкин.

“Ресурс усули” дан фойдаланган ҳолда қурилишнинг жорий баҳолардаги дастлабки қийматини қуйидаги формула асосида аниқланади:

$$C = (C_m + C_{qm} + C_{ix} + C_{исх} + C_{ммф} + C_{п} + П_{п} + C_p) \cdot K_p$$

бунда:

C_m - мебел, қурилма ва инвентарлар сотиб олишга харажатлар;

C_{qm} – қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларига харажатлар;

C_{ix} – иш ҳақиға харажатлари;

$C_{исх}$ – ижтимоий суғуртага харажатлар;

$C_{ммф}$ - машина ва механизмларни ишлатиш қилиш харажатлари;

$C_{п}$ – ишлаб чиқаришга таалуқли бошқа харажатлар;

$П_{п}$ - пудратчининг бошқа сарфлари;

C_p – қурилиш даврига қурилишни суғурталаш харажатлари;

K_p – риск коэффиценти (келгусида нархларни ўсишини ҳисобга олган индекс асосида белгиланади).

Объект бўйича смета (объект смета ҳисоби) алоҳида ҳар бир бино ва иншоатлар қурилиши учун алоҳида конструктив элементлар ва ишлар тури бўйича локал сметалар асосида ишлаб чиқилади. Объект бўйича сметага қурилиш, санитар-техник, монтаж ва бошқа турдаги ишлар учун харажатлар киритилади. Унда вақтинчалик бино ва иншоатлар ҳамда ушбу объектга тегишли бошқа харажатларнинг бир қисми, шунингдек қутилмаган ишлар ва харажатлар учун маблағлар захирасининг бир қисми каби харажатлар акс этади.

Локал сметалар (локал смета ҳисоби) ҳар бир иш тури бўйича ишчи чизмаларга кўра тузилади. Уларда конструктив элементлар ва ишлар тури смета қиймати аниқланади. Қурилиш ва монтаж ишлари ҳажми ишлар ҳажми далолатномаларидан олинади ёки ишчи чизмалар бўйича аниқланади. Ишлар ҳажми ҳисоблаш жараёнини осон кузатишга имкон берувчи схемалар бўйича ҳисобланади.

Объект бўйича ва локал сметаларда меъёрий меҳнат сиғими ва смета бўйича иш ҳақи фарқ қилади. Меъёрий меҳнат сиғими смета меъёрлари бўйича қурилиш ва монтаж ишларига сарфланадиган ишчиларни иш ҳажмини киши-соатда ифода этади. У тўғри харажатларда, эгри

харажатларда кўзда тутилган меҳнатлар сиғимини, шунингдек қишги даврда вақтинчалик бино ва иншоотларни қуриш ишларининг сиғимини ўз ичига олади.

Смета бўйича иш ҳақи қуйидагилардан иборат: бевосита қурилиш ва монтаж ишларида банд ишчиларнинг асосий иш ҳақини; қурилиш машиналарини бошқариш ва уларни таъмирлаш ишларида банд ишчиларнинг иш ҳақини; ишчиларнинг устама харажатларда, вақтинчалик бино ва иншоотлар қийматида, қишқи қимматлашиш ва бошқа харажатларда акс этувчи иш ҳақи.

Ресурс методи бўйича смета қийматини аниқлашда локал ресурс смета ҳисоб-китоби (локал смета) асосида амалга оширилади.

Бундай ҳисоб-китобда қуйидаги ресурс кўрсаткичлари ажралиб туради:

- меҳнат сиғими (киши-соатда) – қурилиш ишлари ва қурилиш машиналарига хизмат кўрсатиш ишларида банд ишчиларнинг иш ҳақини аниқлаш учун;

- қурилиш машиналарининг ишлаш вақти (машина-соатда);

- материаллар, буюм ва конструкциялар сарфи (қабул қилинган натурал бирликларда: метр куб, метр квадрат, тонна, погон метр ва бошқаларда), материаллар, буюм ва конструкциялар транспортировкаси учун ресурслар сарфи.

Бунда ресурслар қиймати жорий ва кутилаётган баҳоларда олинади.

Қурилишнинг смета қиймати бир вақтдаги қуйидаги харажатларни ўз ичига олади:

$$C = C_{\text{қур}} + C_{\text{монт}} + C_{\text{мат}} + C_{\text{бош}} + C_{\text{зах}} + \text{ҚҚС},$$

Бунда C – қурилишнинг смета қиймати; $C_{\text{қур}}$ – қурилиш ишлари харажатлари; $C_{\text{монт}}$ – ускуналарни монтаж қилиш харажатлари; $C_{\text{мат}}$ – ускуна, асбоб ва инвентарларни харид қилиш харажатлари; $C_{\text{бош}}$ – бошқа капитал харажатлар; $C_{\text{зах}}$ – қутилмаган ишлар ва харажатлар учун захира; ҚҚС- қўшилган қиймат солиғи.

Қурилиш смета қийматининг таркиби.

Қурилиш ва монтаж ишларининг смета қиймати тўғри харажатлар, эгри харажатлар ва режалаштирилган фойда суммасини ифода этади.

Тўғри харажатлар бевосита қурилиш-монтаж ишларини бажариш билан боғлиқ ва қуйидагиларни ўз ичига олади: ишчиларнинг асосий иш ҳақи; материал, конструкция, детал ва ярим тайёр маҳсулотлар қиймати; машина ва механизмларни ишлатиш/эксплуатация қилиш харажатлари.

Асосий иш ҳақига қурилиш ва монтаж ишлари, шунингдек омбордан қурилиш жойигача материаллари етказиб беришда банд бўлган ишчиларнинг ишбай ва вақтбай иш ҳақи киради. Иш ҳақининг бир қисми қурилиш-монтаж ишлари смета қийматининг бошқа моддаларига киритилади. Масалан: қурилиш материалларини юклаш, транспортировка қилиш ва ортиб туширишда банд бўлган ишчиларнинг иш ҳақи материаллар нархиға

киритилади; машиналарда ишлаётган ишчиларнинг иш ҳақи машиналарни эксплуатация қилиш харажатларига киритилади; инженер-техник ишчилар ва хизматчилар иш ҳақи устама харажатларга киритилади.

Материаллар, конструкциялар, деталлар ва ярим тайёр маҳсулотлар смета қиймати таркибига: материалларни шартномада келишилган нархларда харид қилиш харажатлари, ўраш, реквизишлаш, объект олдидаги қурилиш омборигача етказиб бериш харажатлари, шунингдек ўраш-саклаш харажатлари киради.

Қурилиш ишлаб чиқаришини ташкил этиш, бошқариш ва унга хизмат кўрсатишга мўлжалланган устама сарф-харажатлардан фарқли ўлароқ, бевосита қурилиш-монтаж ишларини бажариш билан боғлиқ эмас ва қурилиш ишлаб чиқаришни нормал фаолият кўрсатиши учун зарур бўлган шароитларни яратишга кетган харажатларни ифода этади.

Устама сарфларга қуйидаги харажат моддалари киради:

- маъмурий-хўжалик харажатлари (маъмурий-хўжалик ходимлари иш ҳақи; ижтимоий эҳтиёжларга ажратмалар; компьютерлар, бино ва иншоотлар, хизмат енгил машинасини тутиб туриш ва эксплуатация қилиш; маъмурий-хўжалик ходимлари фойдаланадиган асосий фондларни таъмирлаш; маъмурий ходимларга хизмат кўрсатишда фойдаланиладиган асосий фондлар бўйича амортизация ажратмалари (ижара ҳақи); маслаҳатлар, ахборотлар ва аудиторлик хизматлари учун ҳақ тўлаш; почта-телеграф, канцелярия, босмаҳона ва бошқа маъмурий-хўжалик харажатлари;

- қурилиш ишчиларига хизмат кўрсатиш харажатлари (тайёрлов, қайта тайёрлов, ижтимоий эҳтиёжларга ажратмалар, санитар-гигиеник ва хўжалик шароитлари билан таъминлаш, меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги);

- қурилиш майдонларида ишларни ташкил этиш харажатлари (арзон ва тез эскирувчи асбоб-ускуна ва инвентарларни эскириши ва уларни таъмирлаш; кашфиёт ва рационализаторлик; геодезия ва қурилиш ишларини лойиҳалаштириш харажатлари; ишлаб чиқариш лабораторияларини тутиб туриш; қурилиш майдонларини ободонлаштириш ва тутиб туриш; қурилиш миқёсига кўра қурилиш бўлинмаларини тайёрлаш);

- бошқа харажатлар (мажбурий суғурта, банк кредитлари бўйича тўловлар; реклама, кўргазма ва ярмаркаларда иштирок этиш; солиқлар, йиғимлар, тўловлар ва бошқа мажбурий ажратмалар, ишчиларни йиғиш ва уларни хизмат сафарига юбориш, тақдимотлар ўтказиш ва буюртмачилар томонидан қопланадиган бошқа харажатлар).

Смета фойдаси - қурилиш ташкилотининг алоҳида (умумий) харажатларини қоплаш учун зарур бўлган ва ишлар таннархига қўшиладиган маблағлар суммаси. Смета фойдаси ҳисобига қурилиш компаниясининг даромади, даромад солиғини тўлаш харажатлари, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, ишчиларни моддий рағбатлантириш ва ижтимоий соҳани ривожлантириш каби йўналишдаги харажатлар қопланади. 2019 йил учун Фарғона вилоятида устама харажатларнинг чегаравий меъёри қурилиш-

монтаж ишлари қиймати, яъни тўғри харажатларнинг 22 фоизи этиб белгиланган.

Қурилиш смета қийматига кирувчи бошқа капитал сарфлар таркибига: лойиҳа қидирув ишларини амалга ошириш харажатлари; майдонни ўзлаштириш харажатлари (қурилиш майдонини тартибга келтириш, қурилиш муносабати билан кўчириш ва бошқалар); корхона учун кадрларни тайёрлаш харажатлари; ишчиларга турли компенсация ва қўшимча тўловлар.

Смета қийматида назарда тутилган, умумий қурилиш қийматининг маълум бир фоизи ҳисобида кутилмаган ишлар ва харажатлар бўйича захира лойиҳалаштириш жараёнида ҳар доим ҳам ҳисобга олинавермайдиган, аммо лойиҳавий қарорларни батафсил кўриб чиқишда, шунингдек қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш жараёнида келиб чиқиши мумкин бўлган ишлар қийматини ва харажатларни компенсациялаш учун мўлжалланган.

Қурилиш-монтаж ишларини амалга оширилиши давомида смет қийматида қўшилган қиймат солиғини акс эттирилиши, буюртмачи томонидан объектни молиялаштириш давомида ажратилаётган маблағларга мос равишда қўшилган қиймат сорлиғини қурилиш компанияси ҳисобига ўтказиб берилиши лозим бўлади. 2019 йилда қўшилган қиймат солиғи ставкаси йиллик айланмаси 3 миллиард сўмдан ортиқ бўлган барча хўжалик юритувчи субъектлар учун 20 фоиз белгиланган. Йиллик айланмаси 1 миллиард сўмдан 3 миллиард сўмгача бўлган қурилиш корхоналарига соддалашган қўшилган қиймат солиғи қурилишнинг жорий нархлардаги қийматида келиб чиққан ҳолда 8 фоиз этиб белгиланган.

Таъкидланган харажатларнинг корхона, бино ва иншоотлар қурилишини умумий қийматидаги улуши қурилаётган объектларнинг мақсади ва ишлар хусусияти (янги қурилиш, реконструкция, мавжуд ёки вақтинчалик тўхтатилган корхоналарни техник қайта қурулантириш) дан келиб чиқади.

Назорат учун саволлар:

1. Қурилиш объектининг лойиҳа-смета ҳужжатлари таркиби
2. Смета тузилиши
3. Сметада харажатлар ҳисоби
4. Бевосита харажатлар
5. Устама харажаттушунчаси
6. Режаланган фойда миқдорини шакллантириш
7. Сметада қўшилган қиймат солиғи ҳисоби
8. Шартномавий нарх тушунчаси
9. Қурилишда шартномавий нархларнинг турлари.
10. Сметага ўзгартиришлар киритиш

4-мавзу. Иш ҳақи харажатлари

Режа:

1. Иш ҳақи фонди ва иш ҳақи
2. Ўртача иш ҳақини аниқлаш
3. Ижтимоий суғурта харажатлари

Таянч иборалар: *қурилиш маҳсулоти харажатлари, меҳнат харажатлари, иш ҳақи турлари, иш ҳақини меъёрлаштириш, устама ҳақ, қўшимча ҳақ, оширувчи коэффициентлар, ижтимоий суғурта харажатлари.*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон билан тасдиқланган "Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом"га мувофиқ қурилиш-монтаж ишларининг қийматида иш ҳақи харажатлари аниқланади

Иш ҳақи харажатларини аниқлаш учун объектнинг норматив асосида аниқланган меҳнат сарфи миқдорини қурилишда ишлаётганларнинг 1 соатига тўланадиган иш ҳақи суммасига кўпайтирилади.

$$C_{\text{иш}} = T \cdot C_c \cdot \left(1 + \frac{C_{\text{ис}}}{100}\right),$$

бунда T – ресурс сметаси орқали аниқланган объект қурилишига сарфланадиган меҳнат миқдори, киши/соатда;

C_c – ишчиларни соатбай ўртача иш ҳақи, сўмда;

$C_{\text{ис}}$ – иш ҳақи фондидан ижтимоий суғуртага ажратма меъёри, фоизда.

Мазкур меъёр кичик бизнес субъектларига таалукли бўлган қурилиш корхоналари учун иш ҳақи фондидан 2019 йилда 12 фоизни 2018 йил 15 фоиз бшлган), давлат улуши бшлган компаниялар учун 25 фоизни ташкил этади.

Қурилиш ишчиларининг ўртача иш ҳақи минтақа бўйича сўнгги 12 ой давомида ҳисобланган иш ҳақи тўғрисидаги статистик маълумотлардан фойдаланилиб аниқланади.

$$C_c = \text{ИХ}_{\text{ой}} : \Phi_B$$

Бунда $\text{ИХ}_{\text{ой}}$ – минтақа бўйича қурилиш ишчиларининг ортача ойлик иш ҳақи суммаси, сўмда.

Φ_B – Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Вазирлиги томонидан ўрнатилган ойлик иш вақти меъёри, соатда.

Расмий статистик маълумотларга кўра, 2018 йил давомида мамлакатимизда ўртача иш ҳақи 1822,2 минг сўмни ташкил этган. Қурилиш тармоғида эса бу кўрсаткич 2297,3 минг сўмга тенг бўлган. Ўртача иш ҳақини аниқлашда мамлакатда фаолият юритаётган 156 та йирик қурилиш фирмаларида фаолият юритаётган 44 мингда ортиқ қурилиш ишчиларининг ойлик маошлари тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланилган.

Иш ҳаражатларини ҳисоб-китобини қуйидаги мисолда кўриб чиқамиз.

Масалан, Фарғона шаҳрида давлат статистика идорасидан «Альфа» қурилиш фирмаси кичик корхона сифатида рўйхатдан ўтган. 2019 йилнинг биринчи чорагида 11200 киши/соат меҳнат сарфини талаб қиладиган дам

олиш масканини қуриш лойиҳасини амалга ошириши режаланган. Фарғона шаҳрида қурилиш ишчиларининг ўртача ойлик иш ҳақи ўтган даврда 2250000 сўмни ташкил этган бўлиб, ойлик иш ҳақи фонди 170 соатга тенг деб олинганда, объект қурилиши учун сарфланидан иш ҳақи ва ижтимоий суғурта харажатлари қуйидагича ҳисоб-китоблар амалга оширилади.

Дастлаб соатлик иш ҳақи аниқланади.

$$C_c = ИХ_{ой} : \Phi_B = 2250000 : 170 = 13235,29 \approx 13235 \text{ сўм ёки } 13,235 \text{ минг сўм}$$

Иш ҳақи ва ижтимоий суғурта харажатларини аниқлаймиз:

$$C_{их} = T \cdot C_c \cdot \left(1 + \frac{C_{ис}}{100}\right) = 11200 \cdot 13,235 \cdot \left(1 + \frac{12}{100}\right) = 148232 + 17787,84 = 166019,84 \text{ минг сўм.}$$

Демак, Фарғона шаҳрида бунёд этиладиган дам олиш маскани қурилишига иш ҳақи ва ижтимоий суғуртага ажратмаларга жами 166 миллион 19 минг 840 сўм сарфланади.

Қурилиш-монтаж ишларида банд бўлган қурилиш ишчиларининг ўртача ойлик минимал норматив сони формула орқали аниқланади:

$$ЧР_{норм} = 3T / T / \Phi_{ив}, \text{ бунда:}$$

ЧР_{норм} - қурилиш ишчиларининг ўртача ойлик минимал норматив сони;

3T – сметага мувофиқ қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш учун зарур бўлган меҳнат сарфи (киши/соат.);

T – қурилиш муддати, ойда;

$\Phi_{ив}$ – 6 кунлик иш ҳафтасида бир қурувчининг ўртача ойлик норматив иш вақти фонди. Юқоридаги мисолда ойлик фонд 170 соатга тенг деб олинган.

Иш ҳақи тизимларининг ҳаммасини меҳнат натижаларини аниқлаш учун қандай асосий кўрсаткичдан фойдаланилишига қараб икки катта гуруҳга бўлиш қабул қилинган. Бу гуруҳларни иш ҳақи шакллари деб аталади. Агар меҳнат натижаларининг асосий ўлчагичи сифатида тайёрланган маҳсулот миқдоридан фойдаланилса, буни иш ҳақининг ишбай шакли дейилади; бордию ана шундай ўлчагич сифатида ишланган иш вақтининг миқдоридан фойдаланилса, бунда гап вақтбай иш ҳақи тўғрисида боради.

Бинобарин, иш ҳақининг шакли — ходимга ҳақ тўлаш мақсадида унинг бажарган ишини баҳолаш чоғида меҳнат натижаларини ҳисобга олишнинг асосий кўрсаткичи бўйича гуруҳларга ажратилган ҳақ тўлаш тизимларининг у ёки бу туркумидир. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг у ёки бу шаклини танлаш, одатда, ишлаб чиқариш технологияси ва уни ташкил этиш хусусиятларига, маҳсулот сифатини таъминлаш, меҳнатни ташкил этиш шакллари ва иш кучи билан таъминлашга боғлиқдир. Лекин бу барча омиллар меҳнатга ҳақ тўлаш

шакллари ни техник шарт-шароитлар, уларни татбиқ этиш соҳалари⁷ни чеклаш имкониятлари нуқтаи назаридан белгиланади.

Меҳнатга ишбай ҳақ тўлаш шаклидан фойдаланиш имкони йўқ бўлганда вақтбай ҳақ тўлаш шакли жорий этилади. Ҳақиқатда меҳнатга ҳақ тўлашнинг ҳар икки шаклини чегаралашнинг асосий белгиси меҳнат унумдорлигини миқдорий ўлчаш имкониятидир, у табиий шаклдаги маҳсулот ҳажмининг иш вақти сарфларига нисбати сифатида белгиланади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси миллий мустақиллик эришгандан сўнг еҳнатга ҳақ тўлаш милли йпул бирлигида амалаг оширила бошлади. Бунда иш ҳақи тўлашнинг миллий тизимлари ишлаб чиқилди ҳамда иқтисодиёт тармоқларига жорий этилди. Ўзбекистон Республикаси ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг Қарори билан 1993 йил 1 январдан бошлаб меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткаси жорий этилди. Мазкур Қарорга киритилган 2019 йил 18 январда киритилган ўзгаришлар билан мазкур тизимда қўлланиладиган тариф разряди ва тариф коэффициентлари кўйидаги кўринишга эга бўлди:

Меҳнатга ҳақи тўлашнинг Ягона тариф стекаси

Тариф разряди	Тариф коэффициенти
1	2,476 2,847
2	2,725 2,997
3	2,998 3,148
4	3,297
5	3,612
6	3,941
7	4,284
8	4,640
9	4,997
10	5,362
11	5,733
12	6,115
13	6,503
14	6,893
15	7,292
16	7,697
17	8,106
18	8,522
19	8,943
20	9,371
21	9,804
22	10,240

Мазкур жадвалдаги тариф коэффициентлари энг кам иш ҳақи миқдorigа кўпайтирилади ва ойлик маош вақтбай усулда аниқланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори билан Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касбларининг янгиланган классификатори тасдиқланган ва 2017 йил 1 ноябрдан бошлаб амалга киритилган.

Классификатор 1-бўлими ишчилар касбларининг тартиб рақамларини уларнинг ортиб бориши тартибида, алифбо бўйича ишчилар касблари номларини ва Ўзбекистон Республикаси Машғулотларнинг миллий стандарт классификатори бўйича уларга мувофиқ кодларни (кейинги ўринларда ММСК деб аталади), малакавий разрядлари диапазонларини (кейинги ўринларда МРД деб аталади), Ўрта махсус, касб-хунар таълими мутахассисликларини тайёрлаш йўналишлари, касблар ва мутахассисликлар классификатори (кейинги ўринларда ЎМКТМТЙМК деб аталади) бўйича кодларни ўз ичига олади.

1-бўлимнинг жадвали қуйидаги шаклга эга:

Т/р	Касбнинг номи	ММСК бўйича код	МРД	Таълимнинг энг паст даражаси	ЎМКТМТЙМК бўйича код
602	Бетон қуювчи	7123	П		

Классификатор 2-бўлими хизматчилар лавозимларининг тартиб рақамларини уларнинг ортиб бориши тартибида, алифбо бўйича хизматчиларнинг лавозимлари номларини ва уларга мувофиқ бўлган ММСК кодларини, ходимларнинг тоифалари кодларини, таълимнинг энг паст даражасини, шунингдек ЎМКТМТЙМК ҳамда Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори (кейинги ўринларда ОТЙМК деб аталади) бўйича кодларни ўз ичига олади.

602.	Бетон қуювчи		П	1 — 5	ССПО	3340500
------	--------------	--	---	-------	------	---------

2-бўлимнинг жадвали қуйидаги шаклга эга:

Т/р	Лавозимлар номи	ММСК бўйича код	Ходимлар тоифаси	Таълимнинг энг паст даражаси	ОТЙМК бўйича код
-----	-----------------	-----------------	------------------	------------------------------	------------------

ММСК касблари ва йўналишлари кодлари Халқаро меҳнат ташкилотининг Машғулотларнинг халқаро стандарт классификатори ISCO-88 га мувофиқдир ва тўртта рақамдан иборат бўлади: биринчи рақам ўзида йириклаштирилган гуруҳни ифодалайди; иккинчи рақам кичик гуруҳни ифодалайди; учинчи рақам таркибли гуруҳни ифодалайди; тўртинчи рақам базавий гуруҳни ифодалайди.

Қурилиш корхоналарида меҳнатга ҳақ тўлаш тизимлари олдида қўйиладиган муҳим талаблардан бири шуки, бу тизимлар тенг меҳнатга тенг иш ҳақи тўланишини таъминлаши керак. Бунинг учун меҳнат натижаларини ҳисобга олишда фойдаланиладиган кўрсаткичлар ёлланма ходимлар меҳнатининг миқдорини ҳам, сифатини ҳам баҳолаш ва ана шу кўрсаткичларга мос келадиган меҳнат миқдори ва сифати нормаларини белгилаш имконини бериши керак. Шу сабабли иш ҳақини ташкил этиш

амалиётида меҳнатни нормалашнинг икки тури: тариф ва ташкилий-техникавий турлари мавжуд.

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ишбай ҳамда вақтбай тизимларида тариф бўйича нормалаш бир хил бўлгани ҳолда, меҳнатни ташкилий-техникавий нормалашга турлича ёндашувлардан фойдаланилади. Вақтбай иш ҳақи тўлашда меҳнатнинг асосий нормаси қонун билан белгилаб қўйилган ягона иш вақти ва ходим шу вақт давомида бажариши керак бўлган меҳнат мажбуриятларининг рўйхатидан иборат бўлади.

Иқтисодий моҳият нуқтаи назаридан қараганда иш ҳақининг ишбай ва вақтбай шакллари ўртасида катта фарқ йўқ: уларнинг ҳар иккиси ҳам меҳнат бозори томонидан белгиланган ишчи кучининг баҳосига ҳамда қонун билан белгиланган иш вақтининг узунлигига асосланади. Ҳақ тўлашнинг икки шаклида меҳнат натижаси ҳам, унинг учун талаб қилинадиган иш вақти ҳам ҳисобга олинади. Ишбай ҳақ тўлаш тизимида унумдорликни ўстиришдаги юксак манфаатдорлик вужудга келади, лекин маҳсулот сифатини оширишдан ва моддий ресурсларни тежашдан манфаатдорлик бўлмайди, ҳолбуки вақтбай ҳақ тўлаш ходимларни иш вақти муайян даражада давом этишига рағбатлантиради, лекин меҳнат унумдорлигини ва бошқа кўрсаткичларни оширишга рағбатлантирмайди, деган қатъий фикр ҳам туғилар эди. Аслида эса иш вақти ва меҳнат натижаларини ҳисобга олиш мувофиқлаштирилмаганлиги у ёки бу меҳнатга ҳақ тўлаш тизимининг камчилиги қилиб кўрсатилар эди. Бу камчиликлар бартараф этилганида эса меҳнатга ишбай ҳамда вақтбай ҳақ тўлаш тизимлари ўртасидаги ходимга рағбатлантирувчи таъсир кўрсатиш билан боғлиқ фарқлар ҳам бартараф бўлар эди.

Иш ҳақини ташкил этишнинг бозор моделида ишлаб чиқариш воситалари мулкдори билан ёлланма ходим ўртасида вазифаларни аниқ тақсимлаш назарда тутилади. Ишлаб чиқариш воситаларининг мулкдори корхона ишининг ижобий натижаларидан, уни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришдан моддий манфаатдор бўлади.

Ходимнинг моддий манфаатдорлигига таъсир кўрсатиш нуқтаи назаридан қараганда, ҳақ тўлаш тизимлари оддий ва мураккаб бўлиши мумкин. Оддий ҳақ тўлаш тизимлари ходимга ҳақ тўлашни фақат ходим меҳнати натижаларини ҳисобга олишнинг асосий кўрсаткичи билангина боғлайди: ишбай тизимлар — фақат тайёрланган маҳсулот ҳажми билан, вақтбай тизимлар — ишланган вақт миқдори билангина боғлайди. Мураккаб тизимлар меҳнатга ҳақ тўлашни бир неча кўрсаткичларга боғлиқ қилиб қўяди. Шулардан бири асосий, бошқалари эса қўшимча кўрсаткичлардир. Қўшимча кўрсаткичлар сони ходимларнинг меҳнат унумдорлигини ошириш борасида мавжуд резервлардан фойдаланишга таъсир кўрсатиш имкониятларига боғлиқдир.

Ҳақиқатда ишланган киши-кунлар ва киши соатларни режа ёки базис маълумотлари билан қиёслаш иш соатлари йўқотилишини мутлақ ўлчов бирликларида ва фоизларда ўлчаш имконини беради. Қурилиш

корхонасининг иш вақти жамғармаси (Ф) қуйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$\Phi = S * K * D$$

Бу ерда: S – саноат ишлаб чиқариш персоналининг умумий рўйхатдаги сони; K – режалаштирилаётган даврдаги календар кунлар сони; D – қонунан белгиланган иш куни давомийлиги.

Корхоналарда муайян бир қурилиш-таъмирлаш ишларини бажариш учун унга сарфланадиган ҳақиқий вақт нормасини ёки қурилиш бажариш нормасини белгилаш керак. Бунинг учун уни бажаришга қанча иш вақти талаб қилинишини ўрганиш ва аниқлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Қурилиш корхонасидаги жами иш вақти фонди деганда, битта ходимнинг соат ҳисобида муаян вақт (иш куни - смена, декада, ой, йил) ичида фойдали иш вақти фондини айна мана шу ишлаб чиқаришда ёки хизмат кўрсатишда ишлаётган ҳамма ходимлар сонига кўпайтириш йўли билан аниқланиши тушунилади. Жами иш вақти фондини аниқлаш учун иш вақти, яни иш куни (овқатланишга кетадиган танаффус вақтини чегириб ташлаб) ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш топшириғида назарда тутилган иш бажарилаётган вақтга ҳамда ходим у ёки бу сабабларга кўра қурилиш-таъмирлаш ишлари топшириғини бажариш билан банд бўлмаган танаффус вақтларига бўлинади.

Иш вақти классификацияси ёрдамида ҳар хил корхоналарда, бўлимларда, участкаларда, иш жойларида иш вақтидан фойдаланиш даражаси аниқланади, унга тегишли баҳо берилади, илғор иш усул ва услублари ҳамда қурилиш-таъмирлаш ишларини бажаришнинг кўшимча имкониятлари аниқланади, меҳнат тақсимооти ва кооперациясини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган саволларга жавоб топишга имкони туғилади.

Қурилиш топшириғини бажариш вақти мазкур қурилиш-таъмирлаш ишини бажариш учун технологик жараёнда кўзда тутилади, операцияларни ва ишларни бажариш вақти билан боғлиқ. Бу хилдаги вақтга норма белгиланиши лозим вақт бўлиб, у вақт нормаси таркибига киритилади. Қурилиш топшириғини бажариш учун керакли вақт унумли иш вақтига киради. Қурилиш топшириғини бажаришда кўзда тутилмаган иш вақти тасодифий иш вақтига ва унумсиз иш вақтига бўлинади. Тасодифий иш вақтига мазкур ижрочи учун қурилиш топшириғини бажаришда кўзда тутилмаган, аммо қурилиш –монтаж жараёнида қилиниши зарур бўлиб қолган ишлар киради. Унумсиз ишга технологик жараёнда кўзда тутилмаган, аммо унинг бажарилиши қурилиш-монтаж ишлари ҳажмини кўпайтиришга ёки унинг сифатини яхшилашга ҳеч қандай ёрдам бермайдиган операциялар киради. Масалан, турли заготовкларда ишлов беришда ортикча припускларни олиб ташлаш, бундан олдинги операцияларда йўл қўйилган ёки мазкур ижрочининг айби билан содир бўлган нуқсонларни тузатиш, нотўғри бажарилган қурилиш ишларини бузиш ва қайтадан бажариш,

ишчининг заготовкани, асбобни, мосламаларни олиб келиши, устани кидириб юриши ва х.к.лар ана шундай унумсиз ишлар жумласига киради.

Қурилиш топшириғини бажаришда назарда тутилмаган ишларга сарфланган вақт нормалаштирилмайдиган иш бўлиб, у нормага киритилмайди ва бундай ишларга норма белгиланмайди. Танаффус вақти нормалаштирилган танаффусларга ва нормалаштирилмаган танаффусларга бўлинади. Нормалаштирилган танаффус вақтига дам олиш учун, шахсий эҳтиёжлар учун, иш пайтидаги жисмоний тарбия учун ҳамда мавжуд технологиянинг ва қурилишни ташкил қилишнинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ бўлган танаффус вақти киради.

Объект қурилишининг бошланғич ва шартномавий жорий нархини аниқлаш ресурс усулига, яъни ресурс сметаларига асосланган. Иш ҳақи харажатлари ресурс сметаларидаги бирламчи маълумотлар физик кўрсаткичлардаги норматив меҳнат сарфига боғлиқ. Ушбу бирламчи маълумотлари ўзгармас бўлганлиги сабабли, иш ҳақи харажатларининг миқдори ойлик иш вақти фонди ва иш ҳақига боғлиқ. Лекин, объектнинг физик кўрсаткичлардаги меҳнат сарфига (Т) бир меҳнат шароитлари ва смета-норматив базаси таъсир кўрсатади. Мутахассисларнинг фикрича меҳнат шароитлари фақатгина қурилиш ишлаб чиқаришда пудратчи томонидан иш ҳақи харажатларини аниқлашга таъсир кўрсатади. Лекин, смета ҳисобларидаги меҳнат сарфига ҳам меҳнат шароитлари услубий жиҳатдан таъсир кўрсатади. таъмирлаш-қурилиш ишлари элемент ресурс смета нормалари.

Таъмирлаш қурилиш ишлари. Қурувчи-ишчилар меҳнати харажати, машинистлар меҳнати харажати, қурилиш машиналаридан фойдаланиш вақти нормаларига лойиҳаларда кўрсатилган ишлаб чиқариш шароитига таъсирининг ҳисоби учун коэффициентлар:

1. Ишларни нормал бажарилишига халақит берувчи мебеллар, ускуналар ва бошқа предметлардан бўшатишган, фойдаланилаётган бино хоналарида таъмирлаш-қурилиш ишларини бажариш - 1,2;

2. Ишлаб чиқариш ишлари ҳаракатдаги технологик станоклар, ускуналар, кранлар ва х.к) ёки жойлар нарсалар билан тикилган (мебел, лаборатория ускуналари ва х.к) ёки ички цех йўлларидаги транспорт ҳаракатлари зонасидаги бинолар ва иншоотлар хоналаридаги таъмирлаш-қурилиш ишларини бажариш, баландлиги 1,8 гача хоналарда ишлаш - 1,35;

3. Шу каби, хоналардаги иш жойидаги ҳаво ҳарорати 400 дан юқори бўлганда - 1,5 коэффициент;

4. Шу каби, зарарли меҳнат шароитида, қурувчи-ишчиларни иш куни нормал узунликка эга бўлганда -1,5 коэффициент;

5. Шу каби, зарарли меҳнат шароитида, қурувчи-ишчилар қискартирилган ҳафтасига 36 соатлик иш кунига ўтказилганда - 1,55 коэффициент;

6. Шу каби, зарарли меҳнат шароитида, қурувчи-ишчилар қискартирилган ҳафтасига 24 соат иш кунига ўтказилганда-2,3 коэффициент;

7. Очиг ва ярим очиг сиқик шароитдаги ишлаб чиқариш майдонларида таъмирлаш-қурилиш ишларини бажариш: ишлаб чиқариш зоналарида ҳаракатдаги технологик ускуналар ёки технологик транспортлар ҳаракатланганда -1,15 коэффицент;

8. Зарарли меҳнат шароитида (парлар, чанглар, зарарли газлар, тутунлар ва ҳ.к), корхона ишчиларига қисқартирилган иш куни, қурувчи-ишчиларга нормал узунликдаги иш кунига эга бўлганда -1,25 коэффицент;

9. Қўриқланадиган зоналардаги юқори кучланишли ҳаводан ўтган электр узатиш тармоқларини таъмирлаш-қурилиш ишларини бажариш- 1,2 коэффицент;

10. Ер сатҳидан 3м пастда жойлашган ёпиқ иншоотлар (хоналар)да таъмирлаш-қурилиш ишларини бажариш -1,1 коэффицент;

11. Муҳандислик коммуникациялари тармоқлари ва иншоотларини таъмирлаш, алмаштириш, ҳамда шаҳарни қурилган қисмидаги сиқик ҳолатдаги фуқаро-уй жой объектларини таъмирлаш-қурилиш ишлари -1,15 коэффицент;

12. Кескин кесишган рельефли тоғ ёнбағридаги объектлардаги таъмирлаш-қурилиш ишлари -1,2 коэффицент

Назорат учун саволлар:

1. Қурилишда меҳнат сарфи
2. Қурилиш корхоналари ходимларига ҳақ тўлаш шакллари
3. Ишбай иш ҳақини ҳисоблаш
4. Қўшимча ҳақ ва устама ҳақ
5. Вақтбай иш ҳақи
6. Тариф тизими ва стекаси
7. Тариф разряди
8. Соатлик иш ҳақини аниқлаш
9. Қурилишда ишчиларнинг норматив сонини аниқлаш
10. Қурилишда иш ҳақига кўпайтирувчи коэффицентлар

5-мавзу. Қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларига харажатлар

Режа:

1. Улгуржи–савдо нархи, биржа, ярмаркалар нархи, нархлар каталоги
2. Қурилиш ишларига сарфланадиган материаллар
3. Монтаж ишларига сарфланадиган қурилиш материаллари ва буюмлари.
4. Умумлашган ресурс ҳисоби
5. Қурилиш маҳсулотига биржа нархи.

Таянч иборалар: *қурилиш материаллари, таркиби, конструкциялар, қурилиш материалларига харажатлар, нарх турлари, биржа нархи, локал ва йириклашган ресурс қайдномалари.*

Ўзбекистонда бозор муносабатларини жорий этилишидаги муҳим шартларидан бири нархларни эркинлаштирилиши билан чамбарчас боғлиқ. Қурилиш-монтаж ишларида фойдаланиладиган материаллар ва конструкцияларга эркин нарх деганда лойиҳага мувофиқ етказиб берувчилардан сотиб олинadиган моддий бойликлар тушунилади. Унинг таркибига ташиш, юклаш-тешириш, сақлаш, суғурталаш ва бошқа харажатлар ҳам киради.

Мамлакат доирасида амал қиладиган нархларни батафсил ўрганиш учун уларни у ёки бу белгисига кўра таснифлаш зарур. Нархлар шаклланишига кўра эркин ва давлат томонидан тартибга солинадиган нарх турларига бўлинади. Ўз навбатида эркин нархларнинг қуйидаги турлари мавжуд:

1. Эркин улгуржи нархлар;
2. Эркин сотиш нархлари;
3. Эркин чакана нархлар.

Давлат томонидан тартибга солинадиган нархларга қуйидагилар киради:

1. Қатъий нархлар.
2. Чекланган нархлар.

Монополист корхоналарда ишлаб чиқарилаётган ва сотилаётган маҳсулотларга ва хизматларга рентабеллик даражаси, яъни зарурий фойда миқдорининг юқори чегараси назарда тутилган ҳолда чекланган нархлар белгиланади.

Биржаларда эркин нархни шаклланиши кўп жиҳатдан савдода иштирок этаётган томонларнинг савдо тажрибаси ва харид ҳажмига боғлиқ бўлади.

Биржаларда нархларни шаклланишини қуйидаги мисол ёрдамида кўриш мумкин. Масалан, “Лола” ҳиссадорлик жамиятининг акциясига бўлган талаб ва таклиф қуйидагича:

ТАЛАБ	ТАКЛИФ
500 та 400 сўмдан;	300 та 430 сўмдан;
100 та 410 сўмдан;	700 та 420 сўмдан;
800 та 420 сўмдан;	200 та 410 сўмдан;
	400 та 400 сўмдан.

Бу ерда “Лола” ҳиссадорлик жамияти акциясининг курси қуйидагича топилади. Аввало талаб томондан савдо ўтказилади, яъни биринчи 500 та акцияни 400 сўмдан олишни талаб қиляпти, таклиф эса шу нархда 400 та акцияга тенг бўляпти. Демак, талабни 400 таси қондирилади, сотиш ҳажми 1600 сўм ($400 \times 400 = 1600$). Иккинчи 100 та акция 410 сўмдан талаб қилинапти, бу талабни фақат 200 таси қондирилади. Сотиш ҳажми 8200 сўм ($200 \times 410 = 8200$). Энди 420 сўмдан 800 та талаб қилинаётганнинг 700 таси қондирилишини кўриш мумкин. Бу ерда сотиш ҳажми 294000 сўм (700×420)ни ташкил этади. Акция курсини аниқлашда қайси нарх асосида сотиш ҳажми катта бўлса, ўша нарх асос қилиб олинади. Бизнинг мисолимизда, бу нарх 420 сўм. Демак, “Лола” ҳиссадорлик жамияти акциясини биржа курси 420 сўм экан.

Бозорнинг турига кўра очик ва ёпик бозор нархлари қўлланилади. Очик бозор нархлари ким ошди, танлов ва биржа нархларини ўз ичига олади. Ёпик бозор нархларига фирманинг ички савдо нархлари, минтақавий нархлар ва имтиёзли нархлар киради.

Халқаро иқтисодий алоқаларда миллий, ташқи савдо ва жаҳон нархлари қўлланилади. Жаҳон баҳолари халқаро савдо амалиётида муваффақиятли қўлланилиб келинмоқда. Уларнинг асосий белгилари:

Мамлакат иқтисодиётининг барча тармоқ ва корхоналарида амалда бўлган баҳолар ўзаро боғлиқ бўлиб, улар бир қанча бозор омиллари таъсирида доимий ҳаракатда бўлган ягона тизимни ташкил этади. Ушбу тизим ўзаро боғлиқ ва бир бирини тақозо этувчи алоҳида баҳолардан иборат бўлади. Уларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

- улгуржи нархлар;
- харид нархлари;
- чакана нархлар;
- тарифлар;
- ижара ҳақи;
- тўлов фоизлар ва комисион ҳақ кўринишидаги баҳолар.

Ўз навбатида ҳар гуруҳда бир неча турдаги нарх акс этиши мумкин. Масалан, улгуржи нархлар гуруҳига корхона (сотиш, кўтара) нархи ва саноат улгуржи нархи киради. Тарифларни эса иқтисодиётнинг соҳа, тармоқ ва хизмат турлари бўйича алоҳида гуруҳлаш мумкин.

Нарх тизимининг ягоналиги ва нархларнинг ўзаро боғлиқлиги туфайли у ёки бу нархнинг ўзгариши бошқа гуруҳ нархларига бевосита таъсир кўрсатади. Масалан, улгуржи нархнинг ошиши натижасида чакана нархлар ҳам ўсади. Бундан ташқари, нарх гуруҳидаги ўзгаришлар «тескари алоқа» механизми таъсири остида билвосита таъсир ҳам кўрсатади. Масалан, ёқилғи – энергетика тармоғида нархларни ошиши кейинчалик шу тармоқ корхоналари сотиб оладиган моддий-техник ресурсларнинг (машина, дастгоҳ, электр энергияси ва б/) нархларининг кўтарилишига олиб келади.

Нархларнинг юқоридаги тартибда гуруҳланиши марказлашган, маъмурий бошқаришга асосланган иқтисодиётда ҳам амал қилган. Аммо бу ҳолда давлат у ёки бу гуруҳга кирувчи нархларни дотация бериш ёрдамида жиловлаб турган.

Бозор муносабатлари шароитида ягона нарх тизимининг амал қилиши бозор қонуниятларига асосланади ҳамда иқтисодий тизимга давлатнинг нарх воситасида аралашуви чекланган бўлади. Шунинг учун ҳам у ёки бу товар (иш, хизмат)ларнинг нархидаги фарқнинг давлат бюджети ҳисобидан қопланишига барҳам берилади. Бу эса ўз навбатида бозор субъектлари учун тенг шароитларни яратиш ва рақобатчиликни ривожлантиришга хизмат қилади.

Қурилишда ишлатиладиган қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкциялари бирлигини ўртача баҳосини аниқлашда қуйидагилардан бири асос бўлиши мумкин:

- Ишлаб чиқарувчи-етказиб берувчининг улгуржи-сотиш нархлари;
- Биржа ва кўргазма савдолардаги нархлар;
- Ўздавархтекқурилиш томонидан эълон қилинадиган жорий нархлар каталоги;
- Ўздавархтекқурилишнинг минтақавий марказлари томонидан эълон қилинадиган нархномалар.

Капитал қўйилмаларнинг таркиби ва ва қурилиш-монтаж ташкилотининг фаолиятини режасига мувофиқ қурилиш қиймати қуйидаги ишлар ва харажатларни кўзда тутлади:

- ✓ Қурилиш ишларига сарфланадиган материаллар, конструкциялар ва буюмлар;

- ✓ Монтаж ишларига сарфланадиган материаллар ва буюмлар;

Қурилиш қийматини аниқлаш нуқтаи-назаридан **монтаж ишларига** қуйидагилар таалуқли бўлади:

- Барча дастгоҳларни домий фойдаланиш жойларига лойиҳага мувофиқ ўрнатиш, шу жумладан, компрессор машиналари, насос, вентилятор, электротехника қурилмлари, электр печлари, автоматлаштириш ва ҳисоблаш техникаси воситалари, приборлари.

- Электр таъминотига уланиш ва электркучланиш қурилмаларига боғланиш йўллари, электрмашиналарига уланиш.

- Технологик трубоқувурларни ўтказиш, сув, ҳаво, пар, совутиш ва бошқа ҳажмли қурилмаларга боғланиш ишлари.

- Монтаж ишларига таалуқли бўлган бошқа ишлар.

- Қурилмаларни шефмонтаж қилиш қиймати. Сотиб олинган қурилмаларни ишга тушириш жараёнида етказиб берувчи корхонанинг ходими иштирокида ўрнатиш, синаш, бошқариш, ўргатиш каби ишлар шефмонтаж дейилади.

Қурилиш объекти қийматига киритиладиган бошқа харажатларга қурилиш-монтаж ишларига ҳамда мебел инвентар ва жиҳозларга таалуқли бўлмаган, аммо қурилиш объектининг тўлақонли ишлашига зарур бўлган бошқа харажатлар киритилади. Уларнинг таркиби ШНҚ-4.16-4.18 бандларида келтирилган.

Лойиҳаланаётган объект, бино ва иншоотларнинг қурилиш қийматини аниқлаш учун ўз ичига локал ресурс қайдномалари, объектнинг ресурс нормалари, иш ҳажмлари ресурс нормаларини олган **йириклашган ресурс қайдномалари** тузилади.

Қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкциялари сарфланадиган харажатлар танлов ҳужжатлари доирасида аниқланадиган йиғма ресурс ҳисоб-китоблари асосида ҳар тури учун минтақада белгиланган ўртача нархлар асосида аниқланиб, унинг таркибида транспорт ва тайёрлаш-омбор харажатлари ҳам акс эттирилади.

$$C_m = C_{m1} + C_{m2} + C_{m3} + \dots + C_{mn},$$

бунда $C_{m1}, C_{m2}, C_{m3}, C_{mn}$ – қурилиш материаллари ва конструкцияларининг ҳар бир тури бўйича харажатлар.

Уларни аниқлашда қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$C_m = N \cdot C_{cp}$$

Бунда

Бунда N - алоҳида турдаги материал, буюм ёки конструкциянинг умумий сарфланадиган миқдори.

C_{cp} - материал, буюм ёки конструкция бирлигини ўртача баҳоси.

Қурилиш учун заҳур бўлган материаллар, ашёлар ва конструкцияларга харажатлар қийматига уларни ташиш-сақлаш ва юклаш-тушириш харажатлари ҳам киритилади. 2019 йил учун мазкур харажатларнинг меъёри қуйидагича белгиланган: импорт материаллар ва ашёларга 2%, маҳаллий материаллар – 5 фоизгача, сим-кабель маҳсулотлари учун -2%, қурилмалар учун -2%.

Назорат учун саволлар:

1. Қурилиш материаллари, ашёлари ва конструкцияларининг турлари
2. Маҳсулотларнинг улгуржи нархи тушунчаси
3. Чакана нарх тушунчаси
4. Биржа нархи
5. Материалларга харажатларнинг таркиби
6. Қурилиш конструкцияларига нархни аниқлаш
7. Қурилиш материалларига эълон қилинадиган нархлар.
8. Кўргазма савдо нархлари

6-мавзу. Ускуна, мебел ва инвентарлари харажатлари.

Режа:

1. Ускуналар, мебел, ва инвентарлар сарфи.
2. Транспорт ва тайёрлаш–сақлаш харажати.
3. Транспорт, тайёрлаш –сақлаш харажатлари
4. Нархлар мониторинги

Таянч иборалар: қурилиш объекти, ускуна, мебел ва инвентарлар, харажатларни туркумланиши, умумий харажатларни суммасини аниқлаш, ўртача нарх, харажатларни сметада акс эттириш.

Мибел, қурилма ва инвентарларга харажатлар смета ресурс нормалари, етказиб берувчининг транспорт, тайёрлаш ва омбор харажатларини ҳисобга олган эркин сотиш нархлари ва маълумотлар асосида тайёрланган спецификация асосида қуйидаги формула билан аниқланади:

$$C_o = C_{o1} + C_{o2} + C_{o3} + \dots + C_{on}$$

Бунда C_{o1}, C_{o2}, C_{o3} ва C_{on} – қурилма, мебел ва инвентарнинг алоҳда турлари бўйича харажатлар.

Масалан, алоҳида қурилма, мебел ёки инвентарнинг тури бўйича харажатлар суммаси қуйидагича ҳисобланади:

$$C_{on} = N \cdot C_{cp}$$

Бунда N - алоҳида қурилма, мебел ёки инвентар турининг сони.
 C_{cp} - қурилма, мебел ёки инвентарнинг бирлигини ўртача баҳоси.

Қурилишда ишлатиладиган қурилма, мебел ёки инвентарнинг бирлигини ўртача баҳосини аниқлашда қуйидагилардан бири асос бўлиши мумкин:

- Ишлаб чиқарувчи-етказиб берувчининг улгуржи-сотиш нархлари;
- Биржа ва кўргазма савдолардаги нархлар;
- Ўздавархтекқурилиш томонидан эълон қилинадиган жорий нархлар каталоги;
- Ўздавархтекқурилишнинг минтақавий марказлари томонидан эълон қилинадиган нархномалар.

Смета ҳисоб-китобларини амалга оширишда қуйидагиларни алоҳида-алоҳида юритиш муҳим аҳамиятга эга:

Ишлаб чиқариш эҳтиёжи учун зарур бўлган жиҳозлар;

Ишлаб чиқариш бинолари учун зарур бўлган инструмен и буюмлар;

Жамоат ва маъмурий бинолар учун зарур бўлган жиҳозлар ва буюмлар.

Корхона, ишлаб чиқариш объекти ва бошқа биноларнинг сметасини тузишда турли вазифалар ва мақсадларга мўлжалланган жиҳозларни ўрнатиш ва таъминлаш қуйидаги гуруҳларга мувофиқ амалга оширилади:

технологик, энергетик, юкларни кўтариш-ташиш, насос-коспрессор ва б.;

приборлар, назорат, автоматика ва лоқа асбоблари;

бино ва иншоотларнинг муҳандислик қурилмалари;

транспорт воситалари;

цех ва участкаларни тозалаш машиналари;

ёнғин ҳавфсизлиги воситалари;

ҳисоблаш маркази, лаборатория, устахона жиҳозлари;

ётоқхона, тиббий, таълим, маданий иншоотларга зарурий жиҳозлар,

савдо жиҳозлари ва мебелли.

Мебел ва жиҳозлар франко-завод қиймати бўйича баҳоланади. Унга юклаш, тушириш, ташиш, ўрнатиш ва бошқа харажатлар қўшилади.

Жиҳозларнинг смета қиймати таркибида қуйидагилар акс этади:

Мебел ёки жиҳозни эркин шартномавий харид нархи;

Эҳтиёт қисмлар қиймати;

Тара, упаковка, реквизитлар қиймати;

Воситачи корхонанинг транспорт ва бошқа харажатлари;

Комплектация харажатлари;

Тайёрлаш-омбор харажатлари;

Мебель ва жиҳозз қиймати таркибига кирадиган бошқа харажатлар.

Мебель ва жиҳозларни қисмларга бўлиб олиб келишда ташиш таннархи паст бўлади, аммо уни йиғиш учун қўшимча ҳақ тўланади. Ва аксинча,

мебелни бутун ҳолда келтириш қиммат тургани билан уни созлаш ва ўрнатишга кам харажат сарфланади.

Сметада кўзда тутилган ҳар бир мебел ва жиҳоз қайси мақсадларда эканлигига қараб шу турдаги объект қийматиغا киритилади.

Мебел, қурилма ва инвентарларга харажатлар бўйича қуйидагилар ҳисобга олиниши лозим:

I.

- Монтаж қилинадиган ва қилинмайдиган барча турдаги (технологик, энергетик, кўтариш-транспорт, насос-компрессор) ташкилий техника, лаборатория, устахона, тиббиёт хонаси қурилмалари.

- Саноат ишлаб чиқариш билан боғлиқ барча транспорт воситалари, шу жумладан, юкларни ташишга мўлжалланган темир йўл состави.

- Майдон, бино ва цехларни тозалашда фойдаланиладиган машиналар, ёнғинни олдини олиш воситалари.

- Назорат-ўлчаш асбоблари, автоматлаштириш ва алоқа воситалари.

- Инструментлар, инвентарлар, штамплар, мосламалар, эҳтиёт қисмлар, лойиҳада асосий воситаларга таркибига киритилган тайёр ва ярим тайёр маҳсулотларни сақлаш контейнерлари.

- Ётоқхона, коммунал хўжалик, маданият, маориф, тиббиёт, савдо объектларида ички саранжомликни таъминловчи қурилмалар, инструментлар, инвентарлар, мебел ва бошқа жиҳозларни сотиб олиш (тайёрлаш) ва объектгача етказиб бериш харажатлари.

II. буюртмага мувофиқ ягона лойиҳадаги, узоқ муддатда тайёрланадиган бир марталик, машина ва мураккаб технологик қурилмаларни ишга тушириш харажатлари.

III. Қурилмаларни монтажи юзасидан амалдаги ресурс смета нормаларида кўзда тутилган қурилма таннархига киритиладиган материаллар, буюмлар ва конструкцияларга харажатлар.

IV. Қурилмаларни шефмонтаж қилиш қиймати. Сотиб олинган қурилмаларни ишга тушириш жараёнида етказиб берувчи корхонанинг ходими иштирокида ўрнатиш, синаш, бошқариш, ўргатиш каби ишлар шефмонтаж дейилади.

Қурилиш объекти қийматиغا киритиладиган бошқа харажатларга қурилиш-монтаж ишларига ҳамда мебел инвентар ва жиҳозларга таалуқли бўлмаган, аммо қурилиш объектининг тўлақонли ишлашига зарур бўлган бошқа харажатлар киритилади. Уларнинг таркиби ШНҚ-4.16-4.18 бандларида келтирилган.

Назорат учун саволлар:

1. Қурилиш объектида мебел ва инвентарлар сарфи

2. Сарф меъёри ва турлари
3. Мебел харажатларини ҳисоблашдаги миқдорий кўрсаткичлар
4. Жихоз ва инвентар харажатлари
5. Харажатларнинг умумий суммасини аниқлаш
6. Ўздавархтеқурилишнинг минтақавий марказлари томонидан эълон қилинадиган нархномалар.
7. Ташиш, ўрнатиш ва бошқа харажатларни сметада акс эттириш.

7-мавзу. Машина ва механизмлардан фойдаланиш харажатларини шакллантириш

Режа:

1. Қурилиш техникаси турлари
2. Машина ва механизмлардан фойдаланишнинг соатлардаги хажми
3. Машина ва механизмлардан фойдаланишнинг жорий қиймати.

Таянч иборалар: асосий воситалар, машина ва механизмлар, харажат ўлчов бирликлари, узоқ муддатли активларга харажатларни ҳисоблаш, уларнинг амортизацияси, амортизация нормалари.

Қурилиш индустриясида фойдаланилаётган техник воситаларнинг турлари хилма хил бўлиб, уларни бир неча белги бўйича таснифлаш мумкин.

Қурилиш объектининг жорий нархлардаги бошланғич қиймати таркибидаги қурилиш машиналари ва механизмларидан фойдаланиш харажатларини аниқлашда уларни техник хусусиятларидан қлиб чиқиб қуйидагича гуруҳлаш тавсия этилади:

- ер қозиш (бир чўмичли, кўп чўмичли эксковаторлар, ўзиюрар, кадамли, ротор ва б.);
- юк кўтарадиган (минорали, кўприкли, гусеницали, эшакли, сузувчи кранлар, автопогрузчик ва б.);
- режалашдаги (бульдозерлар, скреперлар, автогрейдер ва б.);
- тракторлар (гусеницали, ғилдиракли);
- бетон қозиқ (свай) қоқадиган техника;
- йўл қурилишининг машина ва механизмлари;
- трубопровод қурилишда ишлатиладиган машина ва механизмлар;
- транспорт қурилишида ишлатиладиган машина ва механизмлар;
- пардозлаш ишларида ишлатиладиган машина ва механизмлар;
- бошқа ёрдамчи машина ва механизмлар.

Машина ва механизмларни ишлатишга харажатлар таркибига бевосита харажатлар, устама харажатлар ва смета бўйича фойдадан иборат бўлади. Бунда устама харажатлар ва фойда қуйидагилардан иборат бўлади:

учинчи томондан олинган техниканинг тез емириладиган қисмларига харажатлар;

машина ва механизмларни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш харажатлари;

бунда

MM_x – машина ва механизмлардан фойдаланиш ҳажми, соатда.

$N_{ж}$ – машина ва механизмлардан фойдаланишнинг соатлик қиймати, сўм.

Объектнинг бошланғич қийматини ҳисоблашда машина ва механизмларга сарфланадиган харжатларнинг жорий нархлардаги суммасини Ўздавархтектназорат давлат Қумитасининг 2004 йил 6 майда 31-сонли буйруғи билан тасдиқланган услубий кўрсатмаларига риоя этиш тавсия этилади.

Гуруҳлар тартиб рақами	Кичик гуруҳлар тартиб рақами	Асосий воситаларнинг номи	Юқори нормаси, фоизда
II		Узатиш қурилмалари	
	1	Электр узатиш ҳамда алоқа қурилмалари ва линиялари	8
	2	Ички газ қувурлари ва қувурлар	
	3	Водопровод, канализация ва иссиқлик тармоқлари	
	4	Магистрал қувурлар	
	5	Бошқалар	
III		Куч-қувват берадиган машиналар ва ускуналар	
	1	Иссиқлик техника ускуналари	8
	2	Турбина ускуналари ва газ турбиналари қурилмалари	
	3	Электр двигателлари ва дизель-генераторлар	
	4	Комплекс қурилмалар	
IV		Фаолият турлари бўйича иш машиналари ва ускуналар (ҳаракатланувчи транспортдан ташқари)	
	1	Иқтисодиётнинг барча тармоқларига тегишли машиналар ва ускуналар	15
	2	Қишлоқ хўжалиги тракторлари, машиналари ва ускуналари	
	3	Коммутациялар ва маълумотларни узатиш рақамли электрон ускуналари, рақамли тизимлар узатиш ускуналари, рақамли алоқа ўлчов техникаси	
	4	Йўлдош, уяли алоқа, радиотелефон, пейжинг ва транкинг алоқа ускуналари	
	5	Узатишлар тизимлари коммутацияларининг	

		ўхшаш ускуналари	
	6	Киностудияларнинг махсус ускуналари, тиббий ва микробиология саноати ускуналари	
	7	Компрессор машиналари ва ускуналари	
	8	Насослар	
	9	Юк кўтариш-транспорт, юк ортиш-тушириш машиналари ва ускуналари, тупроқ, карьер ҳамда йўл-қурилиш ишлари учун машиналар ва ускуналар	
	10	Устун-қозиқ қоқиш машиналари ва ускуналари, майдалаш-янчиш, саралаш, бойитиш ускуналари	
	11	Технологик жараёнлар учун барча турдаги сифимлар	
	12	Нефть қазиб чиқариш ва бурғулаш ускуналари	
	13	Бошқа машиналар ва ускуналар	
V		Ҳаракатланувчан транспорт	
	4	Автомобиль транспортининг ҳаракатдаги таркиби, ишлаб чиқариш транспорти	20
	5	Енгил автомобиллар	
	6	Саноат тракторлари	
	7	Коммунал транспорт	10
	8	Махсус вахта вагонлари	
	9	Бошқа транспорт воситалари	20
VI		Компьютер, периферия қурилмалари, маълумотларни қайта ишлаш ускуналари	
	1	Компьютерлар	20

Назорат учун саволлар:

1. Қурилиш машина ва механизмларини туркумланиши
2. Машина ва механизмларнинг иш вақти
3. Машина ва механизмларга харажатлари таркиби
4. Машина ва механизмлардан фойдаланиш бўйича тўлов меъёрлари
5. Машина-механизмларни таъмирлаш харажатлари
6. Махсус қурилиш техникаси харажатлари
7. Асосий воситаларга амортизация меъёрлари

8-мавзу. Пудратчининг ва буюртмачининг бошқа харажатлари.

Режа:

1. Бошқа харажатлар тушунчаси
2. Буюртмачининг бошқа харажатлари
3. Пудратчининг бошқа харажатлари

Таянч иборалар: *устама харажатлар тушунчаси, лойиҳа харажатлари, экспертиза, назорат, пудратчининг харажатлари, маъмурий-бошқарув харажатлари*

Қурилиш объекти қийматини аниқлашда бошқа харажатлар деганда қурилиш-монтаж ишлари билан бевосита боғлиқ бўлмаган, аммо объект қурилишини лойиҳага мувофиқ сифатли ва муддатида амалга оширишига таъсир кўрсатадиган маъмурий, ташкилий-техник ва бошқа устама харажатлар тушунилади. Қурилиш маҳсулотининг хусусиятларидан келиб чиқиб, таъкидлаш мумкинки, ҳар қандай қурилиш ишлари бошланишида олдин ташкилий харажатлар қилинади. Бошқа харажатлар асосан буюртмачи ҳисобидан қопланади. Шу билан бирга қурилиш-монтаж ишларини тўлақонли ва сифатли амалга ошириш учун пудратчи ташкилотлар томонидан ҳам қурилиш объекти билан бевосита боғлиқ бўлмаган ишлар бажарилиши туфайли ушбу харажатлар ҳам лойиҳа-сметта қиймати таркибида ўз ифодасини топади.

Ўзбекистонда қурилиш объекти қийматини аниқлашда буюртмачи ва пудратчининг бошқа харажатлари таркиби ва моддалари амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва архитектура-қурилиш соҳасидаги тегишли идораларнинг услубий кўрсатмалари асос сифатида олинади. Бунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли Қарорига илова сифатида берилган “Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом”, 2003 йил 11 июндаги 261-онли “Марказлашган молиялаш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда шартномавий жорий баҳоларга ўтиш тўғрисида” Қарори, Ўзбекистон Республикаси архитектура ва қурилиш давлат Қўмитасининг 2007 йил 28 декабрда 129-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Объектлар қурилиши қийматини шартномавий жорий баҳоларда ҳисоблашда буюртмачи ва пудратчининг “бошқа харажатлари” аниқлаш бўйича услубий кўрсатма ва бошқа ҳужжатлар муҳим ўрин эгаллайди.

Қурилишда объектнинг қурилиш-монтаж ишлари қиймати таркибига киритиладиган бошқа харажатлар марказлашган ва маказлашмаган тартибда амалга ошириладиган лойиҳалар учун тавсия характерига эга бўлиб ҳисобланади. Бошқа харажатлар бино ва иншоотларни қурилишида, реконструкциялаш, таъмирлаш ва қайта жиҳозлаш каби бошқа лойиҳаларда ҳам акс этади.

- Лойиҳа қидирув ишлари;

- Лойиҳалаш (шаҳарсозлик) хужжатлари экспретизаси, шу жумладан, экология экспертизаси;
- Буюртмачи назорати;
- Танлов хужжатларини тайёрлаш ва экспертизадан ўтказиш, танлов савдоларини ташкиллаш ва ўтказиш;
- Буюртмачи хизматини қоплаш, шу жумладан техник назорати хизмати;
- Давлат архитектура-қурилиш назоратини сақлаш (ГАСНга жартамалар);
- Кредит хужжатларини расмийлаштириш ва банк фоизи;
- Ер майдонини ажратиш;
- Бузилаётган бино, иншоотлар , боғ-роғ ва бошқаларни қоплаш.

Юқорида келтириб ўтилган харажат моддалари бўйича сарфланадиган харажатлар суммасини аниқлашда қуйидагилар асос ва меъёр бўлиб ҳисобланади.

Юқорида келтирилган харажатлар суммасини аниқлашда қуйидаги тартибга риоя этилиши лозим:

Буюртмачининг ⁷ харажатлари моддаси	Харажатлар аниқлаш учун асос бўладиган меъёрий хужжатлар
Лойиҳа-қидирув ишлари	ЛҚИ қийматини аниқлаш бўйича Ўздавархитекқурилиш кумитасининг 2003 й. 15 декабрдаги кўрсатмаси №1296
Лойиҳа хужжатлари экспертизаси	Лойиҳа хужжатлари жорий баҳолардаги қийматини аниқлаш бўйича буйруқ 2004 й. 1 июн № 37
Техник назоратни амалга ошириш ва буюртмачининг вакилини таъминлаш	Харажатлар сметасига мувофиқ
Танлов хужжатларини ишлаб чиқиш ва экспертизаси, танлов савдоларини ўтказиш	Танлов хужжатларини тайёрлаш ва танлов ўтказишда нархларни аниқлаш йиғмажилди бўйича буйруқ 2000 й. 29 ноябр № 71
ГАСН ни сақлаш харажатлари	- Тадбиркорлик субъектлари учун шартномавий жорий нархларда қурилиш монтаж ишлари қийматининг 0.03 фоизи; - Бошқа объектлар учун 0.1 фоиз.
Банк фоизлари	Ҳисоб-китоб ва кредит шартномаси бўйича
Иншоотларни бузиш ва дарахтларни кўчириш	Ҳисоб-китоб асосида
Бошқа харажатлар	Ҳисоб-китоб асосида

Пудратчининг бошқа харажатлари ҳисоблаб чиқишда қурилиш монтаж ишлари қийматини маълум улуши сифатида баҳолаш мумкин. Бунда пудратчининг бошқа харажатлари объект қурилишига сарфланадиган бевосита (тўғри) харажатларга минтақа бўйича статистик маълумотлар асосида ўртача фоизи ҳисобланади.

Пудратчининг бошқа харажатлари деганда бевосита қурилиш-монаж ишларини амалга оширувчи ташкилот томонидан қурилиш билан билвосита боғлиқ бўлган сарф-харажатлар тушунилади.

Қурилиш ташкилотининг билвосита харажатлари одатда, режадаги фойда таркибига киритилади ва қурилиш маҳсулотини сотишда буюртмачи ҳисобидан қопланади.

Амалиётда танлов савдоларига ҳужжатларни тайёрлашда объектнинг бошланғич қийматида “бошқа харажатлар” моддаси бўйича миқдорий кўрсаткич минтақадаги пудратчи ташкилотларнинг “бошқа харажатлар” бўйича белгиланган салмоғи даражасида ўрнатилади.

Буюртмачи ва пудратчи ўртасида объектнинг шартномавий қийматини аниқлашда “бошқа харажатлар” даражаси ёки миқдори ўзаро келишув асосида ўрнатилади.

Бошқа харажатлар салмоғи (даражаси) қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$Y = \frac{Пп}{Спр} \times 100$$

бунда:

Y – бошқа харажатлар салмоғи, фоизда;

Пп - пудратчининг бошқа харажатлари суммаси (қурилиш ташкилотининг базис даврдаги барча лойиҳалардаги “бошқа харажатлар” моддаси бўйича йиғиндис);

Спр – пудратчи ташкилотнинг базис даврдаги барча қурилиш-монтаж ишларининг таннари.

Мазкур усулда бошқа харажатлар суммасини аниқлашда пудратчининг сарф-харажатлари қуйидагилардан иборат бўлади:

$$Пп = Са + Спо + Нпр,$$

бунда:

Са – базис даврда пудратчи ташкилотнинг маъмурий харажатлари;

Спо – пудратчи ташкилотнинг бошқа операцион харажатлари;

Нпр – зарурий фойда суммаси.

Маъмурий харажатларга қуйидагилар киритилади:

- бошқарув ходимларига тегишли бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари.

- бошқарув ходимларига тегишли бўлган ижтимоий суғуртага ажратмалар.

- Хизмат енгил автотранспортига ва хизмат микроавтобусини сақлаш, ёллаш ва ижарага олиш харажатлари.

- Хўжалик юритувчи субъект ва унинг таркибий бўлинмаларини ташкил этиш ва уларни бошқариш харажатлари.

- Бошқарувнинг техник воситалари, алоқа узеллари, сигнализация воситалари, ҳисоблаш марказларини ва ишлаб чиқаришга тегишли бўлмаган бошқарувнинг бошқа техник воситаларини сақлаш ва уларга хизмат кўрсатиш харажатлари.

- Телекоммуникациялар хизматлари, шу жумладан: маҳаллий тармоқлар; абонент рақамидан фойдаланганлик учун тўлов; каналларни ижарага бериш; кўчма, йўлдош ва пейзаж алоқа; радиочастота спектридан фойдаланиш; маълумотларни узатиш тармоқлари, шу жумладан Интернет учун ҳақ тўлаш.

- Шаҳарлараро ва халқаро телефон сўзлашувлари учун ҳақ тўлаш.

- Маъмурий-бошқарув эҳтиёжлари учун бинолар ва хоналар ижараси учун ҳақ тўлаш.

- Маъмурий аҳамиятга эга бўлган асосий воситаларни сақлаш ва уларни тузатиш, шунингдек, эскириш (амортизация) харажатлари.

- Юқори ташкилотлар ва юридик шахслар бирлашмалари: вазирликлар, идоралар, уюшмалар, концернлар ва бошқалар харажатларига ажратмалар.

- Ходимларни ва ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлмаган мол-мулкни мажбурий ва ихтиёрий суғурта қилиш харажатлари.

- Бошқарув ходимларини хизмат сафарларига юбориш бўйича харажатлар.

- Меъёрий белгиланган миқдордаги вакиллик харажатлари.

- Умумий овқатланиш корхоналари ва бошқаларга биноларни текин бериш ва коммунал хизматлар қийматига ҳақ тўлаш харажатлари.

- Бевосита ишлаб чиқариш жараёнига тегишли бўлмаган, табиатни муҳофаза қилиш аҳамиятига эга бўлган жамғармаларни сақлаш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ жорий харажатлар, табиий атроф муҳитни ифлослантирганлик ва чиқиндиларни жойлаштирганлик учун компенсация тўловлари.

- Хизматлар қийматини тўлаш ҳамда инвестиция активларининг ишончли бошқарувчилари, давлатнинг ишончли вакиллари ва ишончли бошқарувчиларнинг мукофотлари бўйича харажатлар.

- Маъмурий мақсадлар учун фойдаланиладиган инвентарлар ва хўжалик анжомлари қийматини ҳисобдан чиқариш бўйича харажатлар ҳамда уларни белгиланган мақсадда фойдаланиш учун яроқли ҳолатда сақлаш билан боғлиқ бўлган бошқа харажатлар.

Операцион харажатлар таркиби қуйидаги моддалардан иборат:

- Кадрлар тайёрлаш ва уларни қайта тайёрлаш харажатлари, янги ташкил этилаётган хўжалик юритувчи субъектда ишлаш учун кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бундан мустасно.

- Лойиҳа ва қурилиш-монтаж ишларида чала ишларни бартараф этиш харажатларини қоплаш, шунингдек, объект қошидаги омборгача транспортда ташиш чоғидаги шикастланишлар ва бузилишлар, коррозияга қарши ҳимоя нуқсонлари туфайли келиб чиққан тафтиш харажатлари (асбоб-ускуналарни қисмларга ажратиш) ва шунга ўхшаш бошқа харажатлар етказиб бериш ва ишларни бажариш шартларини бузган юридик шахслар ҳисобига мазкур харажатлар чала ишлар, шикастланиш ёки зарар кўриш учун жавобгар бўлган етказиб берувчи ёки бошқа хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобига ундирилиши мумкин бўлмаган даражада амалга оширилади.

- Аудиторлик хизматларига ҳақ тўлаш.

- Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган ишлар (хизматлар)ни (шаҳар ва шаҳарчаларни ободонлаштириш ишлари, қишлоқ хўжалигига ёрдам бериш ва бошқа хил ишларни) бажариш харажатлари.

- Компенсация ва рағбатлантириш тусидаги тўловлар:

- Ходимларнинг (овқатланиши, йўл кираси, даволаниш ва дам олишга, экскурсия ва саёҳатларга йўлланмалари, спорт секцияларида, тўғаракларда, клублардаги машғулотлари, маданий-кўнгилочар ва жисмоний тарбия (спорт) тадбирларига қатнашиши, ходимларнинг шахсий обунаси ва истеъмоли ҳамда бошқа шунга ўхшаш тўловлари) харажатларини қоплаш.

- Қонунчиликка мувофиқ болани икки ёшга тўлгунгача парвариш қилиш бўйича ҳар ойлик нафақани тўлаш бўйича харажатлар.

- Пенсияларга устамалар, пенсияга чиқаётган меҳнат фахрийларига бирйўла тўланадиган нафақалар.

- Ходимларга тўланадиган моддий ёрдам.

- Соғлиқни сақлаш объектлари, қариялар ва ногиронлар уйлари, болалар мактабгача тарбия муассасалари, соғломлаштириш лагерлари, маданият ва спорт объектлари, халқ таълими муассасалари, шунингдек, уй-жой фонди объектлари таъминотига (шу жумладан, барча турдаги таъмирлаш ишларини ўтказишга амортизация ажратмалари ва харажатларни ҳам қўшган ҳолда) харажатлар.

- Вақтинча тўхтатиб қўйилган ишлаб чиқариш қувватлари ва объектларини сақлаш харажатлари (бошқа манбалар ҳисобига қопланадиган харажатлардан ташқари).

- Банк ва депозитарий хизматларига тўловлар.

- Экология, соғломлаштириш ва бошқа хайрия жамғармаларига, маданият, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, жисмоний тарбия ва спорт корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига бадаллар.

- Амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган ва хўжалик юритувчи субъект харажатларига киритиладиган бюджетга мажбурий тўловлар, солиқлар, йиғимлар, давлат мақсадли жамғармаларига

ажратмалар, шунингдек Ҳукумат қарорларига биноан халқаро ташкилотларга аъзолик бадалларини тўлаш.

- Зарарлар, жарималар, пенялар:
- Бекор қилинган ишлаб чиқариш буюртмалари бўйича йўқотишлар.
- Моддий бойликларнинг, бевосита ишлаб чиқариш жараёнига тегишли бўлмаган йўқотишлар ҳамда камомадлар.

- Табиий офатлар (ишлаб чиқариш захиралари, тайёр маҳсулотлар ва бошқа моддий бойликларнинг нобуд бўлиши ва бузилиши, ишлаб чиқаришнинг тўхташи ва бошқалар туфайли йўқотишлар) туфайли кўрилган қопланмайдиган йўқотишлар ва зарарлар, шу жумладан, табиий офатлар оқибатларининг олдини олиш ёки оқибатларини бартараф этиш билан боғлиқ харажатлар.

- Айбдорлари аниқланмаган ўғирликлардан ёки айбдор томон ҳисобидан зарур суммани ундириш мумкин бўлмаган ҳолларда кўрилган зарарлар.

- Хўжалик юритувчи субъектнинг асосий воситалари ва бошқа мол-мулки (активлари)нинг чиқиб кетиши (балансдан чиқариш)дан кўрилган зарарлар.

- Янги технологиялар яратиш ва қўлланилаётган технологияларни такомиллаштириш, шунингдек илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ишлари олиб бориш, хом ашё ва материалларнинг янги турларини яратиш, ишлаб чиқаришни қайта жиҳозлаш билан боғлиқ маҳсулотлар сифатини ошириш харажатлари.

- Янги ишлаб чиқаришларни, цехлар, агрегатларни, шунингдек серияли ва оммавий маҳсулотларнинг янги турларини ишлаб чиқаришни ва технологик жараёнларни ўзлаштириш харажатлари.

- Айрим машиналар ва механизмларни яқка тартибда синаб кўриш ҳамда фойдаланилаётган ускуналар ва техник қурилмаларнинг барча турларини уларни монтаж қилиш сифатини текшириб кўриш мақсадида комплекс (маҳсулот чиқармасдан) ишлатиб кўриш.

- Янгидан ишга туширилган корхонада ишлаш учун ишчи кучларини жалб қилиш ва кадрлар тайёрлаш билан боғлиқ харажатлар.

- Бошқа харажатлар.

Объект қурилишининг бошланғич ва шартномавий қийматини лойиҳани амалга ошириш даврида аниқлаш мобайнида бошқа харажатлар қуйидаги формула ёрдамида ҳисоб-китоб қилинади:

$$\mathbf{Пп = (См + Сзп + Сэм + Сп) \times У/100}$$

где:

Пп – бошқа харажатлар суммаси;

См – қурилиш объектига сарфланадиган қурилиш материаллари қиймати;

Сзп – қурилиш-монтаж ишчиларининг иш ҳақи ва ижтимоий суғурта харажатлари;

Сэм – қурилиш-монтаж ишларида фойдаланиладиган машина-механизмларга харажатлар;

Сп – объект қурилишига сарфланадиган бошқа харажатлар;

У – бошқа харажатлар салмоғи, фоизда.

Танлов таклифи (оферта) баҳосида бошқа харажатлар мавжуд қурилиш бозоридаги шарт-шароитлардан келиб чиқиб аниқланади.

Танлов савдолари ўтказмасдан тўғридан-тўғри тузиладиган шартномалар асосида қуриладиган объектлар учун бошқа харажатлар пудратчининг базис даврдаги харажатларига мувофиқ тарзда келишилган ҳолда қуйидаги формула асосида белгиланади:

$$\underline{\underline{\text{Пп} = (\text{См} + \text{Сзп} + \text{Сэм} + \text{Сп}) \times \text{У}/100,}}$$

бунда, **У** – пудратчи ташкилотнинг таннархга нисбатан бошқа харажатлари улуши.

Агар қурилиш ишларига аниқ бўлмаган субпудратчиларни жалб қилиниши кўзда тутилган бўлса, у ҳолда бошқа харажатлар суммаси бош пудратчи белгилаган меъёрдан оширилмаслиги талаб қилинади.

Назорат учун саволлар:

1. Сметада бошқа харажатлар тушунчаси
2. Буюртмачининг бошқа харажатлари
3. Ободонлаштириш бўйича харажатлар
4. Лойиҳа-тадқиқотчилик харажатлари
5. Пудратчининг бошқа харажатлари
6. Лойиҳаларни экспертизаси учун харажатлар
7. Шефмонтаж харажатлари моҳияти

9-мавзу. **Инвестиция лойиҳаларини шакллантириш**

Режа:

1. Марказлашган молиялаш ҳисобига қурилиш
2. Даврий молиялаштириш
3. Банк кредитлари ҳисоби

Таянч иборалар: *инвестиция лойиҳалари, марказлашган ва марказлашмаган маблағлар, синдицилаштирилган кредит, «fast-track» усули*

Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш айрим манбаларининг ўрни ва роли, кўп жиҳатдан, макроиқтисодий мувозанат ҳамда ўсиш барқарорлиги, мулкчилик шакллариининг ривожланиш даражаси ва ўзаро нисбатлари, банк-молия тизимининг ривожланганлиги ва бошқалар билан белгиланади. Инвестиция лойиҳалари бўйича қарорлар қабул қилишда иқтисодиётнинг молия секторининг ривожланишидаги объектив шарт-шароитларни,

инвестиция қарорларини қабул қилишга аниқлик киритадиган ва таъсир кўрсатадиган молиявий воситачилик даражасини, улардан фойдаланиш воситалари ҳамда механизмларини ҳисобга олишга тўғри келади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 сентябрдаги 395-сон қарорининг 2-иловасига мувофиқ “Марказлаштирилган манбалар ҳисобига қурилишни ташкил этиш, молиялаштириш ва кредитлаш тартиби тўғрисида”ги Низом тасдиқланди. Ушбу Низом объектларни, шу жумладан фойдаланишга тайёр ҳолда қуриладиган, марказлаштирилган манбалар ҳисобига маблағ билан таъминланадиган объектлар қурилишини ташкил этиш, молиялаштириш ва кредитлаш тартибини белгилайди. Ушбу Низомнинг амал қилиши қуйидаги марказлаштирилган манбаларга жорий этилади:

- бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ва бюджетдан ажратмалар;

- давлат бюджети таркибида жамланадиган давлат мақсадли жамғармалари маблағлари (бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасидан ташқари);

- Ҳукумат қарорларида белгиланган бошқа манбалар.

Объект қурилишига шартнома танлов савдолари натижалари бўйича белгиланган қурилишнинг бутун даврига янги қурилишга, ишлаб турган корхоналарни кенгайтириш, реконструкция қилиш ва техника билан қайта жиҳозлашга (кейинги ўринларда матнда капитал қурилиш деб юритилади) тузилади. Шартнома Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда капитал қурилиш соҳасидаги бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ тузилади.

Марказлаштирилган манбалар ҳисобига объектлар қурилишига шартномалар тузиш ҳуқуқига эга бўлган ташкилот буюртмачи ҳисобланади. Марказлаштирилган манбалар ҳисобига объектлар қурилишига шартнома бўйича пудратчилар танлов савдолари шартларига ва тузилган шартномага мувофиқ ишлар бажарилишини таъминлашга қодир бўлган юридик шахслар бўлишлари мумкин. Зарурат бўлганда кўшма фаолият тўғрисидаги шартномага мувофиқ иш кўрувчи юридик шахс мақомига эга бўлмаган юридик шахсларнинг бирлашмаси қуриш шартномаси бўйича пудратчилар бўлиши мумкин.

Буюртмачи ва пудратчи, бош пудратчи ва субпудратчилар, лойиҳа ташкилотлари ва асбоб-ускуналар, қурилиш материаллари ва конструкцияларини етказиб берувчилар ўртасидаги муносабатлар воситачи ташкилотлар ва бошқа оралиқ бўғинларнинг иштирокисиз фақат шартнома асосида қурилади. Бунда ҳам моддий-техника ресурсларини ўзаро берган ҳолда, ҳам улар берилмаган ҳолда субпудрат ташкилотлар томонидан ишларнинг бажарилиши битта объект қурилиши доирасида воситачининг

иши ҳамда моддий-техника ресурсларини ташқарига реализация қилиш, деб ҳисобланмайди.

Пудрат шартномаси танлов савдолари натижалари бўйича аниқланган шартномавий жорий нарх бўйича белгиланган тартибда танлов савдолари натижалари тасдиқлангандан кейин ўн кун муддатда тузилади. Танлов савдолари шартларига мувофиқ қурилиш муддати бир календарь йил доирасидан ташқарига чиқадиган объектлар бўйича иккинчи ва кейинги йилларга ишларнинг қолдиқ ҳажми қиймати белгиланган тартибда аниқлаштирилади. Қолдиқ қийматнинг аниқлаштирилиши асосий бош шартномага илова қилинадиган қўшимча битим билан расмийлаштирилади. Шартномага ишлар ҳажмининг кўпайиши ёки лойиҳанинг ўзгартирилиши билан боғлиқ ўзгартиришлар киритилишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно. Шартнома бекор қилинган тақдирда барча харажатлар ва зарарлар қонун ҳужжатларида ёки шартномада белгиланган тартибда қопланади. Шартнома тузишда буюртмачи ва пудратчи алоҳида шартлар билан қонун ҳужжатларига мувофиқ унда бошқа мажбуриятларни ҳам назарда тутишга ҳақлидир. Субпудратчилар ва етказиб берувчилар (ишлаб чиқарувчилар)ни танлаш бош пудратчи томонидан танлов савдолари натижалари бўйича тузилган бош шартнома бўйича мажбуриятлар сақланиб қолиниши шарти билан мустақил амалга оширилади. Объектлар қурилишига шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши қонун ҳужжатларига мувофиқ кафиллик, кафолат шаклида ва бошқа шаклларда таъминланади. Объект қурилиши шартномасида акс эттириладиган ўзаро ҳисоб-китоб шартлари қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ белгиланади.

Буюртмачи томонидан қуйидагилар таъминланади:

- ер участкасини танлаш ва ажратиш, бирламчи-рухсат берувчи ҳужжатларни ва қурилиш ҳудудини тайёрлаш, лойиҳаолди ишларини ташкил этиш, лойиҳанинг, иш ҳужжатларининг (объектни фойдаланишга тайёр ҳолда қуриш ҳолларидан ташқари) ва танлов ҳужжатларининг тасдиқлангандиган қисмини келишиш, экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш;

- лойиҳаловчи ва пудратчини (бош пудратчини) танлов савдолари орқали танлаш;

- ишларни бажариш ва молиялаштириш жадваллари билан биргаликда шартномалар тузиш;

- қурилиш объектини давлат архитектура-қурилиш назорати органларида рўйхатдан ўтказиш;

- пудратчига қуриш учун бирламчи-рухсат берувчи ҳужжатларни бериш;

- бузиладиган, кўчириладиган ёки реконструкция қилинадиган биноларда, шунингдек объект қурилиши ҳудудида яшаётган шахсларни кўчириш;

- молиялаштириш, пудратчи томонидан қабул қилинган шартнома мажбуриятларига ва шартномада қайд этилган бошқа функцияларга риоя қилиниши устидан назорат қилиш;

- техник кузатиш ва объект қурилиши устидан техник назорат қилиш;
- қурилиши тугалланган объектни белгиланган тартибда фойдаланиш учун қабул қилиш;
- кафолатли даврда аниқланган нуқсонлар бартараф этилиши устидан назорат қилиш.

Буюртмачи қонун ҳужжатларига ва шартнома шартларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам бажаради.

Пудратчи томонидан қуйидагилар таъминланади:

- иш ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва унинг технология қисмини буюртмачи билан келишган ҳолда қурилиш жараёнида (объект фойдаланишга тайёр ҳолда қурилганда) уни эксперт кузатиш;
- иш ҳужжатларини (объект фойдаланишга тайёр ҳолда қурилганда) технологик изчиллик ва объект қурилишининг аниқ шартлари билан боғлиқликда ҳажмлар ва муддатларда ишлаб чиқаришга бериш;
- ишларни бажариш жадвалига мувофиқ ҳамда белгиланган стандартларга, қурилиш нормалари ва қоидаларига риоя қилган ҳолда тасдиқланган лойиҳада назарда тутилган ишларни бажариш;
- шартномага мувофиқ қурилишни асбоб-ускуналар, конструкциялар ва қурилиш материаллари билан бутлаш;
- лойиҳа ечимларига ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларига риоя қилган ҳолда қурилиш-монтаж, маҳсус ва ишга тушириш-созлаш ишларини ўз вақтида ва сифатли бажариш;
- объектнинг ижроия ҳужжатларини, шу жумладан сертификатланиши шарт бўлган маҳсулотга мувофиқлик сертификатларини, фойдаланилган қурилиш материаллари ва асбоб-ускуналарга техник паспортларни тузиш ва буюртмачига бериш;
- тасдиқланган лойиҳаларга, бошқа талабларга ва шартнома мажбуриятларига мувофиқ объектни буюртмачига топшириш.

Пудратчи қонун ҳужжатларига ва шартнома шартларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам бажаради.

Буюртмачи билан пудратчи ўртасидаги вазифаларни аниқ тақсимлаш, шунингдек уларнинг мулкӣ жавобгарлиги даражаси қонун ҳужжатларига ва танлов савдоси шартларига мувофиқ аниқ бир пудрат шартномасини тузишда аниқлаштирилади. Объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш белгиланган сифат стандартлари ҳисобга олинган ҳолда “Давархитектқурилиш” қўмитаси органларининг хулосаси асосида буюртмачи томонидан таъминланади.

Буюртмачи қонун ҳужжатларига ва шартномага мувофиқ:

- ишларни бажаришга бирламчи–руҳсат берувчи ҳужжатлар берилиши кечиктирилганлиги;
- геодезия - бўлиш асослари ҳамда қурилиш ҳудудига бириктирилган пунктлар ва белгилар берилиши кечиктирилганлиги;
- қурилиши тугалланган объект, унинг айрим навбатлари, ишга тушириш комплекси, бинолар, иншоотлар, ишлаб чиқаришга тайёрланган

маҳсулотлар ёки хизматлар шартнома шартларига мувофиқ қабул қилиб олиниши асоссиз равишда кечиктирилганлиги;

- шартномага мувофиқ ўз вақтида маблағ билан таъминланмаганлиги, бажарилган ишлар тасдиқланмаганлиги ва уларга ҳақ тўланмаганлиги;

- шартномада назарда тутилган бошқа мажбуриятлар бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун пудратчи олдида мулкӣ жавоб беради.

Пудратчи қонун ҳужжатларига ва шартномага мувофиқ: иш ҳужжатлари сифатсиз ишлаб чиқилганлиги (объектни фойдаланишга тайёр ҳолда қуришда); қурилиш-монтаж ишлари сифатсиз бажарилганлиги; объект, унинг навбати, босқичи қурилиши ўз вақтида тугалланмаганлиги; буюртмачи билан тузилган шартномалар бўйича монтаж ташкилотлари ва бошқа ихтисослаштирилган ташкилотлар томонидан амалга оширилаётган асбоб-ускуналарни монтаж қилишга мўлжалланган майдонларни топшириш муддатлари бузилганлиги (агар бу шартнома ва танлов савдолари шартларида назарда тутилган бўлса); буюртмачи билан тузилган шартномага илова қилинган алоҳида шартларда белгиланган ерларни рекультивация қилиш бўйича ишлар муддатлари ва ҳажмларининг бузилганлиги; қурилиш жараёнида ёки оралик қабул қилиш жараёнида буюртмачи, муаллифлик назорати ва назорат органлари томонидан аниқланган ишлар ва конструкцияларда йўл қўйилган чала ишлар ва нуқсонларни бартараф этиш кечикканлиги; шартномада назарда тутилган бошқа мажбуриятлар бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун буюртмачи олдида мулкӣ жавоб беради.

Иш пудратчи томонидан пудрат шартномасидан четга чиқиб ёки бошқа нуқсонлари бўлган ҳолда бажарилган ҳолларда буюртмачи, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада ўзгача ҳол белгиланмаган бўлса, ўз хоҳишига кўра пудратчидан: нуқсонлар оқилона муддатда қоплашсиз бартараф этилишини; иш учун белгиланган нарх мутаносиб миқдорда камайтирилишини; агар нуқсонларни бартараф этиш юзасидан буюртмачининг ҳуқуқи шартномада назарда тутилган бўлса, нуқсонларни бартараф этиш билан боғлиқ харажатлар қопланишини талаб қилишга ҳақлидир.

Пудратчи нуқсонларни бартараф этиш ўрнига бажариш муддати кечиктирилиши туфайли етказилган зарарларни буюртмачига қоплаган ҳолда ишни қайтадан текин бажаришга ҳақлидир. Агар пудратчи нуқсонларни томонлар томонидан белгиланган муддатда бартараф этмаса, буюртмачи ёки фойдаланувчи ташкилот нуқсонни бартараф этиш ишлари қийматини ундириб олган ва нуқсон ўз вақтида бартараф этилмаганлиги учун кўрилган зарар қопланган ҳолда нуқсонни пудратчи ҳисобидан ўз кучлари билан бартараф этишга ҳақлидир. Бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун ўз вақтида ҳақ тўланмаган тақдирда шартномага мувофиқ айбдор томон бошқа томонга қонун ҳужжатларида ва шартномада белгиланган тартибда неустойка тўлайди.

Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур Низомда назарда тутилган санкциялардан ташқари уларни бузган томон бошқа томонга у томонидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқолиши ёки шикастланишида ифодаланадиган амалдаги зарарларни неустойка (жарима, пеня) билан қопланмаган суммада қоплайди. Неустойка (жарима, пеня) тўланиши, шунингдек мажбуриятлар зарур даражада бажарилмаганлиги учун зарарлар қопланиши томонларни шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилишидан озод этмайди, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Буюртмачи пудратчининг айби билан шартномани бекор қилишга мажбур бўлган тақдирда, пудратчининг кафили (у мавжуд бўлган тақдирда) буюртмачи билан пудратчи ўртасида тузилган шартнома шартларига мувофиқ объект қурилишини қурилиш тўлиқ тамом бўлгунгача давом эттириш мажбуриятини ўз зиммасига олиши ёхуд унга берилган қафолатдан келиб чиқувчи молиявий мажбуриятларни бажариши мумкин. Кафил ишни ўз кучлари билан тамомлаши ёки ўз хоҳишига кўра исталган пудратчини жалб этган ҳолда тамомлаши мумкин.

Объектни фойдаланишга тайёр ҳолда қуриш пудратчининг лойиҳада назарда тутилган ишларнинг бутун ҳажмини, шу жумладан махсус ва ишга тушириш-созлаш ишларини бажариш, объектни технология ва муҳандислик асбоб-ускуналари билан бутлаш бўйича мажбуриятларини назарда тутати ҳамда тайёр қурилиш маҳсулоти яратишнинг ягона узлуксиз комплекс жараёни сифатида амалга оширилади. Объектларни фойдаланишга тайёр ҳолда қуришда буюртмачи ва пудратчи қатнашчилар ҳисобланади. Объектни фойдаланишга тайёр ҳолда қуриш марказлаштирилган манбалар ҳисобига амалга ошириладиган янги қурилишда, ишлаб турган корxonани кенгайтириш, реконструкция қилиш ва техника билан жиҳозлашда мажбурий ҳисобланади.

Лойиҳаларни бошқа манбалар ҳисобига амалга оширишда объектларни фойдаланишга тайёр ҳолда қуриш томонларнинг келишуви бўйича ёки танлов савдолари шартларига қараб қўлланилиши мумкин. Фойдаланишга тайёр ҳолда қуриш шартномаси бўйича мажбуриятларни бажариш учун пудратчи субпудратчи ташкилотларни жалб этиши мумкин, уларга нисбатан пудратчи бош пудратчи ҳисобланади. Қурилишни қурилиш-монтаж ишларини бажариш учун зарур бўлган материаллар, конструкциялар ва буюмлар билан, шунингдек барча намунавий асбоб-ускуналар ва аппаратлар, ностандартлаштирилган, технологик ва энергетика асбоб-ускуналари билан, шу жумладан махсус материаллар билан таъминлаш пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

Пудратчи шартномада белгиланган қафолатли даврда объектдан лойиҳада назарда тутилган параметрларда фойдаланилиши учун буюртмачи олдида мулккий жавоб беради. Фойдаланишга тайёр ҳолда қуришда объектни маблағ билан таъминлаш маблағ билан таъминлаш жадвалига мувофиқ буюртмачининг аванси (30 фоизгача), жорий маблағ билан таъминлаш (аванс бериш ҳисобга олинган ҳолда 50 фоизгача), пудратчининг ўз маблағлари ва

банкнинг кредитлари ҳисобига амалга оширилади. Пудратчи билан узилокесил ҳисоб-китоб қилиш буюртмачи томонидан қурилиш тамом бўлгандан ва объект фойдаланишга топширилганидан кейин амалга оширилади. Объектларни фойдаланишга тайёр ҳолда қуришда тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатлари объект фойдаланишга топширилгунга қадар пудратчининг балансида бўлади ва унинг солиқ солинадиган базасига киритилмайди.

Инвестиция лойиҳасини марказлаштирилган манбалар ҳисобига маблағ билан таъминлаш ҳар қайси объект бўйича ажратилган капитал қўйилмалар лимитлари доирасига қатъий амал қилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги билан келишилган қурилишларнинг аниқ мўлжалли рўйхати ва қурилишларнинг белгиланган тартибда тасдиқланган титул рўйхати асосида амалга оширилади. Белгиланган тартибда тасдиқланган қурилишларнинг аниқ мўлжалли рўйхати капитал қўйилмаларнинг тасдиқланган лимитига мувофиқ объектлар қурилишининг аниқ рўйхатида назарда тутилган қурилиш учун банкларнинг кредитларини жалб этишда пудратчи учун асос бўлиб ҳисобланади. Ажратилган маблағлардан буюртмачи томонидан қурилишларнинг титул рўйхатида назарда тутилмаган мақсадларда фойдаланилишига йўл қўйилмайди. Маблағ билан таъминлашни очиш учун буюртмачи томонидан хизмат кўрсатувчи банкка (ҳудудий ғазначилик ҳисоб рақамларидан фойдаланган ҳолда Давлат бюджети ғазна ижроси билан қамраб олинган минтақалардан ташқари) қуйидагилар тақдим этилади:

- қурилишларнинг аниқ мўлжалли рўйхати (лойиҳа-қидирув ишларининг аниқ рўйхати);
- қурилишнинг титул рўйхати;
- буюртмачи билан пудратчи ўртасида тузилган шартнома нусхаси;
- пудрат ташкилотининг қурилиш таваккалчиликларини суғурталаш юзасидан шартномаси нусхаси;
- қурилиш-монтаж ишларини бажаришга «Давархитектқурилиш» кўмитасининг рухсати.
- давлат экология экспертизаси хулосасининг нусхаси (зарур бўлганда).

Буюртмачи ва пудрат ташкилоти ўртасида инвестиция лойиҳасини амалга ошириш юзасидан тузилган шартномада ва унга илова қилинадиган маблағ билан таъминлаш жадвалида қуйидагилар ҳисобга олиниши зарур:

а) қурилиши янгидан бошланаётган тайёр ҳолда фойдаланишга топшириладиган объектларни қуришда:

- қурилишнинг дастлабки икки ойи мобайнида аванс тўловлари қурилишнинг прогноз қилинаётган йили учун танлов савдолари натижалари бўйича белгиланган ишлар қийматининг 30 фоизигача миқдорда тенг улушларда ажратилиши;

- ажратилган аванснинг мутаносиб равишда ушлаб қолинишини ҳисобга олган ҳолда, бажарилган ишлар қийматининг 95 фоизи миқдорида ҳар ойда жорий молиялаштириш;

- белгиланган тартибда тузилган шартномаларда назарда тутилган кафолатли муддат ўтгандан кейин амалга ошириладиган объект қийматининг 5 фоизини тўлаш;

б) объектларни шартнома асосида қуришда (кейинги йилга ўтувчи объектлар, объектларни фойдаланишга тайёр ҳолда қуриш ҳолларидан ташқари): жорий ойма-ой молиялаштириш ишларнинг амалда бажарилишидан келиб чиқиб 5 фоиз миқдоридаги қолган қисмини шартномада қайд этилган кафолатли муддат тамом бўлгандан кейин, бироқ молиявий йил тамом бўлишидан кечикмай тўлаган ҳолда объект қийматининг камида 95 фоизи миқдорида амалга оширилади.

Тасдиқланадиган лимитлар доирасида алоҳида объектларни маблағ билан таъминлаш йирик ва стратегик жиҳатдан муҳим инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги халқаро молия институтлари, ташкилотлари ва донор мамлакатлар билан ҳамкорлик қилиш, йирик ва стратегик жиҳатдан муҳим инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш масалалари бўйича Идоралараро кенгаш томонидан тасдиқланган алоҳида схемалар бўйича амалга оширилиши мумкин.

Марказлаштирилган манбалар ҳисобига объектни фойдаланишга тайёр ҳолда қурилишини кредитлашда қуйидагилар тижорат банкининг кредит ресурслари манбалари ҳисобланади:

- тасдиқланган Инвестиция дастури бўйича капитал қўйилмаларни молиялаштириш лимити доирасида марказлаштирилган манбалардан маблағларнинг (аванс тўлангандан ва 50 фоиз миқдорида жорий молиялаштирилгандан кейин) пудрат қурилиш ташкилотининг асосий депозит ҳисоб рақамига хизмат кўрсатувчи бош банкка вақтинчалик асосида ойма-ой бериладиган қолган қисми;

- хизмат кўрсатувчи банкнинг ўз маблағлари ва жалб қилинадиган маблағлари.

Марказлаштирилган маблағлар ҳисобига капитал қурилишни молиялаштириш ва кредитлаш схемаси

Босқичлар	Тадбирлар	Муддатлари	Масъуллар
1-босқич	Тасдиқланган Инвестиция дастурига мувофиқ буюртмачилар қурилишларнинг аниқ ва титул рўйхатларини, келгуси йиллар лойиҳалаш ишларининг аниқ рўйхатларини белгиланган тартибда келишиб оладилар ва тасдиқлайдилар	10 январгача	Буюртмачилар, пудратчилар
2-босқич	Хизмат кўрсатувчи банкда молиялаштириш бошланади	Январь	Буюртмачилар, банклар
3-	Йилнинг дастлабки икки ойида	январь-	Молиялаштирувчи


босқич	тенг улушларда ишлар қийматининг 30 фоизига микдорда аванс ажратилади	февраль	органлар, буюртмачилар, банклар
4-босқич	Объект молиялаштириш ва ишларни бажариш жадвалларига мувофиқ берилган аванс ҳисобга олинган ҳолда объект қийматининг 50 фоизига микдорда жорий молиялаштирилади	молиялаштириш ва ишларни бажариш жадвалларига мувофиқ	Молиялаштирувчи органлар, буюртмачилар, банклар
5-босқич	Пудратчи томонидан қурилиш объекти қийматининг қолган 50 фоизини молиялаштириш учун хизмат кўрсатувчи банкда кредит расмийлаштирилади	молиялаштириш ва ишларни бажариш жадвалига мувофиқ	Пудратчилар, хизмат кўрсатувчи банклар
6-босқич	Қурилиш объекти қийматининг 45 фоизи микдорида ҳақ тўланади	объект қабул қилинган кундан бошлаб бир ойда	Молиялаштирувчи органлар, буюртмачилар, банклар
7-босқич	Қурилиш объекти қийматининг 5 фоизи микдорида ҳақ тўланади	кафолатли муддат тугагандан кейин	Молиялаштирувчи органлар, буюртмачилар, банклар

Кредит ва фоиз ставкалари микдорлари, кредитни қайтариш ва у бўйича фоизлар тўлаш муддатлари ва тартиби банк билан пудрат ташкилоти ўртасида тузилган кредит шартномасида белгиланади. Хизмат кўрсатувчи банк томонидан молиялаштириш ҳисоб рақамидан пул маблағларини ўтказиш буюртмачи томонидан тўлов топшириғи тақдим этилгандан кейинги кун бошланишидан кечикмай амалга оширилади. Хизмат кўрсатувчи банк қонун ҳужжатларига мувофиқ маблағлар ўз вақтида ўтказилиши учун жавоб беради.

Буюртмачи тўлов топшириқлари қурилишнинг титул рўйхатига қатъий мувофиқ бўлиши учун жавоб беради. Тўлов топшириқномасига бажарилган ишлар қиймати тўғрисидаги «маълумотнома - счё-т-фактура» илова қилинади. Объектни фойдаланишга тайёр ҳолда қуришда жорий маблағ билан таъминлаш ишларни бажариш ва маблағ билан таъминлаш жадвалларига мувофиқ амалга оширилади. Аванс тўлови пудрат ташкилотининг хизмат кўрсатувчи банкдаги талаб қилиб олинган депозит ҳисоб рақамига ўтказилади. Молиялаштириш ҳисоб рақамидан қурилишнинг титул рўйхатига ва унда кўрсатилган капитал қўйилмалардан фойдаланиш йўналишларига мувофиқ бўлмаган тўловларни амалга ошириш тақиқланади. Жорий маблағ билан таъминлаш маблағ билан таъминловчи орган томонидан

амалда бажарилган қурилиш ишлари ҳажми ҳисобга олинган ҳолда ҳар ойда 20-кундан кечикмай амалга оширилади.

Инвестиция лойиҳасини амалга ошириш қатнашчилари ўртасидаги ҳисоб-китоблар улар ўртасида тузилган шартномада назарда тутилган тартибда амалга оширилади. Ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун ҳар ойда, ҳисобот давридан кейинги ойнинг 5-кунидан кечикмай, буюртмачилар томонидан молия органига мазкур Низомга мувофиқ тасдиқловчи ҳужжатлар билан бирга белгиланган шакл бўйича марказлаштирилган капитал қўйилмалардан фойдаланилиши тўғрисида ҳисоботлар тақдим этилади. Объектни фойдаланишга тайёр ҳолда қуришда буюртмачи томонидан молия органига маблағ билан таъминлаш жадвалига мувофиқ қийматининг 50 фоизи доирасида объект қурилишига аванс бериш ва жорий маблағ билан таъминлаш учун маблағ ажратишга буюртманома тақдим этилади.



2-расм. Қурилишда инвестицион фаолият таркиби

Узоқ муддатли кредитлар эвазига инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш “Тижорат банклари томонидан йирик инвестиция лойиҳаларини синдициялаштирилган кредитлашни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Низом”¹ талаблари асосида ҳам амалга оширилади.

Низомга кўра синдициялаштирилган кредит деганда - бир неча банклар томонидан йирик инвестиция лойиҳаларини биргаликда кредитлаш тушунилади. Йирик инвестиция лойиҳаси - бу умумий қиймати тижорат банкларининг биринчи даражали капиталининг 25 фоизидан ошадиган инвестиция лойиҳасидир. Банк синдикати - синдициялаштирилган кредит бериш борасида икки ёки ундан ортиқ банклар ўртасида ўзаро келишув ҳисобланади.

Етакчи банк - синдициялаштирилган кредитлаш ташаббуси билан чиққан ва зиммасига иштирокчи-банклар номидан кредит ҳужжатларини юритиш масъулияти юклатилган қарз олувчининг асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисоб варағига хизмат кўрсатувчи банкдир. Иштирокчи банк эса синдициялаштирилган кредит беришда қатнашувчи банкдир.

Низомга кўра синдициялаштирилган кредит деганда - бир неча банклар томонидан йирик инвестиция лойиҳаларини биргаликда кредитлаш тушунилади. Йирик инвестиция лойиҳаси - бу умумий қиймати тижорат банкларининг биринчи даражали капиталининг 25 фоизидан ошадиган инвестиция лойиҳасидир. Банк синдикати - синдициялаштирилган кредит бериш борасида икки ёки ундан ортиқ банклар ўртасида ўзаро келишув ҳисобланади..

Етакчи банк - синдициялаштирилган кредитлаш ташаббуси билан чиққан ва зиммасига иштирокчи-банклар номидан кредит ҳужжатларини юритиш масъулияти юклатилган қарз олувчининг асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисоб варағига хизмат кўрсатувчи банкдир. Иштирокчи банк эса синдициялаштирилган кредит беришда қатнашувчи банкдир .

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, синдициялаштирилган кредитлар фақат юридик шахсларга берилади. Тижорат банклари томонидан синдициялаштирилган кредитлаш қайтаришлик, тўловлилик, таъминланганлик, муддатлилик ва мақсадли фойдаланиш шартлари асосида амалга оширилади. Синдициялаштирилган кредитни бериш қарз олувчи ва иштирокчи банклар ўртасида тузиладиган кредит шартномаси асосида амалга оширилади. Синдициялаштирилган кредит бериш муддати йирик инвестиция лойиҳаларини қопланиш муддатига боғлиқ ҳолда кредит шартномасида белгиланади. Бироқ, зарар кўриб ишловчи, ноликвид балансга эга бўлган хўжалик юритувчи субъектларга ҳамда самарасиз инвестиция лойиҳаларини тақдим қилган хўжалик субъектларига синдициялаштирилган кредитлар берилмайди. Синдициялаштирилган кредит олгандан кейин молиявий аҳволи ёмонлашган қарздордан берилган кредитлар ўрнатилган тартибда

¹Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2005 йил 16 июлдаги 15/2-сонли қарори билан тасдиқланган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 20 августда 1509-сонли рақам билан давлат рўйхатида олинган.

муддатидан аввал ундириб олиш чора-тадбирлари кўрилиши лозим. Бу қоида кредит шартномасида албатта қайд этилган бўлиши керак.

Синдициялаштирилган кредитдан фойдаланганлик учун фоиз ставкаси миқдори синдициялаштирилган кредит тўғрисидаги келишув шартларига кўра қарз олувчи ва иштирокчи банклар ўртасида тузиладиган кредит шартномаси асосида белгиланади.

Синдициялаштирилган кредитлашда қарз олувчи ўзига хизмат кўрсатувчи банкка йирик кредит беришни сўраб мурожаат қилганидан кейин, банк кредитлаш учун лозим бўлган стандарт тадбирларни: ўзининг ички кредит сиёсатига мос равишда мижознинг кредитга қобилиятлилиги таҳлилини, бизнес-режаси таҳлилини, кредит қайтарилишини таъминланганлиги таҳлилини ва бошқаларни амалга оширади. Синдициялаштирилган кредитлашни амалга оширишнинг мумкинлиги тўғрисида кредит кўмитаси қарор қабул қилган тақдирда, банк бир вақтнинг ўзида ушбу битимга бошқа банкларни жалб этиш ҳамда синдициялаштирилган кредитлаш ташкилотчиси сифатида банк синдикатини ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилади.

Олинган кредитни қайтараолмаслик хатарининг олдини олиш мақсадида қарз олувчи тез ва эркин сотилиш талабларига жавоб берадиган таъминотга эга бўлиши керак. Қарз олувчи банкка қуйидаги таъминот турларини тақдим этиш ҳуқуқига эга: мулк ёки қимматли қоғозлар гарови; банк ёки суғурта ташкилоти кафолати; учинчи шахснинг кафиллиги; суғурта компаниясининг қарз олувчининг кредитни қайтараолмаслик хатарини суғурта қилингани тўғрисидаги суғурта полиси; йирик инвестицион лойиҳани молиялаштириш мақсадида хорижий банк ёки бошқа молиявий институтлар иштирокида синдициялаштирилаётган кредит амалга оширилаётган бўлса, кредитни қайтариш мажбуриятини таъминоти сифатида ҳукумат кафолати тақдим этилиши мумкин. Таъминот турларидан бири кредитни қайтариш таъминоти сифатида иштирокчи банклар талаб қилаётган суммани қоплаш учун етишмаса, қарз олувчи етакчи банк розилиги билан унинг етишмаётган қисмини қоплаш учун кўшимча равишда мазкур Низомнинг 15-бандида санаб ўтилган таъминот турларининг бири ёки бир нечтасини бир-бирини тўлдириши асосида тақдим этиши мумкин.

Инвестицияларнинг молиялаштириш манбаларида қарз маблағлар ролининг ошиши, асосан, чет эл кредитларининг кўпайиши ҳисобига юз берди. Чет эл кредитлари ва марказлаштирилган миллий кредитлар салмоғининг юқорилиги чет эл кредитлари бўйича кафолатларининг борлиги ва тижорат банклари кредитлари бўйича фоиз ставкаларининг нобарқарорлиги билан изоҳлаш мумкин. Ҳукумат кафолатлари билан олинаётган чет эл кредитлари ҳиссасининг кўтарилиши банклар томонидан катта эҳтиёткорлик билан валюта кредитларининг қайтарилмаслик рискларини кун тартибига кўяди ва ҳисобга олишни талаб этади. Бу эса, ўз навбатида, инвестиция лойиҳаларини батафсил таҳлилини ва экспертизасини ўтказишда, инвестиция қарорларини қабул қилишда, халқаро молия

институтлари ва чет эллик инвесторларнинг қарз маблағларидан фойдаланишда банкларнинг масъулиятини ғоят кўтаришни талаб қилади.

Жаҳон банки баҳоларига кўра, республика банк тизимининг марказлашганлиги, рақобат йўқлиги ва унга хос хусусиятларнинг, яъни қайта молиялаштириш ставкаларининг, кредитлар бўйича фоиз ставкаларининг ўзгарувчанлиги, банкларнинг ссуда портфелларини диверсификациялашда узоқ муддатли кредитлар ролини кучайтиришга йўл қўймади. Инфляцияни пасайтиришда эришилган натижалар бозорга ўтиш шароитларида қайта молиялаштириш ставкалари ва банк кредитлари ставкаларини уларни пасайтириш томон ўзгаришига имконият яратар эди.

Сўнгги йилларда қишлоқ аҳоли пунктларининг бош режалари ва архитектуравий режалаштиришни ташкил этиш лойиҳаларига мувофиқ тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жой қурилиши кўламини кенгайтириш асосида қишлоқ аҳолисининг турар-жой шароитларини тубдан яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди. Тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жой қурилиши учун “Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банки томонидан имтиёзли ипотека кредити бериш тартиби тўғрисида”ги Низом қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 ноябрдаги “Қурилиш соҳасини давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-5577- сонли Фармони билан қурилиш соҳасида молиялаш ва қурилиш-таъмирлаш ишларини янада такомиллаштириш мақсадида бир қатор янгиликларни жорий этиш кўзда тутилган.

Мазкур Фармонга мувофиқ, 2018 йил 1 декабрдан бошлаб:

- барча қурилиш объектлари учун лойиҳаларнинг смета қисмини экспертизадан ўтказиш мажбурийдир, қурилиши тўғридан-тўғри инвестициялар, шу жумладан, хорижий инвестициялар ҳисобига амалга ошириладиган объектлар бундан мустасно;

- қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиш қурилиш соҳасидаги назорат инспекцияси, кадастр органлари, буюртмачи, пудратчи (бош пудратчи) вакиллари иштирокида амалга оширилади, давлат харидлари субъектлари маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган объектларни қуриш бундан мустасно;

- пудрат ташкилотлари ва лойиҳа ташкилотлари ўртасида консорциум ташкил этиш ҳамда консорциум иштирокчилари зиммасига лойиҳани сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш учун солидар жавобгарликни юклаш орқали «fast-track» усули (бир вақтнинг ўзида лойиҳалаштириш, харид қилиш ва қурилиш ишлари) билан «тайёр ҳолда топшириш» шартлари (Engineering Procurement Construction) асосида лойиҳаларни амалга оширишга йўл қўйилади;

б) 2019 йил 1 январдан бошлаб:

- лойиҳалаш ва қурилиш фаолиятини амалга ошириш учун Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотига аъзо давлатларнинг ваколатли органлари, ташкилотлари, жамиятлари ва бирлашмалари томонидан берилган сертификатлар ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатлар (лицензиялар) тан олинади;

- қурилиш учун ер участкаларининг ўз вақтида ва тўғри ажратилиши ҳамда қурилиш-монтаж ишлари тасдиқланган бош режага ёки ер участкаларини жойлаштириш схемаларига (бош режа мавжуд бўлмаганда) боғламасдан амалга оширилиши учун тегишли ҳокимларнинг шахсий жавобгарлиги белгиланади;

- қурилиш учун ер участкаларининг ўз вақтида ва тўғри ажратилиши ҳамда қурилиш-монтаж ишлари тасдиқланган бош режага ёки ер участкаларини жойлаштириш схемаларига (бош режа мавжуд бўлмаганда) боғламасдан амалга оширилиши учун тегишли ҳокимларнинг шахсий жавобгарлиги белгиланади;

- миллий қурилиш нормалари ва қоидаларини ишлаб чиқиш ҳамда такомиллаштириш, шунингдек қурилишга оид хорижий норматив-техник ҳужжатларни мослаштириш фақат танлов асосида амалга оширилади;

- миллий қурилиш нормалари ва қоидаларини қайта кўриб чиқишда, шунингдек қурилишга оид хорижий норматив-техник ҳужжатларни мослаштиришда мулкчилик шаклидан қатъи назар миллий ва хорижий юридик шахслар, жамоат ва халқаро ташкилотлар, шунингдек шу соҳага ихтисослашган илмий-тадқиқот муассасалари иштирок этишга ҳақли;

- Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги миллий қурилиш нормалари ва қоидаларини ишлаб чиқиш ҳамда такомиллаштириш, шунингдек қурилишга оид хорижий норматив-техник ҳужжатларни мослаштириш ва уларни амалиётга жорий этиш бўйича ишларнинг буюртмачиси ҳисобланади;

- қурилиш нормалари ва қоидалари ҳар томонлама экспертизадан ўтказиш натижалари асосида Қурилиш вазирлигининг қарори билан тасдиқланади ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида мажбурий тартибда рўйхатдан ўтказилиши шарт;

- белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган қурилиш стандартлари, техник регламентлар, қурилиш нормалари ва қоидаларининг ягона каталогини юритиш, расмий веб-сайтида эълон қилиш ва янгилаб бориш орқали каталогдан бемалол фойдаланишни таъминлаш «Ўзстандарт» агентлигига юкланади;

в) 2019 йил 1 мартдан бошлаб:

- малакага эга бўлиши Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ мажбурий бўлган қурилиш соҳасидаги мутахассисларни сертификатлаш Ўзбекистон муҳандислар-консультантлар уюшмаси томонидан амалга оширилади;

- лойиҳалаш фаолиятини амалга оширишга штатида тегишли сертификатга эга ва доимий асосда ишлайдиган камида икки нафар муҳандис мавжуд бўлган ёхуд Ўзбекистон муҳандислар-консультантлар уюшмаси аъзоси бўлган юридик шахсларга рухсат берилади;

- объектларни қуришнинг барча босқичларида муаллифлик ва техник назорат мажбурийдир ҳамда тегишли равишда лойиҳа муаллифи ва буюртмачи томонидан ёки сертификатга эга эксперт жалб қилиш йўли билан амалга оширилади.

- қурилаётган объектлар устидан муаллифлик назорати, техник назорат ва текширув фақат белгиланган тартибда сертификат олган мутахассислар томонидан амалга оширилади;

г) 2020 йил 1 январдан бошлаб уй-жой қурилиши объектлари лойиҳа-тадқиқот ва қурилиш-монтаж ишларини бажариш босқичида энергия-самарадор ва энергия-тежамкор ускуналар билан мажбурий равишда жиҳозланиши, шунингдек, улар фойдаланишга қабул қилинишидан аввал энергетик аудит паспортини олиши керак, BREEAM (бинолар самарадорлигини экологик баҳолаш усули) ва LEED (энергия-самарадор ва экологик лойиҳалаштириш бўйича қўлланма) халқаро стандартлари бўйича сертификатга эга объектлар бундан мустасно;

Назорат учун саволлар:

1. Инвестицион фаолият тушунчаси
2. Инвестицион фаолият таркиби
3. Марказлашган молиялаш ҳисобига қурилиш
4. Хўжалик ҳисоби шаклида қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш
5. Даврий молиялаштириш
6. Банк кредитлари ҳисоби
7. Кредит шартномаси
8. Синдициялаштирилган кредит мазмуни
9. Кредит фоизини аниқлаш
10. Қурилишда «fast-track» усулининг мазмуни

10-мавзу. **Капитал қурилишда танлов савдолари ва уларни ўтказиш тартиби**

Режа:

1. Тендер савдолари моҳияти
2. Танлов савдолари
3. Танлов ҳужжатлари ва шартномалар

Таянч иборалар: *тендер савдоси, танлов, буюртмачи, инвестор, оферта, танлов босқичлари, танлов комиссияси, танлов золиби, қатъий нарх.*

Ўзбекистон Республикасида қурилиш объектлари бўйича тендер савдолари ва танлов савдолари амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида, жумладан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида капитал қурилишда танлов савдолари тўғрисида низом асосида амалга оширилади. Мазкур низом капитал қурилиш, шунингдек илгари тўхтатиб қўйилган объектлар қурилишини давом эттириш билан боғлиқ ишлар ва хизматларнинг бутун комплексини (кейинги ўринларда матнда ишлар, хизматлар деб юритилади) бажариш, товарлар харид қилиш, асбоб-ускуналар сотиб олиш юзасидан танлов савдолари (тендерлар)ни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби ва шартларини белгилайди.

Иқтисодиётнинг тегишли тармоқларида ва ижтимоий соҳада амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари доирасида товарлар, ишлар ва хизматларни харид қилишни амалга оширишда битта контракт бўйича 5,0 млн АҚШ долларидан ортиқ эквивалентдаги суммадаги капитал қурилиш билан боғлиқ бўлган товарлар, ишлар ва хизматлар харид қилишни амалга оширишда танлов савдолари Вазирлар Маҳкамасининг «Тендер савдолари ўтказишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2015 йил 14 сентябрдаги 264-сон қарорида назарда тутилган хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ўтказилади.

Инвестор, буюртмачи, танлов савдолари ташкилотчиси, танлов комиссияси ва оферентлар танлов савдоларининг асосий қатнашчилари ҳисобланади.

Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

талабгорнинг малакасини олдиндан аниқлаш ёки бунингсиз танлов савдолари ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

расмий фармойиш берувчи ҳужжат чиқарган ҳолда танлов савдоларини ўтказиш шакли, тури ва санасини белгилаш;

танлов савдолари ташкилотчиси функциясини амалга ошириш (ушбу функцияларни жалб этиладиган ташкилотга бериши мумкин);

мустақил равишда ёки ихтисослаштирилган ташкилотни жалб этган ҳолда танлов савдолари предметининг бошланғич қийматини белгилаш.

Буюртмачи қуйидаги функцияларни бажаради:

танлов комиссияси таркибини ва иш тартибини шакллантиради ва тасдиқлайди, унинг ишида қатнашади;

миқдори танлов ҳужжатларида қайд этиладиган аниқ танлов шартларига боғлиқ бўладиган танлов савдоларида қатнашишга буюртманомаларни таъминлаш шаклини белгилайди;

танлов савдоларининг ташкилотчиси бўлади (ушбу функцияларни жалб этиладиган ихтисослашган ташкилотга бериши мумкин);

танлов ҳужжатлари таркибини белгилайди;

талабгорнинг малакасини олдиндан аниқлаш ва танлов савдоларига қўйиладиган асосий талабларни, танлов савдолари предметига қўйиладиган ва танлов ҳужжатлари таркибига киритиладиган махсус ва техник талабларни белгилайди;

белгиланган тартибда экспертизанинг ўтказилиши ва танлов ҳужжатлари тасдиқланишини таъминлайди, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси билан келишган ҳолда танлов савдолари натижалари тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлайди;

танлов савдолари ғолиби билан шартнома тузади;

танлов савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ барча харажатларни қоплайди.

Буюртмачи инвестор билан белгиланган тартибда тузилган шартномада назарда тутилган ваколатлар доирасида бошқа функцияларни ҳам амалга оширади.

Қуйидагилар танлов савдолари ташкилотчисининг асосий вазифалари ҳисобланади:

танлов савдолари ўтказиш тартиб-қоидаларини белгилаш;

танлов савдолари предметига қўйиладиган махсус, техник ва тижорат талабларини ҳисобга олган ҳолда талабгорнинг малакасини олдиндан аниқлаш ва танлов савдоларини ўтказиш учун танлов ҳужжатларини ишлаб чиқиш;

белгиланган шакл бўйича танлов савдолари ўтказилиши тўғрисидаги эълонни матбуотда чиқариш ва/ёки потенциал талабгорларга таклифномалар юбориш;

агар танлов ҳужжатларида ўзгача ҳол назарда тутилмаган бўлса, аризалар ва оферталарни қабул қилиш, уларнинг ҳисобга олиниши ва махфийлигини таъминлаш;

жалб этиладиган буюртмачи билан шартнома асосида мустақил экспертлар ёки маслаҳатчиларнинг ишларини ташкил этиш;

талабгорларга танлов ҳужжатларини тақдим этиш;

оферталарнинг асл нусхаларини улар очилгандан кейин буюртмачига бериш.

Танлов савдоларини ташкил этиш учун ихтисослаштирилган ташкилот жалб этилган тақдирда танлов савдолари ташкилотчисининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари у билан буюртмачи ўртасида тузиладиган шартномада белгиланади.

Танлов комиссияси қуйидаги функцияларни амалга оширади:

ўзининг иш тартибини белгилайди;

миқдори танлов ҳужжатларида қайд этилган танлов шартларига боғлиқ бўлган танлов савдоларида қатнашишга буюртманомаларни таъминлаш шаклини тасдиқлайди;

офертани қабул қилишнинг охириги куни ва вақтини, конвертларни очиш вақти ва жойини белгилайди;

талабгорнинг малакасини олдиндан аниқлайди, агар у танлов ҳужжатларида назарда тутилган бўлса;

тегишли равишда расмийлаштирган ҳолда танлов савдоларини ўтказиш тартиб-қоидаларини амалга оширади;

ичида оферталар бўлган конвертларни очади, уларнинг танлов ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқлигини текширади (ҳужжатларнинг тўлиқ тақдим этилиши, расмийлаштириш ва ҳоказолар) ва конвертларни очиш тўғрисидаги протоколни тасдиқлайди;

мустақил экспертларни (маслаҳатчиларни) жалб этиш зарурлигини белгилайди ёки танлов комиссияси аъзолари орасидан баҳолаш гуруҳини тузади;

танлов ҳужжатларида кўрсатилган мезонларга мувофиқ оферталарни ўрганади, текширади ва кўриб чиқади, танлов савдолари ғолибини аниқлайди ёки бошқа қарор қабул қилади;

танлов савдоларини ўтказиш жараёнида пайдо бўладиган низолар ва келишмовчиликларни кўриб чиқади ва тартибга солади ҳамда улар бўйича тегишли ҳулосалар чиқаради.

Танлов комиссияси аъзолари сони тоқ бўлиши керак.

Қоидага кўра, танлов комиссияси таркибига инвестор, буюртмачи, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари, хизмат кўрсатувчи банк вакиллари киритилади.

Танлов савдолари предметида боғлиқ равишда танлов комиссияси таркибига лойиҳа, эксперт ташкилотлари ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари киритилиши мумкин.

Танлов комиссияси таркибида инвестор ва буюртмачининг вакиллари сони комиссия аъзолари умумий сонининг тўртдан бир қисмидан ортиқ бўлмаслиги керак.

Агар мажлисда танлов комиссияси аъзоларининг камида тўртдан уч қисми қатнашса танлов комиссияси ҳуқуқий ваколатли ҳисобланади.

Танлов савдоларини ўтказиш тартиб-қоидалари босқичлари бўйича қарор танлов таклифларини баҳолаш мезонларини ҳисобга олган ҳолда танлов комиссияси томонидан кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

Овозлар тенг бўлган тақдирда раиснинг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

Танлов комиссияси мажлисларида «Давархитектқурилиш» қўмитасининг ваколатли вакили иштирок этади.

Танлов савдолари қуйидагиларга бўлинади:

очиқ танлов савдолари – оферентлар сони чекланмайди;

ёпиқ танлов савдолари – оферентлар сони чекланади.

Ёпиқ танлов савдолари ўтказиш тўғрисидаги қарор Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинади.

Очиқ ёки ёпиқ танлов савдолари талабгорнинг малакаси олдиндан аниқланган ҳолда ёки аниқланмасдан, ёхуд икки босқичли бўлиши мумкин.

Талабгорнинг малакасини олдиндан аниқлаш танлов савдоларининг биринчи тури, танлов савдоларининг ғолибини аниқлаш – унинг иккинчи тури ҳисобланади.

Талабгорнинг малакаси олдиндан аниқланадиган очиқ ёки ёпиқ танлов савдолари ўтказишда талабгорларнинг умумий рўйхати тузилади, талабгорнинг малакаси олдиндан аниқланади ва малакаси олдиндан аниқланган талабгорлар ўртасида танлов савдолари ўтказилади.

Икки босқичли танлов савдолари:

буюртмачи танлов савдолари предметининг аниқ тавсифини ва ўзига хослигини шакллантириш имкониятига эга бўлмаган;

шартномада ишларни уларнинг рентабеллигини таъминлаш учун етарли бўлган ёки тадқиқ этиш ёки ишлаб чиқишга сарфланган харажатлар қопланишини таъминлайдиган ҳажмларда бажариш назарда тутилган ҳоллардан ташқари, буюртмачи илмий тадқиқотлар, экспериментлар ўтказишга, қидирувлар ёки ишланмалар юзасидан шартнома тузиш ниятида бўлган ҳолларда ўтказилади.

Икки босқичли танлов савдолари қуйидаги тартибда ўтказилади:

биринчи босқичда концептуал қарор ва техник, тижорат жиҳатидан аниқланиши ва тузатилиши керак бўлган, танлов ҳужжатларида кўрсатилган шартлар асосида ишлаб чиқилган оферта баҳоси кўрсатилмаган ҳолда тақдим этилади. Танлов савдолари предмети параметрлари бўйича оферент билан музокаралар олиб борилишига йўл қўйилади. Оферталарнинг умумий сонидан танлов савдоларининг иккинчи босқичида қатнашишга йўл қўйиладиган оферталар танлаб олинади;

иккинчи босқичда танлов савдолари предметининг аниқлаштирилган параметрлари ҳисобга олинган, баҳоси мажбурий тартибда кўрсатилган ҳолда оферталари танлов савдоларининг иккинчи босқичига ўтган қатнашчиларнинг таклифлари ва буюртманомалари берилган ҳолда танлов ҳужжатларига тузатиш киритилади.

Икки босқичли танлов савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш қонун ҳужжатларига мувофиқ «Давархитектқурилиш» кўмитаси томонидан ишлаб чиқиладиган ва тасдиқланадиган тартибга мувофиқ амалга оширилади.

Ёпиқ танлов савдолари ишлар ва хизматлар юқори даражада мураккаблиги (ёки тор ихтисослашуви) билан фарқланадиган ва фақат пудратчилар (етказиб берувчилар)нинг чекланган сони билангина бажарилиши мумкин бўлган ҳолларда ташкил этилади. Ёпиқ танлов савдоларини ўтказишда танлов савдолари ташкилотчиси пудратчилар (етказиб берувчилар) умумий сонидан олдиндан етарлича малака маълумотларига эга бўлганларни, бироқ уларнинг камида учтасини танлайди ва уларга танлов савдоларида қатнашишга таклифнома юборади.

Агар ёпиқ савдоларда қатнашишга розилик билдирган пудратчилар (етказиб берувчилар) сони учтадан кам бўлса, у ҳолда танлов шартлари аниқлаштирилган ва/ёки унга тузатишлар киритилган ҳолда такрорий танлов савдолари эълон қилинади. Ёпиқ танлов савдоларини ташкил этишда

матбуотда эълон берилмайди, танлов савдолари таклиф этилган талабгорлар ўртасида ўтказилади.

Танлов савдолари предмети харидининг умумий қиймати 50 минг АҚШ долларига тенг суммани ташкил этган ҳолларда улар:

харид қилинадиган товар, ишлар ва хизматларнинг тавсифи, миқдори, бажариш муддатлари ва товарни етказиб бериш пункти кўрсатилган ҳолдаги таклифларни талабгорларга юбориш;

етказиб берувчи ёки пудратчи томонидан эълон қилинган баҳо ва тавсифларни таққослаш йўли билан эркин савдода амалга оширилиши мумкин.

Рўйхати Давлат харидлари бўйича Ҳукумат комиссияси томонидан белгиланадиган марказлаштирилган манбалар ҳисобига молиялаштириладиган 500 млн сўмгача қийматда бўлган объектларни куриш ва реконструкция қилиш бўйича ишларни бажариш учун пудрат ташкилотларини танлаш фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида амалга оширилади.

Эркин савдода харид қилишда таклифларнинг етказиб берувчи ёки пудратчи томонидан алоқа каналлари орқали ёзма шаклда тақдим этилишига йўл қўйилади.

Эркин савдода харид қилишда етказиб берувчи ёки пудратчини танлаш баҳолаш комиссияси томонидан амалга оширилади.

Баҳолаш комиссияси буюртмачи томонидан камида беш нафар ваколатли мутахассисдан иборат таркибда тайинланади. Баҳолаш комиссиясининг қарори протокол билан расмийлаштирилади.

Қуйидаги ҳолларда:

Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори мавжуд бўлганда;

харид қилинадиган товар (иш, хизматлар) ягона етказиб берувчи (пудратчи) томонидан ишлаб чиқарилса (реализация қилинса);

импорт товар Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан келишган ҳолда харид қилинганда шартноманинг тўғридан-тўғри тузилишига йўл қўйилади.

Агар танлов савдолари предметининг бошланғич қийматига нисбатан танлов савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш харажатлари иқтисодий жиҳатдан фойдали бўлмаса, бундай ишлар ва кўрсатиладиган хизматлар мустақил лотларга бўлинган ҳолда битта танлов савдоларига бирлаштирилади, бунда ғолиб, қоидага кўра, ҳар бир лот бўйича аниқланади.

Буюртмачининг асосланган қарорига мувофиқ танлов савдолари предметини лотларга бўлган ҳолда танлов савдолари ўтказилишига йўл қўйилади (курилиш ва монтаж ишлари, асбоб-ускуналарни харид қилиш ва монтаж қилиш, юкларни транспортда ташиш ва ҳоказо).

Бунда ғолиб, қоидага кўра, ҳар бир лот бўйича аниқланади, бош пудратчи ташкилот функциясини буюртмачи бажаради ва лойиҳада назарда тутилган ишлар ва хизматларнинг бутун комплекси бажарилиши учун жавоб

беради. Инвестор ва/ёки буюртмачи товарларни харид қилишда танлов савдолари предмети бўлиниши учун жавоб беради.

Танлов савдоларини кейинчалик танлов савдолари предмети учун назарда тутилмаган турлар бўйича ўтказиш имконини берувчи унинг қийматини пасайтириш мақсадида танлов савдолари предмети оғли равишда бўлишга йўл қўйилмайди.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорга қуйидаги малака талаблари қўйилади:

танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

устав сармоясининг миқдори;

танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (фоизларда).

Танлов савдоларида қатнашиш талабгорида буюртмачи томонидан белгиланадиган бошқа талаблар ҳам қўйилиши мумкин. Агар танлов савдолари предмети ҳисобланадиган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонун ҳужжатларига мувофиқ лицензияланиши керак бўлса белгиланган тартибда берилган тегишли лицензияга эга бўлган талабгорлар танлов савдоларида қатнашишга қўйилади.

Танлов комиссияси талабгор (оферент)дан унинг малака маълумотларига мувофиқлигини тасдиқловчи далилларни ҳужжатли шаклда тақдим этишни талаб қилишга ҳақлидир.

Талабгорларга танлов савдоларида қатнашишга малака талаблари танлов ҳужжатлари таркибида кўрсатиб ўтилади.

Малака талабларига мувофиқ талабгорлар томонидан тақдим этиладиган маълумотларни баҳолаш танлов ҳужжатларида белгиланган тартибда танлов комиссияси томонидан амалга оширилади.

Танлов комиссияси:

талабгорларнинг ўз интеллектуал мулкани ёки тижорат сирини муҳофаза қилиш ҳуқуқини бузишга;

талабгорлар (оферентлар)нинг танлов ҳужжатларида назарда тутилмаган малака маълумотларига нисбатан мезонлар ва талабларни белгилашга ҳақли эмас.

Қуйидагиларнинг:

таъсис ҳужжатлари, молиявий қатнашиш, холдинг шаклида ва бошқа шаклларда ифодаланган бир-бири билан бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки молиявий боғлиқ бўлган қурилиш ташкилотларининг;

марказлаштирилган капитал қўйилмалар ҳисобига молиялаштириладиган объектларда қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш учун Қурилиш-пудрат ташкилотлари реестрига киритилмаган қурилиш ташкилотларининг танлов савдоларида қатнашиши тақиқланади.

Буюртмачининг тор ихтисослашган пудратчи ташкилотлари очик танлов савдоларида умумий асосларда қатнашадилар, ёпиқ танлов савдоларида эса танлов савдолари ташкилотчиси камида иккита чет қатнашчини таклиф қилиши шарт.

Малака маълумотлари тўғрисида нотўғри ахборот аниқланган тақдирда танлов комиссияси қарори билан талабгор (оферент) бундан кейин танлов савдолари тартиботида қатнашишдан четлатилади.

Малака маълумотлари тўғрисида танлов савдолари натижасига таъсир қилмайдиган унчалик муҳим бўлмаган ноаниқликлар мавжуд бўлган ахборотни тақдим этган талабгор (оферент)га танлов комиссияси қарори билан аниқланган ноаниқликларни унинг офертасини кўриб чиқиш давомида тузатишига рухсат этилиши мумкин.

Қайта ташкил этиш (бўлиниш, бирлашиш), тугатиш ёки банкротлик босқичида бўлган, мулки хатлаб қўйилган талабгорлар танлов савдолари тартиботларида қатнашишга қўйилмайди.

Танлов савдолари ташкилотчиси танлов савдолари тўғрисида оммавий ахборот воситаларида эълон беради ёки потенциал пудратчиларга (етказиб берувчиларга) танлов савдоларида қатнашишга таклифнома жўнатади.

Танлов савдолари ўтказилиши тўғрисидаги эълонда ёки танлов савдоларида қатнашишга таклифномада қуйидаги маълумотлар бўлиши керак:

- танлов савдолари ташкилотчисининг номи ва манзили;
- танлов савдолари предмети маблағ билан таъминлаш манбалари;
- танлов савдолари предметининг тавсифи ва уни сотиш жойи;
- танлов савдолари предмети сотиш муддати;
- талабгорларга қўйиладиган асосий шартлар;
- танлов ҳужжатларини сотиб олиш жойи ва унинг учун тўлов миқдори;
- оферталарни тақдим этиш жойи, охири куни ва вақти;
- оферталарни очиш жойи, куни ва вақти.

Танлов савдолари ва /ёки талабгорнинг малакасини олдиндан аниқлаш тўғрисидаги эълон оммавий ахборот воситаларида чоп этилади. Буюртмачининг қарорига кўра хорижий пудратчилар (етказиб берувчилар) танлов савдоларида қатнашишга таклиф этилиши мумкин. Бунда мамлакатимизнинг товар ишлаб чиқарувчилари (ишларни бажарувчилари, хизматлар кўрсатувчилари) учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган нарх преференциялари шунингдек қонунчиликка мувофиқ кичик бизнес субъектлари учун ажратиладиган квоталар миқдорлари тўғрисидаги

маълумотлар мавжуд бўлган эълон, қоидага кўра, энг оммавий даврий нашрларда, газеталарда, web-сайтда ва /ёки БМТнинг Development Business нашрида, шунингдек хорижий мамлакатларнинг элчихоналари орқали таклифномалар жўнатиш воситасида амалга оширилади.

Оферталарни тақдим этиш муддати эълон оммавий ахборот воситаларида берилган кундан бошлаб камида ўттиз кунни ёки таклифномалар жўнатилган кундан бошлаб ўттиз беш кунни ташкил этиши керак. Танлов савдолари ўтказилиши тўғрисидаги эълон фақат танлов ҳужжатларига ижобий эксперт хулосаси мавжуд бўлган тақдирдагина чоп этилиши мумкин.

Танлов ҳужжатлари, қоидага кўра, уч қисмдан: умумий, техник ва тижорат қисмидан иборат бўлади.

Умумий қисмга қуйидагилар киради:

танлов савдоларида қатнашишга таклифнома;

товарлар, ишлар ва хизматларни харид қилиш юзасидан шартноманинг умумий шартлари;

талабгорларнинг танлов савдоларида қатнашишга буюртманомалари шакли;

талабгорнинг малакасини ҳамда унинг техник ва молиявий аҳволини баҳолаш талаблари ва мезонларини, таклифларни молиявий баҳолаш ва танлов савдолари ғолибини аниқлаш мезонлари, танлов савдолари тартиботига тааллуқли бошқа ҳужжатлардан иборат бўлган йўриқнома.

Техник қисм қурилиш, реконструкция қилиш, техник қайта жиҳозлаш, лойиҳалаш, қурилиш объектлари учун материаллар, конструкциялар ва жиҳозлар харид қилишга доир танлов ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги **НИЗОМ** талабларига мувофиқ ишлаб чиқилади.

Танлов ҳужжатларининг тижорат қисми товар (ишлар, хизматлар) нархидан, ишлар (хизматлар)ни бажариш ва/ёки товарни етказиб бериш шартларидан, маблағ билан таъминлаш манбалари ва шартларидан, танлов савдолари предметини сотиш муддатидан, шартнома лойиҳасидан иборат бўлади. Буюртмачи томонидан эълон қилинган нарх билан танлов савдолари ўтказилиши тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда танлов савдолари предметининг бошланғич нархи эълон ва таклифномада кўрсатилади. Бунда танлов савдолари танлов савдолари предметининг бошланғич нархини пасайтириш юзасидан ўтказилади.

Оферталарни тақдим этиш тартиби танлов ҳужжатларида белгиланади. Тақдим этилаётган оферта танлов ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ бўлиши керак.

Хорижий пудрат ташкилотлари томонидан амалга ошириладиган ва эркин муомаладаги валютада ҳақ тўланадиган хорижий кредитлар ва грантлар ҳисобига молиялаштириладиган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда, агар халқаро ва хорижий молиявий институтлар билан тузилган кредит шартномаларида ўзгача ҳол назарда тутилмаган бўлса, танлов ҳужжатларига ишлар (хизматлар) қийматининг камида 50 фоизи миқдоридан

ишлар (хизматлар)ни бажариш учун Ўзбекистон Республикасининг хўжалик юригувчи субъектлари — резидентлари иштирок этиши шартлари киритилади.

Танлов ва талабгорнинг малакасини олдиндан аниқлаш ҳужжатларига, офертани жойлашга ва маркировка қилишга, таклифларни техник ва молиявий баҳолаш мезонларига шартлар ва талаблар танлов комиссияси томонидан кўриб чиқилади ва тасдиқланади.

Оферталарни тақдим этиш муддати тугагунгача танлов савдолари ташкилотчиси танлов ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга ҳақлидир, ташкилотчи улар тўғрисида танлов ҳужжатларини олган талабгорларга дарҳол хабар қилиши, оферталарни тақдим этиш муддатини офертага тузатиш киритиш учун етарли бўлган вақтга узайтириши керак.

Танлов ҳужжатлари улар учун тўлов тўлангандан кейин тақдим этилади. Тўлов миқдори буюртмачи ва/ёки танлов савдолари ташкилотчиси томонидан, танлов ҳужжатларини кўпайтириш ва тарқатиш қийматидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Танлов савдолари ташкилотчиси талабгорнинг сўровига кўра танлов ҳужжатларининг моҳияти ёки мазмуни билан боғлиқ бўлган саволларга ёзма равишда жавоб бериши, танлов савдоларининг барча қатнашчиларига жавобни сўров манбаини кўрсатмасдан юбориши шарт.

Танлов савдоларининг асосий қатнашчилари ва /ёки талабгорлар ўртасида хабарлар, билдиришномалар ва бошқа ахборотларни алмашиш танлов ҳужжатлари таркибида тасдиқланган шакл бўйича ёзма равишда амалга оширилади.

Офертанинг амал қилиш муддати танлов ҳужжатларида белгиланади. Оферта уни тақдим этишнинг охириги куни ва вақти тугагунгача қайтариб олинishi мумкин. Талабгорнинг имзоси ва муҳри қўйилган оферта савдолар ташкилотчисига конвертга солиб елимланган ҳолда жўнатилади.

Тақдим этиш муддати тугагандан кейин олинган оферта кўриб чиқилмайди. Офертани тақдим этиш санаси танлов савдолари ташкилотчисининг почта билдиришномасидаги оферта олинганлиги тўғрисидаги қайд бўйича ёки танлов савдолари ташкилотчисининг оферентга берилган (оферта чопар орқали етказиб бериладиган ҳол) оферта олинганлиги тўғрисидаги билдиришномаси санаси бўйича белгиланади.

Талабгор оферта таркибида танлов савдоларида қатнашишга буюртманомани танлов ҳужжатларида кўрсатилган, лекин танлов савдолари предмети ҳисоблаб чиқилган қийматининг кўпи билан 2 фоизи миқдорида таъминлашни тақдим этади. Таъминлашнинг амал қилиш муддати офертанинг амал қилиш муддатидан кам бўлмаслиги керак.

Буюртмачи танлов ҳужжатларида таъминлаш кафилининг ишончлилиги бўйича талабларни, унинг шакллари ва танлов савдоларида қатнашишга буюртманомани таъминлашдан фойдаланиш тартибини белгилаши мумкин.

Танлов савдоларида қатнашишга буюртманомани таъминлаш:

танлов савдолари ғолибига – шартнома тузилгандан кейин, шартнома ижросини талаб қилинадиган таъминлаш тақдим этилгач;

қолган оферентларга – танлов савдолари ғолиби билан шартнома тузилгандан кейин, лекин офертанинг амал қилиш муддатидан кечикмай;

офертани қайтариб олган оферентга – уни тақдим этишнинг охири куни ва вақти тугагунгача қайтарилади.

Буюртманомани таъминлаш уни қайтариш учун асос пайдо бўлган вақтдан бошлаб ўн кун мобайнида қайтарилади. Танлов савдоларида қатнашишга буюртманомани таъминлаш:

офертани тақдим этишнинг охири куни ва вақти тугагач офертани ўзгартирган ёки уни қайтариб олган оферентга;

танлов савдолари ғолибига – оферта унинг амал қилиш даврида қайтариб олинганда, танлов ҳужжатларида белгиланган шартларда шартнома тузиш ёки шартнома ижросининг талаб қилинадиган таъминланишини тақдим қилиш рад этилганда қайтарилмайди.

Танлов савдолари, қоидага кўра, буюртмачи жойлашган жойда ўтказилади. Танлов комиссияси мажлиси ушбу юқоридаги Низомда белгиланган муддат тугагандан кейин ўтказилади. Мажлис вақтида оферталар солинган конвертлар очилади, шартлар ва тартиботларга риоя қилиниши, танлов ҳужжатларида кўрсатилган ҳужжатларнинг мавжудлиги текширилади.

Оферталар солинган конвертларни очиш қатнашиш истагини билдиришган оферентлар ёки уларнинг ваколатли вакиллари иштирокида амалга оширилади.

Танлов ҳужжатлари шартларига жавоб берадиган оферталар бўйича оферентнинг исми (номи), малака маълумотлари, таклиф қилинган нархлар ва бажариш муддатлари, шунингдек оферент томонидан танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ киритилган қўшимча таклифлар ҳисобга олинади.

Танлов комиссияси мажлисида офертани кўриб чиқиш давомида оферент томонидан офертанинг мазмуни тушунтириб берилишига йўл қўйилади. Бунда офертанинг мазмунини, шу жумладан нархи ёки бажариш муддатини ўзгартирувчи тушунтиришлар берилишига йўл қўйилмайди.

Қатнашчиларнинг тижорат таклифларини тенг шартларга келтириш мақсадида улар бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган тендер таклифлари қатнашчиларнинг тендер таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Офертада арифметик хатолар мавжудлиги аниқланган тақдирда сўзлар билан кўрсатилган якуний сумма тўғри миқдор сифатида қабул қилинади.

Савдоларнинг туридан қатъи назар, танлов савдолари ғолиби танлов комиссиясининг ёпиқ мажлисида аниқланади. Тендер комиссияси ғолибларни энг кўп рақобатли нархлар, етказиб бериш ва ишларни бажариш

(хизматлар кўрсатиш) шартлари, тўлов ҳамда тендер шартларида белгиланган бошқа мезонлар бўйича, шунингдек тендер савдоларида мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларига нарх преференциялари бериш тартибини тартибга соладиган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ аниқлайди. Танлов савдолари ғолиби танлов қатнашчилари иштирокида эълон қилинади, иштирок этмаган қатнашчилар белгиланган тартибда хабардор қилинади.

Оферталарни кўриб чиқиш, баҳолаш ва таққослаш натижалари тўғрисидаги ахборот ошкор қилинмайди. Танлов комиссиясининг ҳар бир мажлисида протокол юритилади. Қоидага кўра, бу – талабгор малакасини олдиндан аниқлаш, конвертларни очиш, танлов савдолари ғолибларини аниқлаш ва танлов савдолари ўтказиш тартиботи билан боғлиқ бўлган бошқа протоколлардир. Танлов савдолари буюртмачи томонидан белгиланган тартибда тасдиқлангандан кейин тугалланган ҳисобланади.

Буюртмачи «Давархитектқурилиш» кўмитаси билан келишилган кундан бошлаб беш кун муддатда оммавий ахборот воситаларида танлов савдолари натижалари (предмети, ғолиби, инвестиция лойиҳасининг шартномавий нархи ва уни амалга ошириш муддати) тўғрисидаги ахборотни эълон қилади.

Танлов савдолари агар:

оферталарни тақдим этиш муддатида учтадан кам оферта тушса;

оферталар танлов ҳужжатлари шартларига мувофиқ бўлмаса;

оферталарда танлов савдоларида қатнашишга буюртманомани таъминлаш кафолати мавжуд бўлмаса;

оферентлар томонидан таклиф этилган нархлар танлов савдолари предмети бошланғич қийматидан анча ортиқ бўлса;

«Давархитектқурилиш» кўмитаси билан келишув бўйича танлов комиссияси томонидан асосланган бошқа ҳолатлар пайдо бўлса ўтказилмаган ҳисобланади.

кичик бизнес субъектлари учун ажратилган квоталар бўйича ўтказилмаган танлов савдолари қатнашчилари ўртасида ушбу тоифа корхоналар мавжуд бўлмаса.

Танлов савдоларининг ўтказилмаган деб эълон қилиниши асосий қатнашчилардан биронтасининг мулкӣ ёки бошқача тусдаги жавобгарлигига олиб келмайди.

Агар танлов савдолари ўтказилмаган деб эътироф этилса танлов савдолари такроран ўтказилади, бунда танлов ҳужжатлари шартларининг қайтадан кўриб чиқилишига йўл қўйилади.

Танлов савдолари ташкилотчиси улар тугаллангандан кейин танлов савдолари ғолибига беш кундан кечикмай ёзма билдиришнома жўнатади. Шартнома танлов савдолари ғолиби билдиришномани олган кундан бошлаб ўн кун муддатда тузилади. Агар танлов савдолари ғолиби шартнома тузишни рад этса ёки шартнома ижросини таъминлашни белгиланган муддатда тақдим этмаса, у ҳолда буюртмачи танлов комиссияси билан биргаликда офертаси

иккинчи баҳони олган оферентни танлов савдолари ғолиби деб эътироф этиши ёки такрорий танлов савдолари ўтказишни тайинлаши мумкин.

Шартнома ижросини таъминлаш миқдори буюртмачи томонидан, лекин танлов савдоларида белгиланган қийматнинг кўпи билан 10 фоизи миқдорида белгиланади. Танлов савдолари натижалари бўйича тузилган, эркин муомаладаги валютада амалга ошириладиган шартномани рўйхатдан ўтказиш белгиланган тартибда Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида амалга оширилади.

Танлов ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш, танлов савдоларини ўтказишнинг мақсадга мувофиқлиги ҳамда унинг методлари ва усулларининг асосланганлигини аниқлаш, танлов савдоларини ташкил этиш, танлов савдоларини ўтказиш шартлари ва тартиботига риоя қилиш мониторинги «Давархитектқурилиш» қўмитаси томонидан амалга оширилади.

Танлов ҳужжатлари экспертизаси шартнома асосида ўтказилади.

Танлов савдолари ташкилотчиси томонидан танлов савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш масалаларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар шартларига ҳамда ушбу Низомга риоя қилиниши танлов ҳужжатлари экспертизаси предмети ҳисобланади.

Танлов ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш учун қуйидагилар тақдим этилади:

танлов савдолари предмети ва ташкилотчиси тўғрисидаги маълумотлар;

танлов ҳужжатлари;

танлов комиссиясини тайинлаш ва унинг таркиби тўғрисидаги буйруқ; молиявий ресурсларни тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар (кредит шартномаси, банк маълумотномаси, қурилишларнинг аниқ манзилли рўйхати, давлат бошқарув органи қарори ва бошқалар). Зарур ҳолларда экспертиза органи савдолар ташкилотчисидан қўшимча маълумотларни сўраб олади.

Импорт товарлар (ишлар ва хизматлар)ни харид қилишда буюртмачи танлов ҳужжатлари таркибида Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг нархлар конъюнктураси бўйича хулосасини тақдим этади.

Танлов ҳужжатлари экспертизаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси томонидан тасдиқланган Қурилиш, реконструкция қилиш, техника билан қайта жиҳозлаш, лойиҳалаш, қурилиш объектлари учун материаллар, конструкциялар ва жиҳозлар харид қилишга доир танлов ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом талабларига мувофиқ ўтказилади.

Танлов ҳужжатлари экспертизаси ва экспертиза органи томонидан тегишли хулосани бериш тегишли ҳужжатлар тақдим этилган кундан бошлаб ўн кун муддатда амалга оширилади.

Такрорий экспертиза беш кун муддатда ўтказилади.

Қуйидагилар мониторинг объекти ҳисобланади:

танлов савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш, шартнома тузиш;
лойиҳани амалга оширишда танлов савдолари шартларининг
бажарилиши;

ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларининг ижроси;
курилиши тугалланган объектни ўз вақтида фойдаланишга топшириш.

Мониторинг буюртмачи ва пудратчи томонидан томонларнинг танлов савдолари шартларини бажариши тўғрисида «Давархитекткурилиш» кўмитаси ҳудудий бошқармасига ҳар ойда тақдим этиладиган ахборотларни таҳлил қилиш йўли билан амалга оширилади.

Танлов ҳужжатларига буюртмачи ва пудратчи томонидан ахборотлар тақдим этиш бўйича мажбуриятларни киритиш танлов савдолари шартларининг узвий қисми ҳисобланади.

Мониторинг натижаларини умумлаштириш «Давархитекткурилиш» кўмитаси томонидан амалга оширилади.

«Давархитекткурилиш» кўмитаси ҳар чоракда Вазирлар Маҳкамасига таҳлилий маълумотномани таклифлар билан бирга тақдим этади. Танлов савдоларида белгиланган нарх қатъий нарх ҳисобланади. Биринчи молиявий йил мобайнида нархларга ҳамда товарлар, ишлар ва хизматлар харид қилиш юзасидан шартномани бажариш муддатига тузатишлар киритишга йўл қўйилмайди.

Иккинчи йил ва ундан кейинги йиллар учун шартнома нархларига тузатишлар киритиш белгиланган тартибда амалга оширилади. Танлов савдолари ғолиби қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда объект курилишининг суғурта қилинишини таъминлайди. Танлов савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш, танлов ҳужжатларини ишлаб чиқиш билан боғлиқ харажатлар шартнома асосида амалга оширилади. Танлов савдолари танлов савдолари предметини сотишнинг мақсадга мувофиқ эмаслиги сабабли бекор қилинган тақдирда уларни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ харажатлар амалдаги харажатлар бўйича буюртмачи томонидан қопланади.

Буюртмачи:

танлов комиссиясини шакллантиришда унинг таркибига оид талабларга риоя этилиши;

танлов савдолари предмети учун назарда тутилмаган шакллар бўйича танлов савдоларини амалга ошириш имконини берадиган унинг қийматини камайтириш мақсадида танлов савдолари предметини бўлишга йўл қўйилиши;

танлов савдолари ғолиби билан шартнома тузиш муддатининг бузилиши;

шартномада келишилган муддатларда физик, сифатга доир ва техник параметрлар бўйича шартнома шартларининг бажарилмаганлиги;

танлов шартларининг бажарилиши мониторинги учун нотўғри ахборот тақдим этилганлиги;

томонлар ўртасидаги шартномавий мажбуриятларнинг бажарилиши тугаллангандан кейин уч йил мобайнида оферталар оригиналлариининг сақланмаганлиги;

танлов савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиботларининг бошқача бузилишлари учун жавоб беради.

Агар унинг учун қонун ҳужжатларига мувофиқ шартнома тузиш шарт бўлган буюртмачи шартномани тузишдан воз кечса ёки бош тортса танлов савдолари ғолиби шартномани тузиш ёки етказилган зарарни ва бой берилган фойдани ундириш тўғрисидаги талаб билан судга мурожаат қилади.

Танлов савдолари ташкилотчиси:

оферталар тақдим этиш муддати тугагунгача танлов ҳужжатларига танлов ҳужжатларини олишган талабгорларга ўз вақтида хабар қилмасдан ва офертага тузатишлар киритиш учун етарли бўлган вақт учун оферталарни тақдим этиш муддатини узайтирмасдан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганлиги;

танлов савдолари ўтказилиши тўғрисидаги эълонни танлов ҳужжатларига ижобий эксперт хулосасисиз чоп этганлик;

аризалар ва оферталарни қабул қилиб олишни рад этганлик, уларни ҳисобга олишни таъминламаганлик, конвертларни очишгача уларнинг махфийлигини ва сақланишини таъминламаганлик;

танлов савдоларини ўтказиш тартиботи бузилганлиги;

танлов савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиботининг бошқача бузилишлари учун жавоб беради.

Танлов комиссияси:

танлов савдоларини ўтказиш тартиботлари босқичлари бўйича кам овоз билан ва/ёки танлов таклифларини баҳолаш мезонларини ҳисобга олмасдан қарор қабул қилинганлиги;

талабгор (оферент)дан унинг малака маълумотларига мувофиқлигини тасдиқловчи далилларни ҳужжатли шаклда тақдим этишнинг асоссиз талаб қилиниши;

талабгорларнинг ўз интеллектуал мулки ёки тижорат сирини муҳофаза қилишга бўлган ҳуқуқи бузилганлиги;

талабгорлар (оферентлар)нинг малака маълумотларига нисбатан танлов ҳужжатларида назарда тутилмаган мезонлар ва талаблар белгиланганлиги;

танлов савдоларида қатнашишга:

марказлаштирилган капитал қўйилмалар ҳисобига молиялаштириладиган объектларда қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш учун Қурилиш-пудрат ташкилотлари реестрига киритилмаган қурилиш ташкилотларининг;

муассислик ҳужжатлари, молиявий қатнашиш, холдинг шаклида ва бошқа шаклларда ифодаланган бир-бири билан бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки молиявий боғлиқ бўлган ташкилотларнинг;

қайта ташкил этиш (бўлиниш, бирлашиш) тугатиш ёки банкротлик босқичида бўлган, мулки хатлаб қўйилган талабгорларнинг қўйилганлиги; талабгор (оферент)нинг танлов савдолари тартиботида қатнашишдан асоссиз равишда четлатилганлиги;

танлов савдоларининг бошқа қатнашчилари рейтингига таъсир қилмайдиган, уларга йўл қўйган танлов савдолари қатнашчисига устунлик бермайдиган ҳолларда танлов ҳужжатларининг эълон қилинган шартларга ёки офертани расмийлаштиришдаги ноаниқликларга номувофиқлиги эътиборга олинганлиги;

оферта мазмунини ўзгартирадиган тушунтиришлар ва тузатишларга йўл қўйилганлиги, шу жумладан нархлар ёки бажариш муддати ўзгартирилганлиги;

офертани танлов комиссияси мажлисида кўриб чиқиш давомида оферентнинг тушунтириш беришига асоссиз равишда йўл қўйилмаганлиги;

ахборотнинг ошкор қилинганлиги, савдолар қатнашчиларининг ўзаро ёки жалб этилган мутахассислар билан келишувига йўл қўйилганлиги, шунингдек қонунга зид бошқа хатти-ҳаракатлар қилинганлиги;

танлов савдолари ғолибининг танлов комиссиясининг очик мажлисида аниқланганлиги, танлов савдолари ғолибини эълон қилиш тартиботи бузилганлиги, иштирок этмаган қатнашчиларнинг ўз вақтида хабардор қилинмаганлиги;

танлов савдолари тартиботининг бошқача бузилишлари учун жавоб беради.

Танлов савдолари ғолиби:

физик, сифатга доир ва техник параметрлар бўйича шартнома шартларининг шартномада назарда тутилган муддатларда бажарилмаганлиги;

танлов шартларининг бажарилиши мониторинги натижаларининг бузилганлиги;

танлов шартлари ва шартноманинг бошқача бузилишлари учун жавоб беради;

Агар танлов савдолари ғолиби шартнома тузишни рад этса ёки белгиланган муддатда шартнома бажарилиши таъминланишини тақдим этмаса, у ҳолда буюртмачи танлов комиссияси билан биргаликда офертаси иккинчи баҳони олган оферентни танлов савдолари ғолиби деб эътироф этиши ёки такрорий танлов савдолари ўтказишни тайинлаши мумкин.

Танлов савдолари тартиботидан келиб чиққан келишмовчиликлар ва низолар, буюртмачи, савдолар ташкилотчиси ёки танлов савдолари бошқа қатнашчиларининг хатти-ҳаракатлари ва қарорлар юзасидан шикоятлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

Танлов (тендер) савдоларини ўтказишда рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиниши монополияга қарши орган томонидан назорат функцияларини амалга оширишда, ўрганишлар ўтказишда, шунингдек хўжалик юритувчи субъектлар, давлат бошқарув

органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари мурожаатлари ва тегишли органларнинг тақдимномаси асосида назорат қилинади. Ушбу назорат ва ўрганишни амалга ошириш тартиби монополияга қарши орган томонидан белгиланади.

Назорат учун саволлар:

1. Қурилиш объекти бўйича тендер ва танлов савдолари
2. Танлов савдоларининг хусусиятлари ва шартлари
3. Тендер тушунчаси
4. Тендер савдаларини амалга ошириш тартиби
5. Қурилиш объекти лойиҳасини тайёрлаш
6. Шартномаларни расмийлаштириш
7. Танлов ўтказиш ва экспертиза харажатлари
8. Оферта мазмуни
9. Объект қийматини ўзгариши

Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати

I. Асосий адабиётлар

1. Robert Alan Hill. Company Valuation and Share Price. 2014
2. Уткин Э., Цекова Я. Цена. Ценообразование. - М.: 1997
3. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикасини 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси //Халқ сўзи, 2017 йил 14 январ.
4. “Қурилиш баҳосини шартномавий жорий нархда аниқлаш қоидалари. Шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари. (ШНҚ 4.01.16–09 Иқтисодий нормативлар). Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси. Тошкент 2009.
5. “Қурилишда нарх шакллантириш учун смета норматив хужжатлар тизими” Шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари. (ШНҚ 4.01.01–04 Иқтисодий нормативлар). Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси. Тошкент 2004.
6. Михалина Л.М. Ценообразование в строительстве. Учебное пособие. Челябинск, 2008

II. Қўшимча адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг уй-жой Кодекси. –Т.: Ўзбекистон, 1998
2. Ўзбекистон Республикасининг шаҳарсозлик Кодекси. –Т.: Ўзбекистон, 2002
3. Ўзбекистон Республикасининг “Баҳолаш ва баҳолаш фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. – Т.: Адолат, 2000
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Маҳсулотлар (иш, хизмат) ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ва молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида”ги 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли Низом.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ишлаб чиқариш - техника маҳсулотлари, халқ истеъмоли моллари ва хизматларга шартномавий (эркин) нархлар ва тарифларни белгилаш ва татбиқ этиш тартиби тўғрисида”ги 1999 йил 1 январдаги Низом.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ 5030-сон Фармони.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги “2018 — 2022 йилларда аҳоли пунктларини бош режалар билан таъминлаш, лойиҳа ташкилотлари фаолиятини яхшилаш, шунингдек, шаҳарсозлик

соҳасида мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3502-сон Қарори.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 апрелдаги “Қурилиш соҳасида давлат бошқарув тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-5292-сонли Фармони.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” ги ПҚ-3646- сонли Қарори.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 ноябрдаги “Қурилиш соҳасини давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-5577- сонли Фармони.

12. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси//Халқ сўзи, 2018 йил 23 декабрь.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ жойларда ва фуқароларнинг айрим тоифалари учун арзон уй-жойлар қуришни кенгайтиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2018 йил 22 ноябрдаги Қарори// Фарғона ҳақиқати, 2018 й. 28 ноябр 95-сон.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 февралдаги «Қурилиш материаллари саноатини тубдан такомиллаштириш ва комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4198-сонли Қарори.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 февралдаги «Обод қишлоқ» дастурини 2019 йилда амалга ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4201-сонли Қарори.

16. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 2008 йил 10 ноябрдаги 22-сон қарори билан тасдиқланган “Лойиҳа-тадқиқот ишларининг қийматини аниқлаш тартиби тўғрисида”ги НИЗОМ.

17. Васильев В.М. Организация и управление в строительстве. М. 1998

18. Никитин И. Организация и экономика строительства.–М.: Стройиздат, 1999

19. Сергеев И.В., Веретенникова И.И. Организация и финансирование инвестиций. Учебное пособие. - М.: Финансы и статистика, 2001

20. Степанов П. С. Экономика строительства. – М.: Юрайт, 2005

21. Давлетов И.Х. Қурилиш иқтисодиёти/ Ўқув қўлланма/ Тошкент: ТАҚИ, 2011. -148 б.

22. Архитектуравий лойиҳалаш асослари.Дарслик, – Тошкент, Янги аср авлоди, 2014 й.

23. Дементьев А.Ю. Бухгалтерский учет и налогообложение в строительстве. С.-Пб, "Питер", 2008

24. Степанов П. С. Экономика строительства. – М.: Юрайт, 2005

25. Жўраев А.С., Хўжамқулов Д.Ю., Маматов Б.С. Инвестиция лойиҳалари таҳлили: Ўқув қўлланма - Т.: Шарқ, 2003

Интернет сайтлари

www.gov.uz – Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг сайти
www.gkas.uz – Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва
қурилиш қўмитаси сайти
www.stroyinfo.uz–Ўзбекистон Республикаси капитал қурилишда
иқтисодий ислоҳатлар ва нархларни шакллантириш маркази
<http://www.mineconomy.cc.uz> – Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт
вазирлиги сайти
<http://www.stat.uz> – Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси
сайти

Мундарижа

Кириш	5
1. Қиймат назарияси ва баҳо.....	10
2. Ўзбекистон Республикасида капитал қурилишда баҳо сиёсати.....	13
3. Смета тузиш.....	18
4. Иш хақи харажатлари.....	26
5. Қурилиш материаллари ва конструкциялари харажатлари.	33
6. Ускуна, мебель ва инвентарларга харажатлар.....	37
7. Машина ва механизмлардан фойдаланиш харажатларини шакллантириш.....	40
8. Пудратчининг ва буюртмачининг бошқа харажатлари.....	44
9. Инвестиция лойиҳаларини шакллантириш.....	50
10. Капитал қурилишда танлов савдолари ва уларни ўтказиш тартиби..	64
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	81
Иловалар	

**Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган қурилиш
фаолияти турларининг РЎЙХАТИ**

1. Портловчи ва заҳарли моддаларни, уларни қўллаган ҳолда материаллар ва маҳсулотларни, шунингдек портлатиш воситаларини ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ва реализация қилиш.
2. Бўшаётган ҳарбий-техника воситаларини тугатиш (йўқ қилиб ташлаш, утилизация қилиш, кўмиб ташлаш) ва қайта ишлаш.
3. Ёнғинга қарши автоматика воситаларини, кўриқлаш, ёнғиндан дарак берувчи ва ёнғиндан сақлаш сигнализацияларини лойиҳалаштириш, монтаж қилиш, созлаш, таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш.
4. Магистрал газ қувурлари, нефть қувурлари ва нефть маҳсулотлари қувурларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш.
5. Кўприклар ва тоннелларни лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш.
6. Мудофаа объектларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш.
7. Хавфи юқори бўлган объектларни ва потенциал хавфли ишлаб чиқаришларни лойиҳалаштириш, қуриш ҳамда улардан фойдаланиш.
8. Архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш.
9. Қурилиш лойиҳаларининг экспертизасини ўтказиш.
10. Баландикларда саноат альпинизми усуллари орқали таъмирлаш, қурилиш-монтаж ишларини бажариш.
11. Телекоммуникациялар тармоқларини лойиҳалаштириш.
12. Телекоммуникациялар тармоқларини қуриш.
13. Нефть, газ ва газ конденсатини қазиб чиқариш, қайта ишлаш ҳамда реализация қилиш.
14. Баҳолаш фаолияти.
15. Суғурталовчилар ва суғурта брокерларининг суғурта фаолияти.
16. Геодезия ва картография фаолияти.
17. Риэлторлик фаолияти.

Капитал қурилишда рухсатнома шаклида олинадиган хужжатлар рўйхати:

N п/п	Рухсат бериш тусидаги хужжат (жараён) номи	Рухсат тусидаги хужжат асосида амалга ошириладиган ҳаркат ва аниқ бир фаолият	Рухсат утисдаги хужжатни берадиган вакил килинган идора
1.	Архитектура-режа топшириғи	Лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиш	Давлат архитеткура ва қурилиш кумитаси
2.	Лойиха хужжатларини архитектура-режа топишириғига мувофиқлиги тўғрисида Давлат архитеткура ва қурилиш кумитаси қошидаги архитектура-шаҳарсозлик кенгаши билан келишуви	Лойиха хужжатларининг объектни ёнғин хавфсизлиги ва зилзилабардошлиги талабларига мувофиқлиги юзасидан Давлат экспертизаси хулосасини олиш	
3.	Бино ва иншоотнинг ташқи кўринишини ўзгартириш (фасадни таъмирлаш) юзасидан келишув	Бино ва иншоотнинг ташқи кўринишини ўзгартириш (фасадни таъмирлаш)	
4.	Объектни хизмат соҳасини ўзгартириш ва реконструкциялашга рухсатнома	Объектни хизмат соҳасини муҳандислик таъминотига таъмир кўрсатмаган ҳолда ўзгартириш ва реконструкциялаш	
5.	Қурилиш-монтаж ишларини бошлашга рухсатнома	Қурилиш-монтаж ишларини бошлаб юбориш	
6. +	Ёнғин хавфсизлиги ва зилзилабардошлиги юзасидан давлат экспертизаси хулосаси	Қурилиш-монтаж ишларини бошлашга рухсат олиш	давлат экспертизаси идоралари
7.	Ер майдонини ажратиш тўғрисидаги қарор	Ер майдонидан фойдаланиш	ЎзР ВМ, вилоят, шаҳар ёки туман ҳокимияти
8. .	Ер майдонини танлаш хулосаси	Ер майдонини танлангани тўғрисидаги ёки ер майдони ажратилгани тўғрисидаги	ГУП "УзшаҳарсозликЛИТИ", ГУП

		қарорни олиш	"ТошкентбошпланЛ ИТИ", ООО "Кишлокқурилиш ло йиха"
9.	Автогазқуйиш – компрессор станцияси ва автогазоқуйиш станциясини қурилишига ер майдонини ажратиш юзасидан келишув	Авгазқуйиш –компрессор станцияси ва автогазоқуйиш станциясини қурилишига ер майдонини ажратиш тўғрисидаги қарор	Ўздавархтеққурили ш кумитаси, Ўзбекистон Автомобил ва дарё транспорти давлат агентлиги, Ички ишлар вазирлиги
10.	Қурилишни лойиҳалаш, биноларни реконструкциялаш ва таъмирлаш, сув, канализаия, гидротехник иншоотлар ва бошқа объектларни санитария нормалари, қоидалари ва гигиена меъёрларига риоя этилиши бўйича келшиув	Қурилиш лойиҳасини тасдиқлаш, биноларни реконструкциялаш ва таъмирлаш, сув, канализаия, гидротехник иншоотлар ва бошқа объектларни қурилиши, реконструкция қилиниши, таъмирланиши	Соғлиқни сақлаш Вазирлиги
11.	Йўл, йўл иншоотлари, темир йўл кесишувлари қурилиши, реконструкцияси ва таъмирланиши, йўл бўйида сервис, АЁҚШ, АГЁҚШ, бино ва иншоотларни қуриш, транспорт воситаларини конструкцияларини тайёрлаш лойиҳаларини келишуви	Йўл, йўл иншоотлари, темир йўл кесишувлари қурилиши, реконструкцияси ва таъмирланиши, йўл бўйида сервис, АЁҚШ, АГЁҚШ, бино ва иншоотларни қуриш, транспорт воситаларини конструкцияларини тайёрлаш лойиҳаларини амалга ошириш	Ички ишлар Вазирлиги
12.	Саноат хавфсизлиги экспертизаси хулосаси	Хавфли ишлаб чиқариш объектларини қуриш, кенгайтириш, реконструкциялаш, техник қайта жиҳозлаш, консервациялаш, тугатиш ва фойдаланишни амалга ошириш	Аккредитациядан ўтган эксперт ташкilotлари
13.	Мухандислик коммуникацияларига уланишнинг техник	Архитектура-режа тпошириғини ишлаб чиқиш	Эксплуатация ташкilotлари

	шартлари		
14.	10 килловаттдан ортиқ қувват билан ишловчи объектларни электр таъминоти лойиҳаларини келишув	10 килловаттдан ортиқ қувват билан ишловчи объектларни (электр ва иссиқлик таъминоти) қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш	"Уздавэнергоназорат" давлат инспекцияси
15.	Истеъмолчиларни янгидан ишга туъираётган ёки реконструкцияланган электр қурилмаларини ишга туширишга рухсатнома	Истеъмолчиларни электр қурилмаларига қувват берилиш	
16.	Истеъмолчиларни иссиқлик энергиясидан фойдаланиши ва иссиқлик тизимларини ишга туширишига рухсатнома	Истеъмолчиларни иссиқлик қурилмаларига ва тизимларига иссиқлик энергиясини етказиб бериш	
17.	Йилига 100000 ва ундан ортиқ газ истеъмол қилувчи объектлар қурилиши, реконструкцияси, капитал таъмирланиши учун рухсатнома	Йилига 100000 ва ундан ортиқ газ истеъмол қилувчи объектларга газ етказиб бериш	ВМ қошидаги нефтмахсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси
18.	Фаолиятида сув ресурсларидан фойдаланадиган ва ишлатилган сув чиқариб ташлаш билан боғлиқ янги қуриладиган ва реконструкцияланаётган корхоналар лойиҳаси бўйича келишув	Ер усти сувлари билан боғлиқ корхоналарни қурилиши ва реконструкцияси лойиҳасини тасдиқлаш	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги

Қўшимча маълумотлар учун

